Темпераментнинг “Ҳавфдан қочиш” турининг юқори даражада намоён этган беморлар ичида симпатотоник улуши бироз кўпроқ бўлиши тенденцияси мавжудги (симпатониклар - 53,80%, ваготониклар - 46,20%) кўринади. Аммо ушбу темперамент туринининг қуйи даражада намоён этган беморлар ичида, аксинча, яққол кам бўлиб 27,75% ни ташкил этади, бироқэса симпатоникларга нисбатан 2,6 марта юқорироқ эканлиги эътиборни тортади (1-расм). Демак, темпераментнинг “Ҳавфдан қочиш” турининг юқори даражада намоён этган беморлар ичида симпатоник ва ваготоник орасидаги тафовут юқори бўлмасада, ушбу темперамент тури қуйи даражада намоён бўлган беморларда ваготоник улуши яққол юқори бўлган. Шунингдек, “Ҳавфдан қочиш” темперамент турини юқори ва қуйи даражалари орасидаги нисбат симпатоникларда 1,6:1,0 бўлиб, юқори даражада намоён бўлган беморлар устуворлиги сезиларли бўлса. ваготоникларда эса, аксинча, қуйи даражада намоё бўлган беморлар улуши қарийб 2 баробар кўпроқ бўлган (1,9:1,0). Маълумки, темпераментнинг ушбу тури (Р.Клонингер бўйича) хулқ-атворий реакцияларни аверсив стимулларга нисбатан тормозланишига мойиллик билан характерланиб, шахсда келажак муаммолари олдида, ноаниқликларга нисбатан қўрқув каби пессимистик ҳавотир ҳисиётлари юзага келиши билан намоён бўлади, ҳамда серотонинергик тизим фаоллиги билан боғлиқдир. Демак, ушбу темперамент турининг юқори даражаси кузатилган беморлардаги симпатониклар устуворлиги ва қуйи даражаси кузатилган беморларда ваготоникларни кўп учраши серотонинергик тизим фаоллигини турлича бўлиши билан боғлиқ эканлигини англатади.

Темпераментнинг “Рағбатга боғлиқлик” ва “Қатъийянлик” турлари намоён бўлиш даражалари ва асаб тизими типлари орасидаги боғлиқлик бўйича маълумотлар ҳам 2-расмда келтирилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, темпераментнинг “Рағбатга боғлиқлик” турини юқори даражада намоён бўлиши кузатилган беморларда ҳам ваготониклар улуши 64,46% ни ташкил этиб симпатотониклар нисбатан қарийб 1,8 маротаба кўп учраган. Айни вақтда ушбу темперамент тури қуйи даражада намоён бўлган беморларда эса ушбу яққоллик деярлик йўқолган ва симпатотоник, ҳамда ваготониклар улушлари деярли бир бирига яқинлашган (1-расм). Агар Р.Клонингер бўйича темпераментнинг ушбу тури шахснинг яқинлашувини давом эттириш билан боғлиқ хулқ-атвор тури сифатида ижтимоий боғлиқлик ёки ўзгалар қувватловига боғланиш билан акс этиб, унинг негизида норадреналинергик тизим билан узвий боғлиқ мавжуд бўлса [19], биз қайд этган ушбу темперамент турини юқори ёки қуйи даражада шаклланиши беморларда у ёки бу даражада учрайдиган симпатоник ёки ваготоник асаб типлари улуши, аввалambор, норадреналинергик тизим ва уни назорат этувчи биомаркерлар фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги муҳокамага лойиқдир. Аналогик характердаги натижалар темпераментнинг “Қатъийянлик” билан боғлиқ бўлган турини таҳлил натижаларида аниқланди (1-расм). Бунда ушбу темперамент турини юқори даражада намоён этган беморларнинг аксариятида ваготоник хусусиятлар устувор бўлган (90,00% беморларда). Аммо, ушбу темперамет турини қуйи даражада намоён этган беморларда эса қайд этилган ваготоник асаб типининг яққол устуворлиги деярли кузатилмаган.


Шундай қилиб, ўтказилган таҳлиллар қон босими касаллиги билан хасталанган беморларда Р.Клонингер бўйича темперамент турлари ва улар юқори ва қуйи даражаларда номоён бўлган беморларда симпататоник ва ваготоник типларнинг улуши турлича бўлиб, “Янгиликни излаш”, “Рағбатга боғлиқлик” ва, айниқса, “Қатъийянлик” каби темперамент турларини юқори даражада намоён бўлиш ҳолларида ваготоникларнинг сезиларли устуворлиги аниқланган. Шунингдек, қайд этилган темперамент турлари қуйи даражада намоён бўлган беморларда асаб тизими типларини учраш улушлари деярли бир-бирига яқин бўлган. Олинган боғлиқлик ва тафовутлар асосида мия моноаминоергик тизим турларини устуворлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.



*1-расм. Қон босими билан ҳасталанган беморларда Р.Клонингер бўйича темперамент турлари ва асаб тизими типлари орасидаги боғлиқлик (%). 1- симпататония; 2-ваготония. *-симпатотоникларга нисбатан P<0,05.*

Аввалги ўтказилган тадқиқотларимизда қон босими касаллиги билан хасталанган беморларда Р.Клонингер бўйича темперамент турлари ва уларни намоён бўлиш даражалари ушбу хасталик билан касалланмаган беморларга нисбатан фарқли ўлароқ бўлиши кўрсатиб берилган эди [24,25]. Шунингдек, Р.Клонингернинг “Шахс психобиологик модели” орқали шахс характерини баҳолаш [15], яъни шахс ўзи танлаб олган мақсад ва қадриятларга мувофиқ тарзда хулқ-атворини назорат қилиш, бошқариш ва мослаштириш, ҳамда ўзини англаш каби хусусиятларни жамлаган характер тури – “ўз-ўзини йўналтириш”, бошқа шахсларга нисбатан ва уларга мувофиқ тарзда индивидуал тафовутларни баҳолашга йўналтирилган характер тури – “кооперативлик”, ҳамда шахс маънавияти билан боғлиқ бўлган, барчани ягона бутунликни муҳим, ажратиб бўлмас қисми сифатида эътироф этишни англаш – “ўз ўзини такомиллаштириш” каби турлари фарқлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Шу муносабат билан ушбу изланишда биз келтирилган шахс характери турлари ва уларни намоён бўлиш даражалари билан асаб тизими типлари орасидаги боғлиқликни ҳам аниқлашга харакат қилдик. Ушбу изланиш натижалари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Қон босими билан ҳасталанган беморларда Р.Клонингер бўйича характер турлари ва асаб тизими типлари орасидаги боғлиқлик (%).
*1- симпататония; 2-ваготония. *-*-симпатотоникларга нисбатан P<0,05.*

2-расмдан кўриниб турибдики, шахс характерининг “ўз-ўзини йўналтириш”га қаратилган турини юқори даражада намоён этган беморлар ичида ваготоник улуши 72,62% ни ташкил этган, Бу эса симпатотоникларга нисбатан қарийб 2,5 мартабага кўпроқдир. Ушбу характери турини қуйи даражажа намоён этган беморларда, аксинча симпататоник улуши 1,5 баробарга зиёдроқдир. Демак, қон босими касаллиги билан хасталанган беморларда ушбу характер турини юқори даражада намоён этган беморлар аксарияти ваготоник бўлса, қуйи даражада намоён этган беморларнинг аксарияти симпататоник экан. Шахс характерини “кооперативлик” ва “ўз ўзини такомиллаштириш” каби турларида ҳам айнан шундай қонуният кўзга ташланади. Бу ерда ҳам ўрганилаётган характер турларининг юқори даражада намоён этган беморларда ваготониклар улуши устувор бўлса, қуйи даражада намоён этган беморларда эса симпататониулар улуши кўпроқ учраши тенденцияси кузатилган.

Шундай қилиб, ушбу йўналишда ўтказилган таҳлиллар ҳам қон босими билан хасталанган беморлар характер турлари ва намоён бўлиш даражалари билан бемор асаб тизими типлари орасида узига хос боғлиқ мавжудлиги кўрсатди. Бунда аксарият беморларда ўз-ўзини англаш, бошқалар билан қиёслаш, мослашиш, ўзини назорат этиш ва бошқариш хислатларини етарли бўлмаган холатларда асаб тизими симпатик тизими устуворлиги ва, аксинча ушбу хислатлар етарли даражада ёки кучли намоён бўлган холатларда эса парасимпатик тизим устуворлиги мавжуд бўлишини кўрсатди.да кечишиниэмаслиги кўринади. Табиийки, ушбу хулоса ва фикрлар беморларни даво самарадорлигини оширишга, улар аҳволини тикланишида ижобий аҳамиятга эга эканлиги равшандир.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, изланиш натижасида олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлили биз ўрганаётган, қон босими хасталиги билан касалланган беморларда шахс темпераменти ва характери турлари ва улар белгиларини намоён бўлиш даражалари билан асаб тизими типлари орасида муаъян боғлиқ мавжудлигини кўрсатди. Шунингдек, аниқланган асаб тизими типларини намоён бўлиши ва турли даражада беморлар ичида тақсимланганлиги билан феъл-атвор ва хулқ-атвор хилма-хиллигини таъминловчи нейромедиатор тизимлар фаоллиги ушбу асаб тизими хусусиятлари шаклланишидаги бевосита ва билвосита роли мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Маълумки, шахснинг ташқи муҳитга мослашуви, жамиятда фаолият юритиши, муаъян ҳолатларда ўзини намоён этиши унинг феъл-атвори, ҳулқи ва характери хусусиятларини турли кўринишлари асосида шаклланиб намоён бўлади. Инсон руҳияти унинг бошқа биологик компоненлари, жумладан асаб тизими билан биргаликда, уйғунликда бир бутунликни ташкил этади. Ушбу узвийлик унинг руҳий ва жисмоний саломатлиги мазмун ва моҳиятини ташкил этади, ҳамда амалий тиббиёт учун янги имкониятлар очиш учун хизмат қилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алмаев Н.А., Островская Л.Д. Адаптация опросника темперамента и характера Р. Клонингера на русскоязычной выборке. Вестник Московского университета. Психологический журнал. 2005 г., №6, с.74-86.

2. Власова, Я.Ф. Особенности внутренней картины болезни при артериальной гипертензии в зависимости от приверженности к антигипертензивному лечению / Я.Ф. Власова. – Ульяновск. – 2001. – С. 3-5.

3. Елфимова, Е.В. Личность и болезнь: «внутренняя картина болезни», качество жизни и приверженность / Е.В. Елфимова, М.А. Елфимов // Заместитель главного врача. – 2009. – № 11. – С. 18–25.

4. Ениколопов С.Н., Ефремов А.Г. Апробация биосоциальной методики Клонинжера “Структура и характер темперамента” // Материалы 1-ой международной конференции, посвященной памяти Б.В.Зейгарника.-М., 2001.- С.-104-105

5. Кисляк О. А. Современные принципы лечения артериальной гипертензии и пути улучшения приверженности пациентов к лечению // Справочник

поликлинического врача. – 2006. – № 5. – С. 28–33.

6. Лурия, Р.А. Внутренняя картина болезни и ятрогенные заболевания / Р.А. Лурия – М.: «Медицина», 1977. – С. 115–118.

7. Морозова Т. Е., Юдина И. Ю. Современная стратегия улучшения приверженности лечению больных артериальной гипертонией: фиксированные комбинации лекарственных средств // Consilium medicum. – 2010. – Т.12, № 1. – С. 22–28.

8. Попугаев А. И., Рыбаков Д. А., Касимов Р. А., Баданина Ю. В. Приверженность населения Вологодской области к лечению артериальной гипертонии // Профилактика заболеваний и укрепление здоровья. – 2007. –№ 3. – С. 32–34.

9. Разумникова О.М. Опросник Р.Клонингер для определения темперамента и характера // В помощь психологу: исследователю и практику- 2005. - № 22.- С.150-152.

10. Ризаев Ж.А., Мавлянов И.Р., Мамадиёров А.М., Мавлянов С.И. Оценка приверженности к терапии путем анонимного анкетирования пациентов. Терапевтический вестник Узбекистана -2013. №4.- С.235-236.

11. Усмоналиева Н.Ш., Мавлянов И.Р. Значение психодиагностики личности в спортивной деятельности //Тиббиёт ва спорт. - 2020.-№ 1.- С. 35-38.

12. Филиппова Ю. М., Гринько И. Е. Основные показатели деятельности лечебно-профилактических учреждений г. Смоленска за 2002–2005 годы. Статистический сборник. – Смоленск. – 2006. – 217 с.

13. Филиппова Ю. М., Гринько И. Е. Распространение факторов риска среди амбулаторных больных гипертонической болезнью г. Смоленска // Вестн. Смоленской мед. академии. – 2008. – № 3. – С. 57–58.

14. Хамраев А.А., Мавлянов С.И. Психология фармакотерапии: как преодолеть психологические помехи в фармакотерапии Ибн Сино мероси ва замонавий тиббиёт тараккиёти илмий-амалий семинар.-2015.- Б.- 103. Узбекистан

15. Ball D. et al. The serotonin transporter gene and peerrated neuroticism // Neuroreport. 1997.

16. Benjamin J. et al. No significant associations between two dopamine receptor polymorphisms and normal temperament//Hum.Psychopharmacol.1998.V.13.N1.P.1115.

17. Brettes B. et al. The dopamine D2 receptor gene Taq I A polymorphism is not associated with novelty seeking, harm avoidance and reward dependence in healthy subjects // Eur. Psychiatry. 1998. V. 13. P. 427430.

18. Cloninger C.R. A systematic method for clinical description and classification of personality variants: A proposal // Arch. Gen. Psychiatry. 1987. V. 44. P. 573588.

19. Cloninger C.R., Svrakic D.M. Integrative psychobiological approach to psychiatric assessment and treatment // Psychiatry. 1997. V. 60. P. 120141.

20. Ebstein R.P. et al. 5HT2C (HTR2C) serotonin receptor gene polymorphism associated with the human personality trait of reward dependence: Interaction with dopamine D4 receptor (D4DR) and dopamine D3 receptor (D3DR) polymorphisms // Am. J. Med. Genet. 1997. V. 74. N 1. P. 6572.

21. Ebstein R.P. et al. No association between the serotonin transporter gene regulatory region polymorphism and the Tridimensional Personality Questionnaire (TPQ) temperament of harm avoidance. // Mol. Psychiatry. 1997. V. 2. N 3. P. 224226.

22. Leppik.I.E. compliance during treatment of epilepsy. – Epilepsia; 1988; V.29.–P.79–84.

23. Mavlyanov I.R., Khamraev A.A., Mavlyanov S.I. Support for the treatment process as an urgent problem of rational pharmacotherapy. Journal of Research in health science №1(3), May-August 2018.-P.30(14.00.00.IF-5,24).

24. Мавлянов И.Р., Мавлянов С.И., Мавлянов З.И., Усмоналиева Н.Ш. Гипертония касаллиги билан хасталанган бемор ва бемор бўлмаган шахсларнинг темперамент ва характер хусусиятлари қиёсий таҳлили. Тиббиёт ва спорт, 2024, № 1, С.29-36.

25. Мавлянов И.Р., Мавлянов С.И., Мавлянов З.И., Усмоналиева Н.Ш. Гипертония касаллиги билан хасталанган беморлар темперамент ва характер хусусиятлари. Тиббиёт ва спорт, 2022, № 1-4, С.23-31.

UDK: 614.253.52

TUG‘MA ANOMALIYALI BOLALAR HAYOT TARZIDA JISMONIY FAOLLIKNING O'RNI

Azizova F.L., Tulyaganova D.S.
Toshkent tibbiyot akademiyasi, Toshkent, O‘zbekiston.

РОЛЬ ФИЗИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ В ОБРАЗЕ ЖИЗНИ ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННЫМИ АНОМАЛИЯМИ

Азизова Ф.Л., Туляганова Д.С.
Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан.

THE ROLE OF PHYSICAL ACTIVITY IN THE LIFESTYLE OF CHILDREN WITH CONGENAL ANOMALIES

Azizova F.L., Tulyaganova D.S.
Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan.

Annotatsiya. *Tadqiqotda Toshkent shahridagi bolalar shifoxonalarida davolangani yotgan turli tug‘ma anomaliyali bolalar va ularning ota-onalarida ijtimoiy-gigiyenik so‘rovnoma olib borilgan. Ota-onalarning bola parvarishidagi yondashuvlar, jismoniy faollik darajasini aniqlash va buning natijasida bolada qanday o‘zgarishlar kuzatilishi o‘rganilgan.*
Kalit so‘zlar: *tug‘ma anomaliya, jismoniy faollik, ota-onalar, hayot tarzi, o‘zgarishlar*

Аннотация. *В ходе исследования был проведен социально-гигиенический опрос детей и их родителей с различными врожденными аномалиями, находящихся на лечении в детских больницах города Ташкента. Были изучены подходы родителей к уходу за ребенком, определение уровня физической активности и то, какие изменения в результате этого наблюдаются у ребенка.*
Ключевые слова: *врожденная аномалия, физическая активность, воспитание детей, образ жизни, изменения.*

Annotation. *In the course of the study, a socio-hygienic survey was conducted of children and their parents with various congenital anomalies who are being treated in children's hospitals in Tashkent. The approaches of parents to child care, determining the level of physical activity and what changes are observed in the child as a result of this were studied.*
Keywords: *congenital anomaly, physical activity, parenting, lifestyle, changes.*

Dolzarbligi. Tug'ma kasalliklar, har yili bir oydan besh yoshgacha bo‘lgan 170000 nafar bolaning o‘limiga sabab bo‘ladi. Tug‘ma kasalliklar uzoq muddatli nogironlikka olib kelishi mumkin, bu shaxslar, ularning oilalari, sog‘liqni saqlash tizimlari va jamiyatga sezilarli ta'sir ko‘rsatadi. Eng og‘ir tug‘ma kasalliklarga yurak nuqsonlari, asab naychalari nuqsonlari va Daun sindromi kiradi [9]. “Salomatlik uchun jismoniy faoliyat bo‘yicha global tavsiyalar” dasturida barcha yoshdagi va qobiliyatli shaxslar, shu jumladan nogiron bolalar uchun jismoniy faollikning muhimligi ta'kidlangan. Hujjatda nogiron bolalarning o‘ziga xos ehtiyojlarini e’tirof etadi va ushbu aholi uchun jismoniy faollikning afzalliklarini ta’kidlaydi [8]. Bunday bolalar hayotida atrof-muhit omillari jismoniy mashqlar sog‘lig‘iga ta’sir qilish bilan birga ijtimoiy hayot tarzi sifatiga ham katta ta’sir qilishida asosiy rol o‘ynaydi [4].

Jismoniy faollik bo‘yicha ko‘rsatmalarga rioya qilish ehtimoli nogiron bo‘lmagan odamlarga qaraganda imkoniyati chek;angan bolalarda 16-62% kamroq va jismoniy harakatsizlik bilan bog‘liq jiddiy sog‘liq muammolari xavfi yuqori [6,7]. Oiladagi umumiy jismoniy faoliyatning past darajasi va ota-onalarning jismoniy tarbiya mashg‘ulotlarining oilaviy shakllarini saqlab qolish uchun nogiron bolaning motor faoliyati yetishmasligi aniqlangan [1].

Bundan tashqari, tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, jismoniy faoliyat jismoniy yoki kognitiv nogironligi bo‘lgan odamlarda kardiorespiratorlik, mushaklar kuchi, funktsional qobiliyatlar, ijtimoiy farovonlik va kardiometabolik salomatlik ko‘rsatkichlari bilan ijobiy bog‘liq. Moslashuvchan (adaptiv) jismoniy madaniyat nogiron bolalarni reabilitatsiya qilish va hayotga moslashtirishga qaratilgan sport va ko‘ngilochar tadbirlar va mashqlar o‘z ichiga oladi [2,3].

Bolalardagi harakatsizligining oldini olishga qaratilgan tadbirlar asab-mushaklarning jismoniy holatini, shuningdek, jismoniy, kognitiv va psixo-ijtimoiy ko‘rsatkichlarni umumiy yaxshilashga erishadigan integratsiya va o‘quv dasturlari orqali qo‘llab-quvvatlanishi kerak [5].

Tadqiqot maqsadi: tug‘ma anomaliyali bolalarda jismoniy faollik darajasini aniqlash va uning hayot tarziga ta’sirini o‘rganish.

Materiallar va tadqiqot usullari. Tadqiqot Toshkent shahri bolalar shifoxonalarida davolanayotgan tug‘ma anomaliya tashxisi qo‘yilgan bolalarning ota-onalari o‘rtasida olib borildi. Turli ko‘rinishdagi nogironligi mavjud bolalar ota-onasida (n-196) maxsus tuzilgan ijtimoiy-gigiyenik so‘rovnoma asosida yuzma-yuz holatda olingan ma’lumotlar o‘rganilgan. Sotsiologik so‘rov usuli va kuzatuv usullari yordamida ma’lummotlar yeg‘ildi. To‘plangan ma’lumotlar Microsoft Word va Microsoft Excel dasturidan foydalanilgan holda asosiy statistik ko‘rsatkichlar hisoblab chiqarilgan.

Tadqiqot natijalari. Tadqiqotda jami 196 nafar (n-196) bolalar qamrab olingan bo‘lib, ulardan 45.4% qiz bolalar, 54.5% o‘g‘il bolalarni tashkil etgan. Yosh ko‘rsatkichi bo‘yicha esa 1-4yoshlilar 41.3%ni, 5-9 yoshlilar 46%ni, 10-14 yoshlilar 9.7%ni, 15-18 yoshlilar esa 3.6%ni tashkil etgan.

O‘rganilayotgan kontingentning Xalqaro kasalliklar tasnifiga (XKT-10) ko‘ra Q00-Q99 - tug‘ma nuqsonlar, deformatsiyalar va xromosoma anomaliyalari bilan og‘rigan bemor bolalar kontingenti hisoblanib, har bir sinfi bo‘yicha foizlarda taqsimoti 2022-yil hisobida shifohonaga umumiy murojaatlar statistik ma’lumoti keltirilgan (1-jadval).

Tug‘ma anomaliya tashxisli bolalar statistik tahlil natijasi


1-jadval

XKT-10 bo‘yicha guruhlar:	2022-yil		
	Abs	P	m
Q00-Q07	119	41,0‰	3,6
Q10-Q18	230	79,1‰	5,0
Q20-Q28	1501	516,3‰	9,2
Q30-Q34	27	9,2‰	1,7
Q35-Q37	157	54,0‰	4,1
Q38-Q45	268	92,1‰	5,3
Q50-Q56	192	66,0‰	4,6
Q60-Q64	161	55,3‰	4,2
Q65-Q79	83	28,5‰	3,0
Q80-Q89	121	41,6‰	3,7
Q90-Q99	49	16,8‰	2,3
Jami	2904	1000	0

Q00-Q99 tug‘ma anomaliya diagnoziga to‘g‘ri keladigan bemorlar ertalabki jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanishi ularning individual holati va kasallik og‘irlik darajasiga bog‘liq. Bunday sharoitlarga ega bo‘lgan bolalar har qanday mashqlar rejimini, jumladan ertalabki jismoniy mashqlarni boshlashdan oldin shifokor bilan maslahatlashishlari juda muhimdir.

Sog‘liqni saqlash mutaxassislari nogiron bolalar jismoniy faoliyatda xavfsiz va samarali ishtirok etishni ta’minlash uchun uning sog‘liq holati, kasallik tarixi va o‘ziga xos ehtiyojlariga asoslangan shaxsiy jismoniy mashq dasturlari kabi tavsiyalar ishlab chiqadilar. Bunga ota-onaning qay darajada amal qilishi bola salomatligida ijobiy o‘zgarishlarni kuzatishlari mumkin bo‘ladi. Oiladagi bolalar soni ham nogiron bolaning umumiy parvarishida bevosita ta’sir ko‘rsatadigan omillardan biri bo‘lib, shu boisdan biz o‘rganilayotgan contingent oilada nechta bolali ekanini aniqlash uchun ulardan oilada bolalar soni bo‘yicha savol bilan murojaat qildik. Oilada 1ta bolali oilalar 8.6%ni, 2ta bolali oilalar 30.1%ni, 3va undan ko‘p bolali oilalar 61.2%ni tashkil etdi. 3va undan ko‘p bolali oilalar sonining yuqoriligi ham biz o‘rganayotgan tadqiqot ishining ahamiyatini yanada oshiradi. Ishlab chiqiladigan jismoniy mashq bo‘yicha dasturlar oilada nafat nogiron bolasining salomatligi bilan bir qatorda sog‘lom bolasining jismoniy faollik holatini kuzatish imkoni yaratadi.

“Farzandizngizning ertalabki jismoniy mashq mashg‘ulotlarini doimiy amalga oshirasizmi?” savoli bo‘yicha quyidagicha javoblar olindi: ha doim jismoniy mashqlar qildirib turamiz deb 20% ota-ona javob bergan; shug‘ullanmaymiz deb 34.6% javob berilgan; doimiy emas ba’zan jismoniy mashqlar qildiramiz deb 45.4% respondent javoblari olingan (1-rasm).



1-rasm. Doimiy ertalabki jismoniy tarbiya bilan shug‘ullanish bo‘yicha holat.

Ko‘rinib turibdiki bolaning doimiy jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanish holati eng kam ko‘rsatkichni ko‘rsatmoqda. Bundan o‘rganilayotgan kontingentning salomatligida ijobiy o‘zgarishlar kelib chiqishi kechikish kabi holatlar kuzatilishini tahmin qilish mumkin. Buni bir qancha misollar bilan yanada isbotlash mumkin: jismoniy mashqlar bilan doimiy shug‘ullanuvchi bola bilan ba’zan yoki umuman shug‘ullanmaydigan bolaning ovqatlanish ratsionini va ishtahasining holatini kuzattik. Bunda domiy jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanuvchi bolalar ishtahasi (65.5%) jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanmaydigan bolalarga (49.2%) qaraganda yuqoriligi kuzatilgan. Bu ma’lumot ota-onalar tomonidan berilgan javoblarga asoslangan.

Avvalo nogiron bolaning salomatlik ko‘rsatkichi

yaxshilanishi uchun jismoniy mashqlar bilan bir qatorda uning to‘g‘ri ratsional taomlanishi ham muhim rol o‘ynaydi. Onalar bolaning ovqatlanish ratsioniga (ovqatlanish vaqti va taomnoma tarkibi) rioya qilishini umaman olganda to‘g‘ri ovqatlanish bo‘yicha bilish darajasini o‘rganish uchun so‘rovnoma va suhbat orqali baholandi. Unga ko‘ra bolaning ovqatlanish ratsioniga amal qiluvchi va bu haqida ma’lumotga ega onalar 82.1%ni tashkil etgan bo‘lsa, 14.2% ota-onalar ba’zan rioya etishi, 3.5% ota-ona esa umuman rioya etmasligini bola qaysi vaqtda taom talab qilgandagina berishini aytgan (2-jadval).

Ovqatlanish ratsioniga rioya qilish holati

2-jadval

Bolaning ovqatlanish tartibiga rioya qilasizmi?			
Javob varianti	Rioya qilaman	Ba'zan	Rioya qilmayman
P±m	82,1±2,7	14,3±2,4	3,6±1,3

Jismoniy mashqlar bilan shug‘ullangan bolalar ertalab va tushlik paytida ularga berilgan taomlarni inkorsiz iste’mol qilgan (79.2%), aksincha jismoniy faol bo‘lmagan bolalarda taomni iste’mol qilish holati (58.3%) bir qancha past darajada bo‘ldi. Ba’zi holatda taomni inkor etish holatlari (26.6%) kuzatilgan.

Bolalarning jismoniy mashqlar va ularning uyqu holatiga bo‘lgan ta’sirini baholash uchun ota-onalardan bolaning uyqu tartibi va sifati haqida ma’lumotlar olindi. Unga ko‘ra jismoniy mashqlar faol olib boruvchi bolalarda tushki (74.1%) va kechki uyquning (89.2%) tartibli va sifatli deb baholagan. Aksincha jismoniy mashqlar bajarmaydigan bolalar tushki uyqu vatqi tartibi sifati (56.4%) qoniqarsiz, kechki uyqu holati (43.6%) holatda tartibsiz deb baholangan.

Xulosa. Xulosa o‘rnida, nogironligi mavjud tug‘ma anomaliya tashxisli bolalarning salomatlik holatini bir me’yorda ushlab turish va/yoki salomatlik holatida ijobiy o‘zgarish uchun doimiy jismoniy faollikning o‘rni ahamiyati yuqoriligi yana bir bor isbotlandi. Doimiy jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanuvchi bolalarda hayot tarzi shug‘ullanmaydigan bolalarnikiga qaraganda uyqu holatida 17.7%, ovaqtlanishda ishtahaning bo‘lishi 16.3% farqli ta’siri aniqlandi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Курникова М. В. Влияние физической активности ребенка-инвалида на социальное самочувствие его семьи с позиции социологической теории Пьера Бурдье // Известия Уральского федерального университета. Сер. 3, Общественные науки. 2019. Т. 14. № 4 (194). – 2019. – С. 63-70.
2. Чернова, Л. Н. Адаптивная физическая культура для детей с ДЦП /Молодой ученый. — 2021. — № 18 (360). — С. 380-383.
3. Carty C, van der Ploeg HP, Biddle SJH, et al. The first global physical activity and sedentary behavior guidelines for people living with disability. J Phys Act Health 2021; 18: 86–93.
4. Di Marino E, Tremblay S, Khetani M, Anaby D, The effect of child, family and environmental factors on the participation of young children with disabilities, Disability and Health Journal (2017), doi: 10.1016/j.dhjo.2017.05.005.
5. Julio Alvarez-Pitti, José A. Casajús-Mallén, Rosaura Leis-Trabazo, et al. Exercise as medicine in chronic diseases during childhood and adolescence. Anales de Pediatría. Volume 92, Issue 3. 2020, Pages 173.e1-173.e8.
6. Kathleen Ginis, Hidde Ploeg, Charlie Foster, and at all. Participation of people living with disabilities in physical activity: a global perspective. The Lancet. Volume 398, Issue 10298, 2021, Pages 443-455, ISSN 0140-6736.
7. UN. From exclusion to equality: realizing the rights of persons with disabilities. Handbook for parliamentarians on the Convention on the Rights of Persons with Disabilities and its Optional Protocol. 2007. https://www.un.org/esa/socdev/enable/documents/ipuhb.pdf
8. WHO. Global recommendations on physical activity for health. 2010. https://www.who.int/dietphysicalactivity/global-PA-recs-2010. pdf
9. WHO. Congenital disorders. https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/birth-defects. 2023.

UO‘K: 617:616-001.6-5

BOLALARDA UCHRAYDIGAN GLOMERULONEFRITGA ZAMONAVIY QARASHLAR

Kurbanova D.R., Abdullayeva M.M.
Toshkent tibbiyot akademiyasi,Toshkent, O‘zbekiston.

СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТ У ДЕТЕЙ

Курбанова Д.Р., Абдуллаева М.М.
Ташкентская медицинская академия. Ташкент, Узбекистан.

MODERN VIEWS ON GLOMERULONEPHRITIS IN CHILDREN

Kurbanova D.R., Abdullayeva M.M.
Tashkent Medical Academy. Tashkent, Uzbekistan.

Rezyume. *Hozirda ko‘p marta o‘tkazilgan tajribalar va klinik tekshirishlar asosida glomerulonefrit(GN)ning immunopatologik jarayonlar rivojlanishidagi asosiy o‘rni haqidagi aniq tasavvur shakllandi. Buyrak to‘qimasining zararlanishini keltirib chiqaruvchi ikki asosiy immunologik reaksiya turi ajratiladi: 1) autoimmun yoki anti-GBM-antitelo mexanizmi; bunda immun komplekslar GBMning maxsus antitelo va antigenlaridan hosil bo‘lgan. 2) IKGN; bunda (faoliyati ko‘rsatilayotgan) buyrak koptokchalarining hududida joylashgan immunokomplekslar tarkibiga koptokchalardan tashqari joylashgan antigen va antitelolar kiradi. SHu mexanizmlarni namoyon qilish asos qilib olingan.*

Kalit so’zlar: *Glomerulonefrit, antigenlar, immunitet, timus, immunoregulyator, O‘RVI, tonzillit, adenoidit, timozin, timopoetin, timalin, T-aktivin, timus gumoral faktori.*

Резюме. *В настоящее время на основе многократных опытов и клинических испытаний сформировалось четкое представление об основной роли ГН в развитии иммунопатологических процессов. Выделяют два основных типа иммунологических реакций, вызывающих повреждение почечной ткани: 1) аутоиммунный или анти-GBM-антителомеханизм; при этом иммунные комплексы образуются из специфических антител и антигенов GBM. 2) ИКГН; при этом в состав иммунокомплексов, расположенных в области почечных шариков (активность которых показана), входят антигены и антитела, расположенные вне шариков. За основу было взято проявление этих механизмов.*

Ключевые слова: *гломерулонефрит, антигены, иммунитет, тимус, иммунорегулятор, ОРВИ, тонзиллит, аденоидит, тимозин, тимопоэтин, Тималин, Т-активин, гуморальный фактор тимуса.*

Resume. *Currently, based on multiple experiments and clinical trials, a clear understanding of the main role of GN in the development of immunopathological processes has been formed. There are two main types of immunological reactions that cause damage to the renal tissue: 1) autoimmune or anti-GBM antibody mechanism; in this case, immune complexes are formed from specific antibodies and GBM antigens. 2) MCG; in this case, the immunocomplexes located in the area of the renal globules (the activity of which is shown) include antigens and antibodies located outside the globules. The manifestation of these mechanisms was taken as a basis.*

Key words: *glomerulonephritis, antigens, immunity, thymus, immunoregulator, ARVI, tonsillitis, adenoiditis, thymosin, thymopoietin, Thymalin, T-activin, humoral factor of thymus.*

GNning rivojlanish mexanizmida qatnashuvchi immun komplekslar sirkulyasiyadagi qonda, limfada va yana koptokchalar hududida avvaldan joylashgan antigenlarning sirkulyasiyadagi antitelolar bilan keyingi reaksiyasi hisobiga hosil bo‘ladi [9, 14, 15, 17]. Kuyidagi ko‘rsatilgan immun komplekslarning koptokchalarga zararlovchi ta’siri yallig‘lanishning rivojlanishiga olib keluvchi ikkilamchi nospetsifik reaksiyalar ishtirokida amalga oshadi. Bu reaksiyalarda plazmaning biologik sistemalaridan quyidagilari qatnashadi: ivish, fibrinolitik, kinin va kompliment sistemalar [3, 5, 6, 9]. Birlamchi immunologik reaksiya sensibilizatsiyalashgan limfotsitlarga bog‘langan o‘ta sezgirlikning tezkor tipi asosida yotadi. Bu esa hujayraviy o‘ta sezgirlikka ega GN rivojlanishiga moyillik tug‘diruvchi o‘ta sezgirlikning sustkor tipiga olib keladi [15, 17, 18, 20].

Keng muhokama qilinayotgan adabiyotlarda GN patogenezida o‘ta sezgirlikning sustkor tipining qatnashish sharti ekilmadagi buyrak hujayralariga buyrak to‘qimasi ekstraktiga va koptokchalar bazal membranasi antigenlariga bo‘lgan javob asosida tasdiqlangan [10, 12, 14, 15, 17].

Kaytalanuvchi o‘tkir GN bilan kasallangan bemorlarning deyarli 50% limfotsitlar faolligi kuzatilishi, T-limfotsitlarning birlamchi xarakterdagi funksional buzilishi haqidagi taxminlar bilan to‘g‘ri kelmaydi [6,7,8,10,12,14]. V.I. SHishkin va A.G.Panshinlarning [16, 17, 18] ko‘rsatishicha o‘ta sezgirlikning sustkor tipi ko‘proq surunkali GNda va yana cho‘ziluvchan kechishli o‘tkir GN bilan kasallangan bemorlarda aniqpanadi. Bunda o‘ta sezgirlikning sustkor tipi (O‘SST) bilan sitostatik terapiyaning faolligi va samaradorligi orasida korrelyasiya kuzatiladi. Bemorlarning ko‘pchilik qismida GN immunokompleks rivojlanish mexanizmining natijasi hisoblanadi.

IKGNning asosiy mezonlari quyidagilar:

1. morfologik (immunoflyuoressent) belgilar, immunoglobulin depozitlarning va komplementning koptokchalar bazal membranasi atrofi, mezangiyaga granulyar taqsimlanish bilan ifodalaniladi; buyrak koptokchalari BMAG antitelolar elyusiyasida javob bermaydi, immunokompleksni hosil qiluvchi AG bilan o‘zaro aloqada bo‘lmaydi;
2. Sirkulyasiyadagi qonda va limfada IKGN bilan og‘rigan bemorlarda IK bo‘lishi;
3. IK hosil bo‘lishida zardob komponenti va uning aloxida komponentlarining yopishishi natijasida kamayishi;
4. Ikki tomonlama buyraklarning zararlanishi [16, 17,

18, 19, 20].

Buyrak koptokchalarini zararlovchi IKning tanlovchanligi bir necha omillar bilan tushuntiriladi:

1) buyrak koptokcha hujayralari (endoteliy, fagotsitlar, mezangiotsitlar) immunoglobulinlarning S-fragmenti va S430 komponentga oid retseptorlarning bo‘lishi va bularning aylanuvchi IK tarkibiga kirishi;

2) ba’zi AIKlarni bazal membranaga yopishish qobiliyati (masalan: 12 tip R-gemolitik streptokokkning A gruppasi) va glomerulyar filtrning BMAG bilan kesishgan ta’sirchanligi [10,12,13,14,16].

SHunday qilib, glomerulyar kapillyarlar infiltratsion qobiliyatining o‘ziga xosligi hisobiga nafaqat "mexanik tutkich" rolida, balki tez-tez IK kasalligida buyrak koptokchalari jarayoniga qo‘tttilittti hisobiga "maxsus retsepsiya tutkichi" rolida ham ifodalaniladi.

Immun komplekslar nafakat O‘SST, balki O‘STT reaksiyasini ham chaqirishi mumkin. IKning o‘ziga xosligi, AG, AT, IKning AGga nisbatan miqsori, AG stimulyasiya va IK persistensiyasining davomiyligi u yoki bu reaksiyaning ustun kelishi yoki kasallikning kechishida o‘zgarish shu shartlarni yuzaga chiqarish imkoniyatiga ega emas. Hozirgi zamonaviy immunologiya yutuqpari immunokompleks ta’sirida stimulyasiya reaksiyasi va immun sistemaning susayishining mumkinligini ko‘rsatib berdi [16, 17].

Immunkompleks chaqirishi mumkin bo‘lsa O‘STT reaksiyasi o‘tkir immun yallig‘lanish ko‘rinishida bo‘lib, 2 yo‘l bilan amalga oshadi:

1) komplement sistemasining kiritilishi bilan, ya’ni mediatr tashuvchi hujayralar bilan o‘zaro aloqa natijasida faolashish;

2) IK tarkibiga kiruvchi immunoglobulinlarning G‘s-fragment mediatr tashuvchi hujayralari retseptori bilan o‘zaro kelishgan holda.

Shunday qilib, komplement tutgan va tutmagan immunokomplekslar tomir o‘tkazuvchanligining keskin oshishi, polimorf yadroli leykotsitlar infiltratsiyasi tomir devorining fibrinoid nekrozgacha bo‘lgan zararlanishi, fibrinning cho‘kishi, trombotsitlarning hosil bo‘lishi va indutsirlanishi tez immun yallig‘lanishning xos belgilaridandir [11, 14, 13, 15, 16].

O‘SST reaksiyaning immunkompleks tomonidan induksiyalanish imkoniyati T-limfotsitlar-killerlar yuzasida joylashgan IgOning G‘s fragmentiga tegishli retseptorlarning bo‘lishiga bog‘liq. IKning immunologik mexanizmlari blokadaga uchrashi mumkin va bu nafaqat G‘s-fragmenti, balki komplementning S3-komponentiga oid retseptorlarni tutuvchi T-supressorlarning stimullash qobiliyatiga egaligi bilan ifodalaniladi. Ma’lum holatlarda immunokompleks T-xelperlarni ham susaytirishi mumkin [10,12,13,14,16,17,20].

Sg.Oo1 va muallifdoshlari GN bilan og‘rigan bemorni tekshirib, quyidagi xulosaga kelishdi - ularning aylanishidan IK tranzitor xususiyatni namoyon qilishi mumkin va kasallikning rivojlanishida ma’lum rolni o‘ynashi mumkin emas [20, 21]. T.L.Nastausheva va N.A.Konstantinov va boshqalarning ma’lumotiga ko‘ra streptokokkdan so‘ngi GNning o‘tkir davrida aylanuvchi IKning normadan yuqoriligi bilan xarakterlanadi. Bunga ularning sifat tarkibi va yuqori komplement bog‘lash xususiyati, ya’ni ehtimollarga ko‘ra, tarkibida yuqori komplement bog‘lash faolligiga ega va shundan sitotoksik ta’sirga ega bo‘lgan ATning IKda mavjudligini isbotlaydi [14, 15].

GNning rivojlanish mexanizmini tushinish uchun hozirda uning AG tabiatini aniqlash kerak, chunki u IK tarkibiga kirib, faqatgina IK- ning alohida bir shakllarida ma’lum. AG tabiatini o‘rganishimiz bizni GN etiologiyasini aniqlashimizga yaqinlashtiradi, shu bilan birga profilaktikasi va davolashni ishlab chiqishda asosiy o‘rin tutadi. GNning asosiy etiologik omillaridan nefrogen xususiyatiga ega bo‘lgan r-gemolitik streptokokkning A/Gni xisoblanadi, shunindek, bolalarda viruslarning AGiga katta etibor beriladi [6,7,8,9,10,12]. IKning to‘qimaga yopishishini keltirib chiqaruvchi omillar yaxshi o‘rganilmagan. Koptokcha filtridan tashqari IKning o‘lchamlari (katta komplekslar mezangial hujayralarga tezda fagotsitlanadi, bu ularning nefrogenlik qobiliyatini pasaytiradi) ATlar faolligi, tomir o‘tkazuvchanligining ahamiyatga ega [3,4,5,6,7,8,10,12].

IK depozitsiyasiga bog‘liq bo‘lgan morfologik o‘zgarishlar kam o‘rganilganicha qolmoqda. Tajribalarda aniqlashicha gistologik javobning shakllanishida immunkompleks intensivligi va yopishishining davomiyligi katta ahamiyatga ega, buning ifodasini mualliflar V.I.Naumov va Z.M.Enikeevlar buyrak to‘qimasining fibrinolitik faolligining su- sayishi bilan unda o‘ta og‘ir bulgan morfologik o‘zgarishlarni kelib chiqishini ko‘rsatganlar [11, 15, 16, 18, 19].

IK qonning ivish sistemasi va limfani (plazmin, trombin) alternativ yo‘l bilan komplementning faollashishiga, keyinchalik mikrotsirkulyasiyaning buzilishiga va sitotoksik reaksiyaning rivojlanishiga olib kelishi mumkin [3,5,6,7,9,12,13]

GNda IKdagi AGning tabiati ko‘p hollarda noma’lum bo‘lib qolmoqda. Bu holda NV§A§li virusli gepatit «V» ning oqsili nefritogen immunkompleksni hosil bo‘lishiga olib kelishi, virusli gepatit «V» ning AG sifatida shakllanishi mumkinligi ahamiyatga ega [5,6,7,8,9,10]. K.Eugez va mualliflarning ma’lumotlariga ko‘ra, nefrotik sindrom bilan kasallangan ko‘pgina bemorlarda koptokchalardagi minimal o‘zgarishlar kanalchalar (anxorchalar) AGni va kam holda koptokcha bazal membranasi AGning tarki- bida bo‘lgan yangi tug‘ilgan chaqalokdar buyrak gomogenatiga ta’sir qiluvchi limfotsitlar sensibilizatsiyasiga olib keladi. SHu bilan birga T-supressorlar miqdorining kamayishi ham ko‘rsatilgan [17].

R.Zasshap va boshqalar turli immun reaksiyalar tipida komplementar sistema roli haqidagi ma’lumotlarni jamlab, uning III tip reaksiya (IKga bog‘langan) va II tip (sitotoksik) reaksiyalarning rivojlanishidagi ahamiyatini ko‘rsatib berdi. Biroq, komplementar sistema amaliy jihatdan I tip (reaginlar orqali) va IV tip (O‘SST) immun reaksiyalarda qatnashmaydi [15, 18, 19]. V.Re^egz va R.Zasshap GNning rivojlanishida komplementning birlamchi etishmovchiligini moyil omillar qatoriga kiritish mumkinligi haqidagi taxminni aytib o‘tganlar. Gipokomplementemiya mikroorganizmlar (bakteriya, viruslar) eliminatsiyasining buzilishiga va shu bilan ularni sirkulyasiyada davomiy bo‘lishiga, va bu o‘z navbatida komplementar sistemaning faollanishiga olib keluvchi immun komplekslar hosil bo‘lishiga moyillik tug‘dirishi mumkin [9]. Birinchi marta MPGN va turg‘un gipokomplementemiyasi bo‘lgan bemor qon zardobida sog‘lom donor zardobiga S3ni parchalanishini chaqiruvchi antikomplementar omil IeG‘ (S3KeG‘)ni anikdashdi [15].

Immungistokimyoviy bu bemorning koptokchalar BM

cho‘kma holatdagi S3 va yopishmagan immunkompleks komplementi komponentlarining bo‘lishini o‘z navbatida sistemadagi nuqsonning rivojlanishida qatnashuvchi S3MeG‘ni patologik jarayonning asosida yotuvchi birlamchi omil deb hisoblash mumkin. Keyingi yillarda GNning MP turining farmakologik manzarasini ifodalovchi GNning gipokomlementari va shu bilan gipertenzion sindromi va buyrak porsial faoliyatining buzilishi bilan kechuvchi surunkali GNni aralash shaklining klinik simptomlari ajratilgan [15,16,17,18,25].

Shunday qilib, GNning klinik-morfologik shaklining rivojlanishida komplementar sistema ma’lum o‘rin tutadi. Biroq, u immun yallig‘lanishining boshqa qatnashchilari bilan o‘zaro bog‘liq bo‘lib, ular faoliyatining nomunosibligi - bu o‘zaro bog‘liklikni o‘rganishni davom ettirishini talab qiladi.

GN patogenezida hujayra immuniteti omiliga qaytar ekanmiz, bu bemorlardagi koptokchalar BM AGlari tomonidan sensibilizatsiya limfotsitlar bo‘lishini ta’kidlashimiz kerak. V.I.Naumova va muallifdoshlar bu hujayralarning 57% ni bemorlarda aniqlab, shu sinamani eng yuqori ko‘rsatkichlarini surunkali GNning aralash va nefrotik shakllarining faol davrida topishdi [105, 106, 108, 109]. K.Ma18shpo1o va mualliflar koptokchalar bazal membrana (BM) AGiga sensibillashgan limfotsitlar kasallikning klinik faolligi va buyrakdagi proliferativ o‘zgarishlar orasidagi musbat korrelyasiyani anikdab, buning asosida surunkali GNning rivojlanishida sensibillashgan limfotsitlarning qatnashishi haqidagi xulosaga kelishdi [25]. Biroq, E.Puni va muallifdoshlar GNda koptokchalar BMsi AGiga sensibilashgan T-limfotsitlarni 84% bemorlarda aniqlab, quyidagi fikrni, - ya’ni koptokchalarda limfotsitar infiltratsiyaning bo‘lmay turib, bu hujayralarni surunkali GN yallig‘lanish reaksiyalarda qatnashishini ta’kidlash qiyin degan fikrni aytitttdi [25]. Limfotsitar periglomerulyar infiltratsiyaning ahamiyati xanuzgacha ma’lum tushunchaga ega emas. Sungi yillarda ko‘p hollarda buyrak patologiyasi asosida aralash V-T defitsiti haqidagi fikr shakllandi. Ko‘pgina olimlarning tekshiruvlarida GN bilan og‘rigan bemorlarda T-lifotsitlarning miqdori va funksional faolligining kamayishi va o‘z navbatida V-limfotsitlarning me’yorida yoki me’yordan yuqori mikdorda bo‘lishi, bu ko‘rsatkichlarni kasallikning kechish xarakteri va shakliga ma’lum darajada bog‘likligini takidlab o‘tishgan. T-limfotsitlarning subpopulyasiyasini o‘rganish, bu hujayralarning supressor faoliyati kasallikning kechish turidan qat’iy nazar GN bilan kasallangan bemorlarning barchasida pasaygan, killer hujayralar amaliy jihatdan o‘rganilmagan [4,5,6,7,8,11,12,15]. E.P.Chenchikov va muallifdoshlar T- va V-limfotsitlar sistemasini GN bilan kasallangan bolalarda o‘rganib, shu bilan birga buyrak to‘qimasining morfologik manzarasini tasvirlab, V-limfotsitlar mikdorini buyrak jarayonlariga bog‘liq emasligini ta’kidlab o‘tishdi. Bu holatda tekshirilgan bolalarda LBT reaksiyasi bo‘yicha T-limfotsitlarning faolligi me’yorda yoki me’yordan pastligi aniqlanib, bunda me’yordan kamayish buyrakning morfologik o‘zgarishlariga bog‘liq [11, 19]. SHuni ta’kidlash joizki, mualliflar T-lifotsitlar mikdori va ularning blastogen faolligi orasidagi o‘zaro bog‘likdikni anikday olishmadi, lekin bunda LBT kasallikning og‘irlik darajasini ko‘prok aks ettiradi. Sezilarsiz darajadagi buyrak to‘qimasining morfologik o‘zgarishi bolalarda immun supressiv terapiyani immunologik ko‘rsatkichlarga ta’siri bolalardagi yaqqol buyrak zararlanishidagi immunsupressiv terapiyadan so‘ngi parametrlarni pasayishiga nisbatan birmuncha past darajada ta’sir ko‘rsatganligi aniqlangan. Olingan ma’lumotlar GNning og‘ir shaklida immun mexanizmlarning kompensator xususiyatlarining pasayganligi haqida taxmin qilishga olib keldi. Aniqlanishicha, kasallikning og‘irligi va hujayra immuniteti yaqqol o‘zgarishini ko‘rsatkichlarining o‘zaro bog‘liqlik mutloq emas, bunga bir xil klinik va bir xil morfologik kasallik manzarasiga ega bo‘lgan bemorlarning individual immunologik statusi taxlili tasdiq bo‘ladi. Bu holat kasallikning kechishi va yuqorida ko‘rsatilgan hujayra immuniteti omillarining dinamikasi orasidagi sabab-oqibat bog‘likligining murakkabligini tasdiqlaydi. Taxmin qilish mumkinki, bir qator hollarda T-limfotsitlar sonining kamayishi va ularning funksional aktivligining pasayishi organizm adaptatsiya reaksiyasining natijasidir, va bu kasallik jarayoni va noxush immun reaksiyalar, xususan O‘SST hosil bo‘lishining pasayishidan kelib chiqadi.

Shunday qilib, quyidagi adabiyotning tahlilidan GN rivojlanish mexanizmining hozirgi zamonda o‘rganilishi, bu muammoni hali ko‘p echilmagan qirralari borligidan dalolat beradi. U yoki bu nefropatiyalarning rivojlanishidagi immun javob xususiyatining genetik boshqarilishini o‘rganishni talab qiladi. GNning ma’lum klinik immunologik variantlarining shakllanishida, xususan, qon ivish va boshqalarda limfoid sistemaning rolini maqsadli o‘rganishni talab qiladi. GN patogenezida limfoid sistemani o‘rganishdagi yangi yutukdar bizning larashimizcha oxir oqibat tashxis va buyrak kasalliklarini davolanishiiing yaxshilanishiga olib keladi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Аверьянова Н.И. Распространенность кристаллурии и возможные факторы риска дисметаболических нефропатий у детей, проживающих в Свердловском и Мотовилихинском районах г. Перми // Материалы межрегиональной научно-практической конференции «Актуальные вопросы педиатрии». – Пермь, 2013. – С. 58–62.

2. Аверьянова Н.И. Лечение и профилактика рецидивов пиелонефрита с кристаллурией у детей // Российский вестник перинатологии и педиатрии. – 2016. – Т. – 61. – № 6. – С. 104–108.

3. Алботова Л.В., Агранович Н.В., Лихачева А.П., Классова А.Т., Пилипович Л.А. Почечная дисфункция у пациентов с артериальной гипертензией и метаболическим синдромом и роль цистатина С в её ранней диагностики //Вестник молодого учёного, 2020 - №2 –С.41-46.

4. Алексеев А.В., Гильманов А.Ж., Гатиятуллина Р.С., Ракипов И.Г. Современные биомаркеры острого повреждения почек // Практическая медицина. - 2014. - № 3 (79). - С. 22-27.

5. Андрусев А.М., Перегудова Н.Г., Шинкарева М.Б., Томилина Н.А. Заместительная терапия терминальной хронической почечной недостаточности в российской федерации 2014–2018 г.г. О.О.О.Н. «Российское Диализное Общество»; 2019.

6. Атауллаханов Р.И., Гинцбург А.Л. Иммунитет и инфекция: динамичное противостояние живых систем // Педиатрия. – Москва, 2005. - № 4. - С. 47-61.

7. Ахмеджанова Н.И. Оптимизация диагностики и

лечения хронического пиелонефрита у детей. Автореф. дисс…д.м.н. Ташкент, 2019. 33стр.

8. Ахмеджанова Н.И., Ахматов А., Ахматова Ю.А., Махмудов Х., Хусенова Ф. Совершенствование диагностики и лечения хронического пиелонефрита у детей. Вестник врача.Самарканд, 2019. - №4. - С.24-28.

9. Ахмеджанова Н.И., Махмудов Х., Хусенова Ф. Новые методы диагностики и лечения хронического пиелонефрита у детей. European Science Review Austria/ -Vienna, 2019. -№9-10.–P.26-29.

10. Ахундова А.А. Определения состояния канальцевого эпителия почек у маловесных новорожденных с ишемической нефропатией // Казанский медицинский журнал, 2019. - №6. – С.877-884.

11. Вялкова А.А. Актуальные проблемы тубулоинтерстициального поражения почек у детей // Педиатрия. – 2009. – Т. 87.– № 3. – С. 122– 127.

12. Вялкова А. А. Диагностика тубулоинтерстициальных хронических болезней почек // Успехи современного естествознания. – 2008. – № 5. – С. 88.

13. Вялкова А.А. Инфекция мочевой системы у детей в XXI веке // Оренбургский медицинский вестник. – 2016. – № 2 (14). – С. 49–56.

14. Вялкова А.А. Инфекция мочевой системы у детей: современные аспекты этиологической диагностики и лечения // Российский вестник перинатологии и педиатрии. – 2017. – Т. – 62. – № 1. – С. 99–108.

15. Вялкова А.А. Современные представления о тубулоинтерстициальных нефропатиях, и концепция хронической болезни почек в педиатрической нефрологии // Педиатрия. – 2008. – Т. 87. – № 3. – С. 129–131.

16. Вялкова А.А. Оптимизация диагностики вторичного тубулоинтерстициального поражения почек у детей // Педиатр. – 2011. – Т. II. – № 1. – С. 8.

17. Глыбочко П.В., Морозов Д.А., и др. Цитокиновый профиль крови и мочи у детей с обструктивными уропатиями // Курский научно-практический вестник «Человек и его здоровье». 2010. №2. С. 52-57.

18. Горшкова Е.Г., Кривич М.Б. Цистатин С – ранний маркер снижения функции почек // Здравоохранение Дальнего Востока,2017. - №4. – С.109-111.

19. Доровских В.А. Антиоксидантная терапия в клинической практике. Метод. рекомендации для врачей. Под редакцией. Благовещенск. 2012. 118 стр.

20. Длин В.В. Дисметаболические нефропатии у детей // Российский вестник перинатологии и педиатрии. – 2012. – Т. 58. – № 5. – С. 36–45.

21. Длин В.В. Дисметаболическая нефропатия с оксалатно-кальциевой кристаллурией // Эффективная фармакотерапия. – 2013. – № 42. – С. 8–16.

22. Еремеева А.В., Длин В.В., Корсунский А.А, Орехова С.В. Клиническая и диагностическая значимость определения липокалина-2, ассоциированного с нейтрофильной желатиназой, в моче у детей с микробно-воспалительными заболеваниями почек и мочевых путей // Нефрология. – 2015. - № 6. – С. 60-65.

23. Mirraximova, M. X., and N. Yu Nishanbaeva. "Night of atopic dermatitis in children komorbid laboratory-immunological properties." IMRAS 6.6 (2023): 301-306.

24. Mirraximova M., Kh M. M., Nishanbaeva N. Y., Kasimova M. B. Psychosomatic relationships in atopic dermatitis //International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers, Impact factor (SJIF). – Т. 6. – С. 734 -738.

25. Nishonboeva N. Genining polimorfizmi atopik dermatitda //Farg'ona davlat universiteti. – 2023. – №. 1. – С. 137-137.

UDK. 616.24-002.036.11-053.4

BOLALARDA PNEVMONIYADA QON TARKIBINING BA'ZI KO'RSATKICHLARINI BAHOLASH

Satibaldiyva N. R.
Toshkent tibbiyot akademiyasi, Toshkent, O'zbekiston.

ОЦЕНКА НЕКОТОРЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СОСТАВА КРОВИ ПРИ ПНЕВМОНИИ У ДЕТЕЙ

Сатибалдиева Н. Р.
Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан.

ASSESSMENT OF SOME INDICATORS OF BLOOD COMPOSITION IN PNEUMONIA IN CHILDREN

Satybaldieva N. R.
Tashkent Medical Academy Tashkent, Uzbekistan.

Rezyume. *So'nggi adabiyot manbalarining tahlili shuni ko'rsatadiki, bolalardagi nafas yo'llari kasalliklari pediatrlarning diqqat markazida bo'lib qolmoqda, bu ushbu patologiyaning kasallanish va chaqaloqlar o'limi tarkibidagi yuqori ulushi, shuningdek kasallikning cho'ziluvchi va surunkali shakllarga o'tish holatlarining sezilarli darajada ko'payishi bilan bog'liq.*
Kalit so'zlar: *Bolalar,qon, mikro elementlar,nafas yo'llari,ko'rsatkichlar, zotiljam.*

Резюме. *Анализ последних литературных источников показывает, что респираторные заболевания у детей остаются в центре внимания педиатров, что обусловлено высокой долей этой патологии в структуре заболеваемости и младенческой смертности, а также значительным увеличением случаев перехода болезни в затяжные и хронические формы.*
Ключевые слова: *дети,кровь, микроэлементы,дыхательные пути,индикаторы, пневмония.*

Resume. *An analysis of recent literature sources shows that respiratory diseases in children remain the focus of pediatricians' attention, due to the high proportion of this pathology in the structure of morbidity and infant mortality, as well as a significant increase in cases of disease transition to prolonged and chronic forms.*
Keywords: *children,blood, trace elements, respiratory tract,indicators, pneumonia.*

Kirish. Respublikada, so'nggi yillarda bolalar kasallanishi tarkibida, nafas a'zolari kasalliklari 14 yoshgacha bo'lgan 1000 ta bolaga 198-379,6 ni tashkil etadi. Jahon, MDH va O'zbekistonda o'tkazilgan zotiljamning istiqbolli tadqiqotlari shuni ko'rsatdiki, yosh bolalarda zotiljam bilan kasallanish 1000 taga 5 – 15 ni tashkil qiladi. JSST ma'lumotlariga ko'ra, o'tkir patologiya bilan kasalxonaga yotqizilganlarning 10% dan ortig'i zotiljam bilan bog'liq. Bularning barchasi yuqoridagi muammoning dolzarbligini belgilaydi.

Maqsad. Bolalarda pnevmoniyada qon tarkibining ba'zi ko'rsatkichlarini baxolash va davolashni optimallashtirishga qaratilgan chora tadbirlarni olib borish.

Аннотация. *В настоящее время коронавирусная инфекция, вызывающая острый респираторный синдром, выявлена практически во всех странах мира. Вспышка SARS-CoV-2 вызвала пандемию, и в настоящее время не существует эффективной и одобренной терапии COVID-19. Эти наблюдения посвящены последним достижениям в перспективной области применения групп противовирусных, противовоспалительных и иммуносупрессивных препаратов при COVID-19. Используя опыт лечения прошлых эпидемий SARS и MERS, в клинической практике для лечения COVID-19 стали использовать различные препараты. Несмотря на большое количество рекомендуемых методов лечения, необходимо проведение масштабных рандомизированных клинических исследований, основанных на доказательности в медицинских принципах, для определения их наиболее эффективных и безопасных.*

Ключевые слова: *COVID-19; Лечение COVID-19; противовирусные препараты; противовоспалительные средства.*

Abstract. *Currently, the coronavirus infection that causes acute respiratory syndrome has been identified in almost all countries of the world. The SARS-CoV-2 outbreak has caused a pandemic, and there is currently no effective and approved therapy for COVID-19. These observations are devoted to the latest achievements in the promising field of application of groups of antiviral, anti-inflammatory and immunosuppressive drugs in COVID-19. Using the experience of treating past epidemics of SARS and MERS, various drugs have been used in clinical practice to treat COVID-19. Despite the large number of recommended treatments, large-scale randomized clinical trials based on evidence in medical principles are needed to determine their most effective and safe.*

Keywords: *COVID-19; Treatment of COVID-19; antiviral drugs; anti-inflammatory agents.*

Кириш. 2002-йилда оғир ўткир респиратор коронавирус синдроми (SARS-CoV) ва 2012-йилда яқин Шарқ респиратор коронавирус синдроми (MERS-CoV) дан бошланган COVID-19 нинг пайдо бўлиши йигирма биринчи асрда кенг кўламли ва юқори патогенли коронавирус эпидемиясининг инсон популяциясига учинчи марта киришини кўрсатди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) расмий равишда COVID-19 эпидемиясини халқаро аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлашда фавқулодда ҳолат деб эълон қилди [1,2].

Аниқланган эпидемия яқин Шарқ респиратор синдроми коронавирусидан (MERS-CoV) ва оғир ўткир респиратор коронавирус синдромидан (SARS-CoV) фарқ қилувчи янги вирус туфайли юзага келган [3]. РНК тутувчи Coronaviridiae вируслар оиласига мансуб бу вирус, рекомбинант турга киради ва кўршапалаклардан тарқалади. Ҳужайра юзасидаги эндоцитоз рецепторлари, яъни ангиотензин қайтарувчи рецепторлари 2 (Ace2) ни танийдиган вирус юзасининг тишчали гликопротеин сохасида рекомбинация содир бўлади.

Даволашнинг мураккаблигини келтириб чиқарадиган патогенезининг хусусиятлари. Тўпланган далиллар шуни кўрсатадики, SARS-CoV-2 инфекцияси аутоиммун касалликларда (ревматоид артрит, тизимли қизил югурук, тизимли склеродерма) пневмонияга хос клиник кўринишга ўхшаш ўткир респиратор синдромни келтириб чиқаради [5,6].

COVID-19 касаллигининг оғирлиги турли хил цитокинлар, интерлейкинларнинг (IL)-1β, IL-1Rα, IL-2, IL-6, IL-10) чиқарилиши ва юқори даражада сақланиши билан тавсифланган аниқ яллиғланишга қарши ҳолат билан боғлиқ бўлган фибробластларнинг ўсиш омили, гранулоцит-макрофаг стимулятор колонияси, колония гранулоцитлар стимулятор омили, интерферон-гамма-индукцияли оқсил, моноцитлар хемоаттрактант оқсили, макрофагларнинг 1 алфа яллиғланишга қарши оқсили, тромбоцитлар ўсиш омили, ўсмалар некрози омили ва қон томир эндотелиал ўсиш омили билан кечади. Шу билан бирга, касалликнинг оғирлик даражасини ошиши ва касаллар ўлимининг ортиши IL-6 даражаси кескин

ошиши билан хам боғлиқ [7,8].

Ҳозирги вақтда COVID-19 учун умумий қабул қилинган даволаш стандарти мавжуд бўлмасада, уни даволаш учун бир неча даволаш протоколлари ишлаб чиқилган. Вируснинг ўзига хос тузилиши ва касалликнинг мураккаб патогенезини ҳисобга олган ҳолда, COVID-19 учун ўзига хос даволаш усулларини, айниқса вакциналар ва антивирус воситаларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Янги антивирус воситаларини яратиш вақти ва синов натижаларини олдиндан айтиб бўлмайди. Шунинг учун, пандемия авж олган даврда бошқа даволаш йўлларни излаш керак. Ушбу муаммони ҳал қилишга ҳақиқатан ҳам ҳисса қўшиши мумкин бўлган тадқиқотлар шунга ўхшаш патогенетик механизмларга эга бўлган бошқа касалликларда илгари ўтказилган анъанавий ва ноанъанавий тадқиқотларнинг терапевтик имкониятлари ёрдамида дори воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилиши керак деган фикр билдирилган. Асоратларнинг тарқалишини ва оғирлигини ҳисобга олган ҳолда, касаллик юқтирган беморларни даволашда шифокорлар кўпроқ альтернатив терапевтик даволашга мухтож.

COVID-19 учун антивирус воситалардан фойдаланиш. Антивирус воситалардан фойдаланишда, SARS ва MERS ни даволошда мавжуд бўлган тажрибадан фойдаланиш тенденцияси мавжуд. Ҳозирда COVID-19 да мавжуд антивирус воситаларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолайдиган бир қатор клиник синовлар ўтказилган [9]. Хусусан, SARS-CoV-2 ва олдинги эпидемиялар билан боғлиқ бошқа бета-коронавирус ўртасидаги маълум ўхшашликлар, шунга ўхшаш дорилар COVID-19 да фойдаланиш учун кўриб чиқилган. Буларга интерферон, рибавирин ва лопинавир/ритонавир каби дорилар киради, улардан фойдаланиш ҳали ҳам қарама-қарши натижаларни кўрсатмоқда [10].

Тадқиқотлар осельтамивир, перамивир, занамивир, ганцикловир, ацикловир ва рибавирин антивирус препаратлари ва тизимли кортикостероидлар билан гриппнинг оғир шаклларида қўлланиладиган кенг тарқалган комбинацияланган терапия [11], COVID-19 учун етарлича самарали бўлмаганлигини кўрсатди ва шунинг учун тавсия этилмаган. Жанубий Кореяда инсон иммунитет танқислиги вируси (ОИТВ), MERS-CoV ва SARS-CoV ни даволаш учун ишлатилган протеаза ингибиторлари, лопинавир ва ритонавир COVID-19 ни даволашда етарли самарадорликни кўрсатди [12].

Эбола вирусига қарши аденозин аналоги сифатида ишлаб чиқилган ремдесивир РНК сақловчи вирусларнинг кенг доирасига қарши фаоллиги бўйича самарали деб топилган ва COVID-19 ни дастлабки давосида яхши натижаларни кўрсатди. Ремдесивир вируснинг РНКга боғлиқ полимеразасига (RdRp) экзорибонуклеаза корректурасидан самарали четлаб, вируснинг РНК транскрипциясига қарши ишлаши исботланган. 2020-йил март ойида SARS-CoV-2 билан оғриган беморларда унинг самарадорлигини баҳоланганда, препарат биринчи куни 200 мг бир марталик дозасида, сўнгра 3-5 кун давомида кунига бир марта 100 мг дозада буюриш учун тавсия этилган [13].

RdRpга боғлиқ вирус репликация жараёнини бузиш учун нуклеотиднинг яна бир аналоги фавипиравир препарати клиник синовлардан муваффақиятли ўтганидан кейин бир нечта мамлакатларда фойдаланиш учун расмий тасдиқланган. Унинг COVID-19 беморларида қўлланилиши ҳам ижобий таъсирини кўрсатди. Дастлабки натижаларга кўра, 80 та беморда фавипиравирни қўллаб лопинавир/ритонавир комбинацияси билан солиштирганда, фавипиравир жиддий ножўя таъсирларсиз янада аниқроқ динамика намоён этганлиги аниқланган [14].

Арбидол ва арбидол мезилат SARS-CoV коронавирусларни кўпайиш жараёнига кучли ингибитор таъсир кўрсатиши исботланган[15]. Шу асосда, лопинавир/ритонавир, арбидол ва Шуфэн Цзиду (анъанавий Хитой тиббиёт воситаси) дори воситалар комбинацияси Хитой ва Ғарб тиббиётининг даволаш режимларини бирлаштириб, Хитойнинг Шанхай соғлиқни сақлаш клиник марказидаги клиницистлари COVID-19 пневмониясида сезиларли клиник таъсир кўрсатишга эришишди [16]. Ҳозирги вақтда нитазоксанид, нафамостат, дарунавир, кобицистат, эмтрицитабин/тенофовир ва бошқалар каби антивирус препаратларнинг COVID-19 ни даволашдаги самараси ҳам ўрганилган [17].

COVID-19 учун яллиғланишга қарши дори воситалардан фойдаланиш. Касалликнинг патофизиологияси тўғрисидаги билимлар натижасида, антивирус дорилар гуруҳини қўллашдан ташқари, COVID-19 ни даволаш учун бошқа дори моддалар гуруҳларини қўллаш таклиф қилинган.

Ревматология амалиётида энг кўп ишлатиладиган дорилар орасида глюкокортикоидлар иммунодепрессив таъсири туфайли муҳим ўрин тутади. Бироқ, уларнинг юқори дозаларда қўлланганда иккиламчи инфекциялар ва вирусга резистентлик пайдо бўлиши каби салбий ҳодисалар руй беради. Шу нуқтаи назардан, Хитойда кортикостероидларнинг фақат пневмония оғир шакллари билан кечувчи COVID-19 гуруҳи учун ўртача ва паст дозаларда ишонарли терапевтик самара олиниши мумкинлиги аниқланган. ЖССТ маълумотларига кўра, глюкокортикоидлардан ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг кучайиши ва септик шок каби клиник кўрсаткичлар сабабли фойдаланишни тавсия этмайди [18].

Стероид бўлмаган яллиғланишга қарши дорилар (СБЯҚД) кенг тарқалган кўплаб касалликларда, айниқса ревматологияда оғриқ, иситма ва яллиғланишни даволаш учун қўлланилади. Бир неча йил олдин SARS-CoV вирус қобиғининг оқсил қисми ЦОГ-2 ни фаоллаштириши исботланган ва напроксен препарати эса айни шу жараёнга қарши таъсирга эга [19]. Ушбу гуруҳнинг бошқа вакили – ибупрофенда эса ACE 2 таъсирини йўқ қилиш қобилияти аниқланган [20]. Шу туфайли оғир аҳволда бўлган COVID-19 беморларида стандарт терапиянинг бир қисми сифатида напроксеннинг самарадорлигини ўрганиш бўйича клиник синовлари ўтказилган. Шу билан бирга, СБЯҚД воситаларини мунтазам равишда симптоматик равишда қўллаш COVID-19 учун асосий даволанишнинг бир қисми сифатида тавсия этилмайди, чунки бундай беморларни касалхонага ётқизиш, критик ҳолат ва ўлим хавфи юқори бўлиб, улар ёши ва ёндош касалликлари, айниқса артериал гипертензияси борлиги унга моънелик қилади [21].

Хлорохин ва унинг ҳосилалари гидрокцихлорохин

ҳозирда безгак ва кўплаб аутоиммун касалликларни даволаш ва олдини олишда ишлатиладиган аминохинолин комплексларидир. Хлорохинни безгакка қарши восита сифатида ишлатиш ҳозирда безгак плазмодиясининг кенг тарқалиши чекланган, аммо гидрокцихлорохин ревматоид артрит ва тизимли қизил югурук учун асосий даволашнинг бир қисми ҳисобланади, чунки у аниқ иммуномодулятор таъсирга эга [22,23].

Хлорохин бир қатор вирусларнинг репликатциясининг баъзи босқичларини ингибиция қилади, шу жумладан SARS-CoV га таъсир қилади. Бундан ташқари, у иммуномодулятор таъсирга эга, яъни TNF-α ва IL-6 ишлаб чиқаришни ингибиция қилади, шунингдек, аутофагия ингибиторларининг янги синфи сифатида ишлайди. Бир қанча тадқиқотларда хлорохин SARS-CoV вирусининг ҳужайраларга киришига тўсқинлик қилувчи ACE2 ни гликозилланиш жараёнини блоклаш қобилиятига эга эканлиги кўрсатилган. Ўтказилган тадқиқотлар препарат COVID-19 да пневмония ривожланишига тўсқинлик қилиши, бу эса ўпканинг рентген тасвирини яхшилаб, касалликнинг давомийлигини қисқартирганлигини кўрсатади. Ушбу маълумотларга асосланиб, хлорохин ва гидроксихлорохинни Хитой, Италия ва дунёнинг аксарият мамлакатларида бир қатор даволаш протоколларига киритилган [24].

Бироқ, ушбу дориларни ҳақиқий эпидемия шароитида клиник амалиётда қўллаш тажрибаси кўплаб салбий таъсирларни ривожланиш хавфини кўрсатди. Ревматология амалиётида хлорохин ва гидроксихлорохин энг кўп қўлланиладиган дори воситалари қаторига киради ва ретинопатия, кардиотоксик ва миелотоксик таъсирлар уларнинг потенциал салбий оқибатлари ҳисобланади, ҳамда узоқ муддатли даволанадиган беморлар ҳаётига хавф солади [25]. COVID-19 ни ўткир кечувида учун ушбу дорилар воситалари қисқа вақт ичида (тавсия этилган протокол бўйича 5-20 кун) ишлатилиши мумкин, бу эса ножўя таъсирларни ривожланиш хавфини камайтиради [26]. Шунга қарамай, ёдда тутиш керакки, баъзи ножўя таъсирлар, айниқса, оғир аҳволда бўлган COVID-19 беморларига алоҳида эътиборни талаб қилади.

Препаратнинг назарий жиҳатдан кучли таъсирини COVID-19 беморларининг омон қолиши ва тикланишига ҳақиқий таъсир кўрсатадими ёки йўқлигини аниқлаш учун биринчи куни гидроксихлорохиннинг юкори дозаси (400 мг) ва кейинги 4 кун давомида ўшлаб турувчи дозаси (200 мг) ёрдамида клиник синовлар ўтказилган [27]. Етарли хавфсизлик профили ва уларни қўллашдаги катта тажриба туфайли, ҳозирда улардан фойдаланиш даволаш протоколларининг асоси бўлиб қолмоқда.

Яқинда ўтказилган бир тадқиқотда, оғир COVID-19 терапиясига антибиотик азитромицин қўшилиши (кунига 1 марта 500 мг, сўнгра 2-5 кун давомида кунига 250 мг га ўтиш) гидроксихлорохин самарадорлигини сезиларли даражада оширганлигини кўрсатди (10 кун давомида кунига уч марта 200 мг) [28]. Ҳозирги вақтда COVID-19 эпидемиясининг турли даражалари бўйича бундай комбинацияда бир нечта рандомизацияланган клиник тадқиқотлар олиб борилган.

Махсус таъсирга эга дори воситалари. Яқинда оғир COVID-19 пневмонияси бўлган беморларда интерлейкин-6 ингибитори тоцилизумаба (ревматоид артрит терапиясида ишлатиладиган IL-6 рецепторига қарши инсон маънфаатларига мос моноклонал антитела) самарадорлиги ҳақида хабар берилди. COVID-19 да тоцилизумабанинг хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳоловчи рандомизацияланган клиник синовлар ўтказилган. Хитойлик олимлар IL-6 даражаси юқори бўлган ўпкаси икки томонлама шикастланган оғир бўлган беморларни даволаш учун тоцилизумабадан фойдаланиш самаралироқ деб ҳисоблайдилар [29]. Шунингдек, цитокинларни чиқишини ингибирловчи яллиғланишга қарши барицитиниб препарати ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Бу JAK-киназа ингибитори бўлиб, ревматоид артритни даволашда фойдаланилади ва унинг самарадорлиги ва хавфсизлиги тўғрисида ижобий фикрлар мавжуд. COVID-19 терапиясида барицитинибдан фойдаланиш самаралироқ бўлиши мумкин, чунки у цитокинларнинг кенг доирасига қарши ишлайди. Ва ниҳоят, барицитиниб препаратини метаболизм CYP P-450 ферментлари билан минимал ўзаро таъсири, уни лопинавир/ритонавир ва ремдесивир каби антивирус препаратлар билан комбинацияда даволаш протоколларида қўллаш тавсия этилмоқда [30].

SARS-CoV-2 ҳужайраларига ACE 2 рецепторлари ва TMPRSS2 трансмембрана протеазаси орқали кириши маълум. TMPRSS2 ингибиторлари SARS-CoV-2 қобиқли оқсилини блоклаш орқали вирусни ҳужайрага кириш жараёнини бузади. Ушбу таъсирни сурункали панкреатитни даволаш учун ишлатиладиган протеаза ингибитори бўлган камостат препарати амалга оширади. Ҳозирда COVID-19 учун ушбу дорининг рандомизацияланган, плацебо-назорат остидаги синови ўтказилган [31].

COVID-19да "цитокин бўрони" нинг хосил бўлишини тўхтатиш учун сульфон сериясининг вакили - дапсон, тетратциклин гуруҳи антибиотиги - доксициклин, шунингдек антипсихотик – промазинни самарали натижалари кўрсатилган. Шунингдек, COVID-19 билан касалланган беморларда онкология амалиётида қўлланиладиган ва ҳужайра микроканалларининг полимерланиш жараёнини тўхтатадиган, яллиғланишга қарши дори колхицин ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотлар олиб борилган [32].

COVID-19ни даволашда витамин ва минералларнинг аҳамияти. Маълумки, Д витамини туғма ва адаптив иммунитет тизимини модуляция қилади ва унинг етишмаслиги аутоиммун реакцияларнинг кўпайиши ва инфекцияга сезувчанликнинг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу COVID-19 хавфини камайтиришда ахамиятлидир. Д витамини етишмовчилиги катта ёшли гуруҳларда кенг тарқалганлиги сабабли, ва айниқса, қуёш нури етишмовчилиги билан ортишидир. Қишда SARS-CoVнинг биринчи тарқалишига ва қариялар орасида ўлимнинг юқори бўлишига ҳам ушбу фаразни асослайди. Вирус репликацияси тезлигини камайтириши ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг чиқарилишига тўсқинлик қилишда яхши самарадорликни аниқлаш ҳозирда COVID-19 билан касалланган беморларда D3 витамини (бир неча ҳафта давомида кунига 10.000 у дозада) ўтказилган бир нечта клиник синовларнинг мақсади бўлиб хизмат қилади [33,34].

Хитойда COVID-19 эпидемияси марказида ўтказилган клиник тадқиқотлар натижаларига кўра,

беморларда аниқланган ҳид ва таъмнинг пасайиши аломатлари цинк этишмовчилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Дастлабки тадқиқотлар шуни кўрсатдики, цинк коронавируснинг репликация жараёнларини тўхтатишга ёрдам беради, шунинг учун кунига 50 мг цинк истеъмол қилиш организмнинг вирус инфекциясига чидамлилигини ошириш орқали COVID-19 қўзғатувчисига қарши ҳимоялаши мумкин. Австралияда COVID-19 билан касалланган беморлар томир ичига юбориладиган цинкнинг биринчи клиник синовлари ўтказилган. Бундан ташқари, COVID-19 учун бошқа дорилар воситалари (гидроксихлорохин, Д витамини, С витамини) билан цинк бирикмаси комбинацияси бўйича бир нечта клиник тадқиқотлар олиб борилмоқда [35].

Хулоса. Шундай қилиб, бир неча ой ичида дунё бўйлаб тарқалиб, SARS-CoV2 вируси бутун инсоният саломатлиги учун хавф туғдирди ва барча халқларнинг иқтисодий фаровонлигига жиддий таъсир кўрсатди. Ҳозирги вақтда самарали ва самарадорлиги далилларга асосланган вакциналар ишлаб чиқиш, етарли далилларга эга бўлган COVID-19 ни аниқ терапия схемасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилиши зарурияти ўз аҳамиятини йўқотмаган. Халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши ва беморларнинг даволаш бўйича орттирилган катта тажриба, шунингдек клиник тадқиқотларнинг глобаллашуви COVID-19 ни даволашда юқори натижалар берувчи, ҳавсиз ва персонал даво схемаларини яратиш, янги ва янги дори воситаларини кашф қилиш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Li H, Liu S, Yu X, Tang S, Tang C. Coronavirus disease 2019 (COVID-19): current status and future perspectives. Int J Antimicrob Agents. 2020;55(5):105951. doi: 10.1016/j.ijantimicag.2020.105951

2. Morse J, Lalonde T, Xu S, Liu W. Learning from the Past: Possible Urgent Prevention and Treatment Options for Severe Acute Respiratory Infections Caused by 2019-nCoV. ChemBioChem. 2020;21(5):730-738. doi: 10.1002/cbic.202000047

3. Zhu N, Zhang D, Wang W et al. A Novel Coronavirus from Patients with Pneumonia in China, 2019. New England Journal of Medicine. 2020;382(8):727-733. doi: 10.1056/nejmoa2001017

4. Chen Y, Liu Q, Guo D. Emerging coronaviruses: Genome structure, replication, and pathogenesis. J Med Virol. 2020;92(4):418-423. doi: 10.1002/jmv.25681

5. Zhang W, Zhao Y, Zhang F et al. The use of anti-inflammatory drugs in the treatment of people with severe coronavirus disease 2019 (COVID-19): The Perspectives of clinical immunologists from China. Clinical Immunology. 2020;214:108393. doi: 10.1016/j.clim.2020.108393

6. Favalli E, Ingegnoli F, De Lucia O, Cincinelli G, Cimaz R, Caporali R. COVID-19 infection and rheumatoid arthritis: Faraway, so close! Autoimmun Rev. 2020;19(5):102523. doi: 10.1016/j.autrev.2020.102523

7. Geng Y, Wei Z, Qian H, Huang J, Lodato R, Castriotta R. Pathophysiological characteristics and therapeutic approaches for pulmonary injury and cardiovascular complications of coronavirus disease 2019. Cardiovascular Pathology. 2020;47:107228. doi: 10.1016/j.carpath.2020.107228

8. Li CK, Xu X. Host Immune Responses to SARS Coronavirus in Humans. Molecular Biology of the SARS-Coronavirus. Springer Berlin Heidelberg. 2009;24;259–78. doi. 10.1007/978-3-642-03683-5_16

9. Zumla A, Chan J, Azhar E, Hui D, Yuen K. Coronaviruses — drug discovery and therapeutic options. Nature Reviews Drug Discovery. 2016;15(5):327-347. doi: 10.1038/nrd.2015.37

10. Elfiky A. Ribavirin, Remdesivir, Sofosbuvir, Galidesivir, and Tenofovir against SARS-CoV-2 RNA dependent RNA polymerase (RdRp): A molecular docking study. Life Sci. 2020;253:117592. doi: 10.1016/j.lfs.2020.117592

11. Zhang Y, Xu J, Li H, Cao B. A Novel Coronavirus (COVID-19) Outbreak. Chest. 2020;157(4):e99-e101. doi: 10.1016/j.chest.2020.02.014

12. Lim J, Jeon S, Shin H et al. The Author's Response: Case of the Index Patient Who Caused Tertiary Transmission of Coronavirus Disease 2019 in Korea: the Application of Lopinavir/Ritonavir for the Treatment of COVID-19 Pneumonia Monitored by Quantitative RT-PCR. J Korean Med Sci. 2020;35(7). doi: 10.3346/jkms.2020.35.e89

13. Wang M, Cao R, Zhang L et al. Remdesivir and chloroquine effectively inhibit the recently emerged novel coronavirus (2019-nCoV) in vitro. Cell Res. 2020;30(3):269-271. doi: 10.1038/s41422-020-0282-0

14. Dong L, Hu S, Gao J. Discovering drugs to treat coronavirus disease 2019 (COVID-19). Drug Discoveries & Therapeutics. International Research and Cooperation Association for Bio & Socio-Sciences Advancement (IRCA-BSSA). 2020;14(1):58–60. doi: 10.5582/ddt.2020.01012

15. Khamitov R.A., Loginova S., Shchukina V.N. et al. Antiviral activity of arbidol and its derivatives against the pathogen of severe acute respiratory syndrome in the cell cultures. Vopr Virusol. 2008;53:9–13.

16. Wang Z, Chen X, Lu Y, Chen F, Zhang W. Clinical characteristics and therapeutic procedure for four cases with 2019 novel coronavirus pneumonia receiving combined Chinese and Western medicine treatment. BioScience Trends. 2020;14(1):64–8. doi: 10.5582/bst.2020.01030

17. Chan KW, Wong VT, Tang SCW. COVID-19: An Update on the Epidemiological, Clinical, Preventive and Therapeutic Evidence and Guidelines of Integrative Chinese–Western Medicine for the Management of 2019 Novel Coronavirus Disease. The American Journal of Chinese Medicine. 2020;48(03):737–62. doi: 10.1142/s0192415x20500378

18. Diagnosis and Treatment Protocol for Novel Coronavirus Pneumonia (Trial Version 7). Chinese Medical Journal. 2020;133(9):1087–95. http://dx.doi.org/10.1097/cm9.0000000000000819

19. Dilly S, Fotso Fotso A, Lejal N, Zedda G, Chebbo M, Rahman F, et al. From Naproxen Repurposing to Naproxen Analogues and Their Antiviral Activity against Influenza A Virus. Journal of Medicinal Chemistry. 2018;61(16):7202–17. doi. 10.1021/acs.jmedchem.8b00557

20. Qiao W., Wang C., Chen B. et al. Ibuprofen attenuates cardiac fibrosis in Streptozotocin-induced diabetic rats. Cardiology. 2015;131:97–106. doi. 10.1159/000375362

21. Little P. Non-steroidal anti-inflammatory drugs and covid-19. BMJ. 2020;2:1185. doi. 10.1136/bmj.m1185

22. Shukla AM, Wagle Shukla A. Expanding horizons

for clinical applications of chloroquine, hydroxychloroquine, and related structural analogues. Drugs in Context. 2019;8:1–12. doi. 10.7573/dic.2019-9-1

23. Colson P, Rolain J-M, Lagier J-C, Brouqui P, Raoult D. Chloroquine and hydroxychloroquine as available weapons to fight COVID-19. International Journal of Antimicrobial Agents. 2020;55(4):105932. doi. 10.1016/j.ijantimicag.2020.105932

24. Sun X, Li S, Li K, Hu X. Pharmaceutical care of chloroquine phosphate in elderly patients with coronavirus pneumonia (COVID-19). Aging Medicine. 2020. doi. 10.1002/agm2.12104

25. Touret F, de Lamballerie X. Of chloroquine and COVID-19. Antiviral Research. 2020;177:104762. doi. 10.1016/j.antiviral.2020.104762

26. Cortegiani A, Ippolito M, Ingoglia G, Einav S. Chloroquine for COVID-19: rationale, facts, hopes. Critical Care. Springer Science and Business Media LLC. 2020;24(1). doi. 10.1186/s13054-020-02932-4

27. Melles RB, Marmor MF. The Risk of Toxic Retinopathy in Patients on Long-term Hydroxychloroquine Therapy. JAMA Ophthalmology. 2014;132(12):1453. doi. 10.1001/jamaophthalmol.2014.3459

28. Gautret P, Lagier JC, Parola P, Hoang VT, Medded L, Mailhe M, et al. Hydroxychloroquine and Azithromycin as a treatment of COVID-19: preliminary results of an open-label non-randomized clinical trial. Cold Spring Harbor Laboratory. 2020. doi. 10.1101/2020.03.16.20037135

29. Le RQ, Li L, Yuan W, Shord SS, Nie L, Habtemariam BA, et al. Tocilizumab for Treatment of Severe or Life-Threatening Chimeric Antigen Receptor T Cell-Induced Cytokine Release Syndrome—FDA Approval Summary. Biology of Blood and Marrow Transplantation. 2018;24(3):S172. doi. 10.1016/j.bbmt.2017.12.104

30. Richardson P, Griffin I, Tucker C, Smith D, Oechsle O, Phelan A, et al. Baricitinib as potential treatment for 2019-nCoV acute respiratory disease. The Lancet. 2020;395(10223):e30–e31. doi. 10.1016/s0140-6736(20)30304-4

31. Mahen R. A SARS-CoV-2-Human Protein-Protein Interaction Map Reveals Drug Targets and Potential Drug-Repurposing. The Company of Biologists. 2020. doi. 10.1242/prelights.18355

32. Zhang L, Liu Y. Potential interventions for novel coronavirus in China: A systematic review. Journal of Medical Virology. 2020;92(5):479–90. doi. 1002/jmv.25707

33. Grant WB, Baggerly CA, Lahore H. Reply: "Vitamin D Supplementation in Influenza and COVID-19 Infections. Comment on: Evidence That Vitamin D Supplementation Could Reduce Risk of Influenza and COVID-19 Infections and Deaths Nutrients 2020, 12(4), 988". Nutrients. 2020;12(6):1620. doi. 10.3390/nu12061620

34. Kurthkoti K, Das G. Potential benefits of Vitamin D supplementation in COVID-19 patients: a hypothesis. Center for Open Science. 2020. doi. 10.31219/osf.io/dnjav

35. Zou L, Yu T, Zhang Y, Dai L, Zhang Z, Zhang Z. Olfactory and Gustatory Dysfunctions in Patients With COVID-19 in Wuhan, China. Research Square. 2020. doi. 10.21203/rs.3.rs-28370/v1

УДК 616.65-007.61-08

ПРОСТАТА БЕЗИ ҲАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИДА ПРОСТАМЕД ВА ПЕРМИКСОН ПРЕПАРАТЛАРИ САМАРАСИНИНГ MDR1 ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИ ГЕНОТИП ВАРИАНТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Мавлянов И.Р., Мавлянов З.И., Рахматов А.Т.
Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент, Ўзбекистон.

ИЗУЧЕНИЕ ЭФФЕКТА ПРЕПАРАТОВ ПРОСТАМЕД И ПЕРМИКСОН ЗАВИСИМОСТИ ОТ ГЕНОТИПОВ ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНА MDR1 ПРИ БЕЗБЕРЕЖНОЙ ГИПЕРПЛАЗИИ ПРЕДСТАТЕЛЬНОЙ ЖЕЛЕЗЫ

Мавлянов И.Р., Мавлянов З.И., Рахматов А.Т.
Центр развития профессиональной квалификации медицинского персонала, Ташкент, Узбекистан.

STUDY OF THE EFFECT OF PROSTAMED AND PERMIXON DRUGS DEPENDING ON THE GENOTYPES OF MDR1 GENE POLYMORPHISM POLYMORPHISM IN GLANDLESS PROSTATIC HYPERPLASIA

Mavlyanov I.R., Mavlyanov Z.I., Rakhmatov A.T.
Center for development of professional qualification of medical personnel, Tashkent, Uzbekistan.

Аннотация: *Мақолада простата бези ҳавфсиз гиперплазияси мавжуд беморларда Простамед ва Пермиксон препаратларини қўллаш орқали ўтказилган даво самарадорлиги Гликопротеин Р оқсилини генетик детерминанти бўлган MDR1 гени полиморфизми генотиплари кесимида ўрганилган. Олинган натижалар ўтказилган даво самарадорлиги билан MDR1 гени G2677T ва T3435C полиморфизмлари генотип вариантлари орасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган.*

Калитли сўзлар: *простата бези ҳавфсиз гиперплазияси (ПБХГ), MDR1 гени, MDR1 гени G2677T ва T3435C полиморфизмлари, Простамед, Пермиксон, IPSS, QOL, Vпростата, Qmax, R қолдиқ сийдик, PSA.*

Аннотация. *В статье изучена эффективность лечения с применением препаратов Простамед и Пермиксон у больных доброкачественной гиперплазией предстательной железы с точки зрения генотипов полиморфизма гена MDR1, который является генетической детерминантой белка гликопротеина R. Полученные результаты показали, что существует корреляция между вариантами генотипа G2677T гена MDR1 и T3435C с эффективностью лечения.*

Ключевые слова: *доброкачественная гиперплазия предстательной железы (ДГПЖ), ген MDR1, полиморфизмы гена MDR1 G2677T и T3435C, Простамед, Пермиксон, IPSS, QOL, Vprostata, Qmax, R остаточной мочи, ПСА.*

Abstract. *The article studies the effectiveness of treatment with the use of Prostamed and Permixon in patients with benign prostatic hyperplasia in terms of genotypes of MDR1 gene polymorphism, which is a genetic determinant of glycoprotein R protein. The results showed that there was a correlation between G2677T genotype variants of MDR1 gene and T3435C genotype variants with treatment efficacy.*

Keywords: *benign prostatic hyperplasia (BPH), MDR1 gene, MDR1 gene G2677T and T3435C polymorphisms, Prostamed, Permixon, IPSS, QOL, Vprostata, Qmax, R residual urine, PSA.*

Маълумки, ҳозирги давр тиббиётининг ютуқлари турли касалликларнинг даволашда консерватив, ноинвазив усуллардан фойдаланишни устувор ёндашув сифатида қўллашини исботламоқда. Простата бези ҳавфсиз гиперплазияси хасталигида, ҳам охирги йилларда, консерватив даво усулларидан фойдаланиш ўз устуворлигига эга бўлиб бормоқда.

Простата бези ҳавфсиз гиперплазияси хасталиги медикаментоз давосида қўлланиши мумкин бўлган дори воситаларининг ҳам сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бироқ, ушбу дори воситалари самарадорлиги барча беморларда бир хил эмас. Маълумки дори воситаларига нисбатан организм жавоб реакцияси – фармакологик жавобнинг шаклланиши, аввалambор, дори воситасининг фармакокинетик, фармакодинамик кўрсаткичлар назоратини таъминловчи ирсий хусусиятлар билан боғлиқ [5]. Бу ўринда дори воситалари клиник фармакологик хусусиятларини таъминлаб беришда иштирок этувчи генлар ва уларнинг мутант аллель ва генотип вариантларининг учрашини инобатга олган ҳолда дори воситаларини танловини, ҳамда якка тартибда дозалаш тизимини ишлаб чиқиш, альтернатив даво схемаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади [4,10]. Беморда мавжуд генотиплар ва улар ассоциациясини ўрганиш асосида шакллантирилган фармакотерапия даво жараёни самарадорлиги ва ҳавфсизлигига хизмат қилади, ҳамда персонал фармакотерапия ўтказиш учун реал шароит яратади.

Охирги йилларда фармакотерапиянинг индивидуал схемаларини шакллантиришда дори воситаларининг биотрансформацияси, яъни цитохром Р-450 оиласига мансуб ферментлар ҳосил бўлишига маъсул генлар полиморфизмини ўрганиш орқали дори воситаларини генотиплаш амалиётда кенг қўлланмоқда [8,9]. Шунингдек, персонал фармакотерапия схемаларини аниқлашда аҳамиятли бўлган, дори воситаларини тўқималарда, айниқса ичак эпителиал ҳўжайраларида, ўзлаштирилиши билан боғлиқ генлар полиморфизмини тадқиқ этилмоқда [3,2,6]. Дори воситасини ҳўжара ичига киришини назорат этувчи транспорт оқсили - Гликопротеин- Р экспрессиясида иштирок этувчи MDR1 гени шулар қаторига киради [7,11]. Бироқ ушбу ген ва унинг полиморфизми турли касалликларда кенг ўрганилганлигига қарамасдан, простата бези ҳавфсиз

гиперплазияси шароитида деярли ўрганилмаган. Кам сонли хорижий адабиёт манбаларида ушбу ген простата бези ҳавфсиз гиперплазиясида баъзи дори воситаларининг самарадорлигини таъминлашга таъсир этиши мумкинлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу тадқиқотда простата бези ҳавфсиз гиперплазияси мавжуд беморларда MDR1 гени G2677T ва T3435C полиморфизмларини ўрганиш орқали бизнинг амалиётимизда кенг қўлланилаётган Простамед ва Пермиксон препаратларининг клиник самарадорлигига баҳолашни мақсад қилдик.

Тадқиқот материаллари ва усуллари.

Тадқиқот ишида 1-Республика клиник шифохонасининг урология бўлимида даволанган, 50 ёшдан 89 ёшгача бўлган (ўртача ёши 69,75 ± 1,04 ёш) простата безининг ҳавфсиз гиперплазияси (ПБХГ) билан касалланган 101 нафар беморлар материаллари олинган. Назорат гуруҳини 20 нафар соғлом кўнгиллилар ташкил этган.

Беморлар, медикаментоз давоси учун ишлатиладиган дори воситаларига қараб, икки гуруҳга бўлинди. Простамед (n=47) дори воситасини қабул қилган беморлар биринчи гуруҳни, Пермиксон (n=54) дори воситасини қабул қилганлар эса иккинчи гуруҳни ташкил этди. Беморлар 90 кун давомида кузатилган. Асосий гуруҳдаги беморларда касалликнинг ўртача давомийлиги 4,23±0,41 йилни (касаллик давомийлиги 1 йилдан 10 йилгача бўлган) ташкил этди.

Тадқиқот ўтказилган беморларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган касалликлар диагностикаси протоколларида кўрсатилган, ушбу касалликни ташхислашда умумий қабул қилинган усуллар ва ёндашувлар асосида ПБХГ ташхиси қўйилди. Касаллик клиник кечуви ва даво жараёни самарадорлигини баҳолаш учун IPSS, QOL, $V_{простата}$, Q_{max}, R қолдиқ сийдик, PSA каби кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Иккала гуруҳ беморларида ва назорат гуруҳида MDR1 генининг G2677T ва T3435C полиморфизми GG, TT, GT ҳамда TT, CC, TC генотип вариантлари ўрганилди. Генетик текширувлар беморлар миллати қатъий назар умум қабул қилинган усуллар орқали ўрганилди. ДНК ни аниқлаш учун биологик материал тўплаш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган тартибни ҳисобга олган ҳолда ёзма розилик билан амалга оширилди [6].

Рақамли материаллар статистик таҳлили учун амалий дастурлар тўпламидан фойдаланган ҳолда шахсий компютерда статистик қайта ишланди. Ўртача арифметик (M), ўртача квадрат оғиш (σ), нисбий қийматлар (частота,процент) ҳисобланди, Стьюдент мезони (t) Хато эҳтимоллигини (P)аниқлаш билан ҳисоблаб чиқилди.

Олинган натижалаш ва уларнинг таҳлили.

Олдинги тадқиқот материалларида ПБХГ билан хасталанган беморларда Простамед ва Пермиксон препаратлари билан даволаш яхши натижа бериши лаборатор (PSA) ва инструментал текширув маълумотлари (IPSS, QOL, $V_{простата}$, Q_{max}, R қолдиқ сийдик) асосида тасдиқланган эди [11]. Жумладан, Простамед ва Пермиксон препаратлари таъсирида R қолдиқ сийдик кўрсаткичи мос равишда 14% (P<0,02) ва 33,5% (P<0,001) ошганлиги, шунингдек QOL кўрсаткичи эса мос равишда 23,5% (P<0,05) ва 45,1% (P<0,001) пасайганлиги аниқланган эди. Айнан шундай характердаги ўзгаришлар бошқа кўрсаткичларда ҳам ўз аксини топган эди [11]. Бироқ, ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача миқдори ижобий бўлишига қарамасдан ҳар бир бемор кесимида бир эмаслиги, баъзи беморларда самара яққол билинди, баъзиларида жуда сезиларсиз, ҳатто самара кузатилмаган ҳоллар ҳам аниқланди. Шу сабабли даво самарадорлиги индивидуал, яъни ҳар бир бемор кесимида баҳолаш учун касаллик кечувини энг аниқ акс эттирувчи иккита кўрсаткич: қолдиқ сийдик ҳажми ва максимал сийдик оқими ҳажми бўйича уч даражали, яъни минимал таъсир (қолдиқ сийдик ҳажмининг 0-25% гача пасайиши, ҳамда максимал сийдик оқими ҳажмининг 0-25% гача ошиши); ўртача таъсир (қолдиқ сийдик ҳажмининг 25-50% гача пасайиши, ҳамда максимал сийдик оқими ҳажмининг 25-50% гача ошиши); юқори ва аниқ таъсир (қолдиқ сийдик ҳажмининг 50% кўпроқга пасайиши, ҳамда максимал сийдик оқими ҳажмининг 50% кўпроқга ошиши) градациялари орқали баҳолаган эдик. Ушбу йўналишда олинган натижалар қўлланган иккала дори воситасининг қолдиқ сийдик ҳажми (R қолдиқ сийдик) ва максимал сийдик оқими ҳажми (Q_{max}) кўрсаткичларига таъсири келтирилган градациялар бўйича турлича эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат негизида қандай сабаблар ётибди ва кўрсаткичлар индивидуал хилма-хиллиги нимага боғлиқлигини аниқлаш учун биз ушбу тадқиқотда олинган натижаларни MDR1 генининг 2 та полиморфизми, яъни G2677T ва T3435C генотиплари кесимида таҳлил қилдик. Таҳлил натижалари 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

1-жадвалда ПБХГ мавжуд беморларда ўрганилаётган кўрсаткичларни MDR1 (T3435C) гени генотип вариантлари кесимидаги маълумотлар ўз аксини топган. Келтирилган маълумотлар Простамед препарати таъсирида IPSS кўрсаткичи миқдори MDR1 гени T3435C полиморфизми TT, CC, TC генотипларида мос равишда дастлабкига нисбатан 9,55%, 5,61% ва 7,69% пасайган бўлиб, энг яхши натижа TT генотипи мавжуд беморларда кузатилган. Энг ёмон натижа эса CC генотипи мавжуд беморларда намоён бўлган. Ваҳоланки, Простамед препарати, мавжуд генотип вариантларидан қатъий назар ушбу кўрсаткич миқдорини ўртача 8,69% пасайтирган. Айни ҳолда Пермиксон қабул қилган беморларда эса ушбу кўрсаткич миқдори TT, TC генотиплари мавжуд беморларга нисбатан кўпроқ CC генотипи мавжуд беморларда камайган (27,8%).

QOL кўрсаткичини MDR1 гени T3435C полиморфизми генотиплари кесимидаги таҳлили (1-жадвал) унинг миқдорини Простамед таъсирида даводан олдингига нисбатан мос равишда 26,47% дан 21,54% гача пасайганлигини кўрсатди. Бу ерда ҳам энг яхши натижада TT генотипида кўзатилган. Бироқ, Пермиксон препарати фонида эса энг яхши натижа CC генотипда кузатилиб, ўрганилаётган кўрсаткич миқдори мос равишда 52,17% пасайган. Айни вақтда, Пермиксон препарати, мавжуд генотип вариантларидан қатъий назар ушбу кўрсаткич миқдорини ўртача 45,13% пасайтирган. Шу билан бир қаторда, таъкидлаш лозимки, иккала препарат фонида ҳам тахлил этилаётган генотиплардан

қатъий назар, QOL кўрсаткичи миқдорини пасайиши ишонарли даражада бўлган (Простамед P<0,05; Пермиксон P<0,001). Аммо, CC генотипи мавжуд беморларда Простамедни ушбу кўрсаткични пасайтиш самараси ишончсиз бўлган бўлса, TT генотипи мавжуд беморларда эса ионарли даражаси янада яхшиланган (P<0,05 дан P<0,01 ортган).

PSA кўрсаткичи ҳам Простамед таъсирида ўрганилаётган генотиплар кесимида аналогик миқдорий силжишларни намоён этади (1-жадвал).

Простата бези ҳавфсиз гиперплазиясида MDR1 (T3435C) гени генотип вариантлари бўйича Простамед ва Пермиксон препаратларининг уродинамика кўрсаткичларига таъсири

Жадвал 1

№	Кўрсат-кичлар	Генотиплар	Простамед (M±m), n=45			Генотиплар	Пермиксон(M±m), n=46		
			Даводан олдин	Даводан кейин	P		Даводан олдин	Даводан кейин	P
1	IPSS *(балл)*	T/T (n=13)	13,69±0,89	12,38±0,86	p>0,05	T/T (n=13)	13,08±0,86	9,77±0,50	p<0,01
		C/C (n=7)	15,29±1,15	14,43±1,11	p>0,05	C/C (n=8)	14,38±0,92	10,38±0,42	p<0,01
		T/C (n=25)	13,00±0,76	12,00±0,67	p>0,05	T/C (n=25)	12,16±0,65	9,04±0,51	p<0,001
2	QOL *(балл)*	T/T (n=13)	2,62±0,18	1,92±0,08	p<0,01	T/T (n=13)	2,69±0,24	1,38±0,14	p<0,001
		C/C (n=7)	2,86±0,26	2,14±0,26	p>0,05	C/C (n=8)	2,88±0,23	1,38±0,18	p<0,001
		T/C (n=25)	2,60±0,19	2,04±0,16	p<0,05	T/C (n=25)	2,36±0,16	1,40±0,10	p<0,001
3	V простата *(см³)*	T/T (n=13)	56,23±5,66	54,08±5,30	p>0,05	T/T (n=13)	59,31±4,36	52,25±4,42	p>0,05
		C/C (n=7)	72,56±6,89	69,74±5,95	p>0,05	C/C (n=8)	53,31±9,13	48,34±8,09	p>0,05
		T/C (n=25)	49,68±2,85	47,68±2,62	p>0,05	T/C (n=25)	64,34±5,49	56,54±4,99	p>0,05
4	Q max *(мл/сек)*		11,18±0,83	13,12±0,73	p>0,05	T/T (n=13)	12,07±1,16	15,87±0,85	p<0,02
		C/C (n=7)	9,97±0,65	12,16±0,63	p<0,05	C/C (n=8)	10,89±0,79	14,59±0,61	p<0,01
		T/C (n=25)	12,80±0,80	14,18±0,67	p>0,05	T/C (n=25)	11,93±0,75	15,63±0,55	p<0,001
5	R қол. сийдик *(мл)*	T/T (n=13)	39,62±8,31	28,92±6,71	p>0,05	T/T (n=13)	37,31±15,86	14,62±5,84	p>0,05
		C/C (n=7)	53,57±17,62	37,86±14,22	p>0,05	C/C (n=8)	50,63±23,15	22,50±11,06	p>0,05
		T/C (n=25)	23,40±5,27	15,80±4,28	p>0,05	T/C (n=25)	23,96±4,89	6,40±2,59	p<0,01
6	Қон PSA си *(нг/мл)*	T/T (n=13)	4,68±0,57	3,91±0,33	p>0,05	T/T (n=13)	3,64±0,53	2,62±0,29	p>0,05
		C/C (n=7)	3,27±0,68	2,80±0,54	p>0,05	C/C (n=8)	3,89±0,51	2,98±0,36	p>0,05
		T/C (n=25)	3,49±0,23	3,16±0,20	p>0,05	T/C (n=25)	3,50±0,33	2,62±0,21	p<0,05

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар миқдорини қўлланилаётган дори воситасига жавоб реакцияси MDR1 гени T3435C полиморфизми генотипларига бир хил боҳлиқ эмас. Жумладан, Q_{max} кўрсаткичи Простамед препарати таъсирида TT генотипи мавжуд беморларда эмас, балки CC генотипи мавжуд беморларда энг юқори даражада ортади (21,92%). Айнан шундай ҳолат Пермиксон препарати таъсирида ҳам кузатилади. Ўрганилаётган кўрсаткич ушбу геннинг бошқа генотипларида эса фақатгина паст даражада намоён бўлмасдан, ҳатто ишончлилик даражасини ҳам йўқотади. TT ва TC генотипи мавжуд беморларда Простамед препаратининг Q_{max} кўрсаткичи миқдорига ижобий таъсири ишончлилик кўрсаткичи 0,05 ортиб кетади. Ваҳоланки ушбу кўрсаткичнинг ўртача миқдори даводан олдингига нисбатан 13,89% ортиб P кўрсаткичи 0,02 дан паст бўлган.

Айнан шундай динамика Простамед препарати таъсирида R қолдиқ сийдик кўрсаткичи бўйича ҳам қайд этилган (1-жадвал). Бироқ, Пермиксон таъсирида эса ушбу кўрсаткич CC генотипи мавжуд беморларда эмас, балки TC генотипи мавжуд беморларда энг юқори даражада намоён бўлган (73,29%). Яна шуни қайд этиш лозимки, TT ва CC генотипи мавжуд беморларда Пермиксон таъсирида қолдиқ сийдик ҳажми мос равишда 60,82% ва 55,56% камайган бўлишига қарамасдан P кўрсаткичи 0,05 дан юқори бўлган.

Қоннинг PSA кўрсаткичи миқдори эса Простамед препаратидан фарқли ўлароқ Пермиксон қабул қилган беморларнинг TT генотипи мавжуд бўлганларида энг юқори даражаси пасайган (1-жадвал).

Демак, ўрганилаётган кўрсаткичлар миқдори ва бу ўзгаришларнинг ишончлилик даражаси MDR1 гени T3435C полиморфизми генотиплари вариантлари билан, ҳамда сийдик чиқариш ҳажми ва тезлигини баҳоловчи кўрсаткич турлари ва даво учун қўлланилган дори воситасига муаъян даражада боғлиқ экан.

Юқорида аниқланган боғлиқлар MDR1 гени бошқа, яъни G2677T полиморфизми генотиплари кесимида ҳам кузатиладими? Ушбу саволга жавоб топиш учун ПБХГ мавжуд беморларда ўрганилаётган кўрсаткичларни MDR1 гени G2677T генотип вариантлари кесимида ҳам таҳлил этилди. Ишланиш маълумотлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалда ПБХГ мавжуд беморларда ўрганилаётган кўрсаткичларни MDR1 G2677T гени генотип вариантлари кесимидаги маълумотлар ўз аксини топган. Жадвалдан кўриниб турибдики Простамед препарати таъсирида IPSS кўрсаткичи миқдори MDR1 гени G2677T полиморфизмининг GT генотипида унинг GG ва TT генотипларига нисбатан кўпроқ пасайган (даводан олдингига нисбатан 9,54% пасайган). Пермиксон қабул қилган беморларда ҳам ушбу кўрсаткич миқдори кўпроқ

GT генотипи мавжуд беморларда кузатилган.

QOL кўрсаткичини MDR1 гени G2677T полиморфизми генотиплари кесимидаги таҳлили (2-жадвал) унинг миқдорини Простамед таъсирида даводан олдингига нисбатан GG, TT ва GT генотипларга мос равишда 25,00%, 23,53% ва 222,97% пасайганлигини кўрсатди. Бу ерда энг яхши натижада ўрганилаётган геннинг GG генотипида намоён бўлади. Бироқ, Пермиксон препарати фонида эса энг яхши натижа GT генотипда кузатилиб, ўрганилаётган кўрсаткич миқдори мос равишда 47,89% пасайган.

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, IPSS ва QOL кўрсаткичларининг Простамед препарати фонида кўпроқ ўзгариши GT генотипи мавжуд ПБХГ билан хасталанган беморларда кузатилган. Ўрганилаётган геннинг Простамед препарати самарасини яққолроқ намоён этишига таъсир этувчи ушбу генотип устуворлиги Q_{max}, PSA кўрсаткичлари миқдорини ўзгаришида ҳам ўз аксини топган (2-жадвал).

Тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар миқдорини қўлланилаётган Пермиксон дори воситасига жавоб реакцияси MDR1 гени G2677T полиморфизми генотипларига бир хил боғлиқ эмас. Жумладан, IPSS, QOL ва Q_{max} кўрсаткичлари бўйича Пермиксон препаратининг энг юқори самараси, Простамед препарати самараси каби, ушбу геннинг GT генотипи мавжуд беморларда кузатилса, R қолдиқ сийдик кўрсаткичи ушбу геннинг GG генотипи ва PSA кўрсаткичи эса – TT генотипи мавжуд беморларда кузатилди (2-жадвал).

Простата бези ҳавфсиз гиперплазиясида MDR1 (G2677T) гени генотип вариантлари бўйича Простамед ва Пермиксон препаратларининг уродинамика кўрсаткичларига таъсири

Жадвал 2

№	Кўрсат-кичлар	Генотиплар	Простамед (M±m), n=45			Генотиплар	Пермиксон(M±m), n=46		
			Даводан олдин	Даводан кейин	P		Даводан олдин	Даводан кейин	P
1	IPSS *(балл)*	G/G (n=11)	12,91±1,07	12,00±1,02	p>0,05	G/G (n=11)	12,91±0,90	9,45±0,69	p<0,01
		T/T (n=7)	14,00±1,36	13,00±1,23	p>0,05	T/T (n=8)	12,00±1,05	9,75±0,94	p>0,05
		G/T (n=27)	13,59±0,69	12,30±0,64	p>0,05	G/T (n=27)	13,00±0,64	9,41±0,40	p<0,001
2	QOL *(балл)*	G/G (n=11)	2,55±0,25	1,91±0,21	p>0,05	G/G (n=11)	2,55±0,25	1,55±0,16	p<0,01
		T/T (n=7)	2,43±0,30	1,86±0,26	p>0,05	T/T (n=8)	2,25±0,16	1,25±0,16	p<0,01
		G/T (n=27)	2,74±0,17	2,11±0,12	p<0,001	G/T (n=27)	2,63±0,17	1,37±0,09	p<0,001
3	V простата *(см³)*	G/G (n=11)	48,98±4,20	47,75±4,14	p>0,05	G/G (n=11)	66,01±8,94	58,89±7,82	p>0,05
		T/T (n=7)	59,14±9,17	56,29±7,94	p>0,05	T/T (n=8)	64,00±8,80	56,49±8,60	p>0,05
		G/T (n=27)	56,60±3,52	54,22±3,31	p>0,05	G/T (n=27)	58,07±4,27	51,10±3,90	p>0,05
4	Q max сий.қол *(мл/сек)*	G/G (n=11)	13,05±1,35	14,65±1,10	p>0,05	G/G (n=11)	11,48±0,96	15,29±0,64	p<0,01
		T/T (n=7)	11,60±1,77	13,01±1,54	p>0,05	T/T (n=8)	13,23±1,65	15,99±1,55	p>0,05
		G/T (n=27)	11,49±0,55	13,25±0,46	p>0,02	G/T (n=27)	11,49±0,68	15,47±0,45	p<0,001
5	Қолдиқ сийдик *(мл)*	G/G (n=11)	23,18±7,75	15,91±5,59	p>0,05	G/G (n=11)	26,82±9,37	7,27±3,84	p>0,05
		T/T (n=7)	34,29±18,91	24,29±14,12	p>0,05	T/T (n=8)	23,13±7,85	10,63±5,86	p>0,05
		G/T (n=27)	36,30±5,76	25,59±4,96	p>0,05	G/T (n=27)	37,37±10,23	13,52±4,48	p<0,05
6	Қоннинг PSA си *(нг/мл)*	G/G (n=11)	3,25±0,38	3,02±0,34	p>0,05	G/G (n=11)	3,95±0,67	2,94±0,32	p>0,05
		T/T (n=7)	3,50±0,74	3,13±0,63	p>0,05	T/T (n=8)	4,09±0,64	2,98±0,35	p>0,05
		G/T (n=27)	4,10±0,32	3,49±0,21	p>0,05	G/T (n=27)	3,33±0,26	2,49±0,19	p<0,01

Шунингдек, Простамед препаратининг QOL ва Q_{max} кўрсаткичларига ишонарли (мос равишда P<0,05 ва P<0,02) даражадаги ижобий самараси MDR1 гени G2677T полиморфизми GG ва TT генотипларида ишонарсиз чегарага ўтган. Айнан шундай ҳолат Пермиксон препаратининг R қолдиқ сийдик ва PSA кўрсаткичларига таъсирида ҳам кузатилган (2-жадвал). Демак, юқорида келтирилган генотипларда қўлланилган препаратнинг ижобий самараси ишончсиз бўлар экан.

Олинган натижалар ва унинг таҳлили ўрганилаётган кўрсаткичлар миқдори ва дори воситалари таъсирида улардаги ўзгаришлар MDR1 гени T3435C полиморфизми генотиплари каби MDR1 гени G2677T полиморфизми генотиплари вариантларида ҳам кузатилар экан.

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлили MDR1 гени T3435C ва G2677T полиморфизмлари генотиплари ва ўрганилган сийдик чиқариш ҳажми ва тезлигини баҳоловчи кўрсаткичлари орасида муаъян боғлиқликлар мавжудлигини, ҳамда ПБХГ касаллиги консерватив давосида кенг қўлланилиб келаётган Простамед ва Пермиксон препарати таъсир самаралари орасида узвийлик мавжудлигини кўрсатди. Қўлланилган препаратлар самарасига беморлардаги мавжуд генотиплар таъсир этиб, даво самарасини кучли ёки кучсиз, ҳатто ишонарсиз бўлишига олиб келиши мумкин экан. Демак, ПБХГ мавжуд беморларда касаллик медикаментоз давосини шакллантириш ва конкрет дори воситасини танлашда беморларда дори воситаси транспортери генлари генотип вариантларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашувларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ экан.

ПБХГ касаллиги консерватив давоси учун дори воситаларига танлов ва танланган дори воситаларини

дозалаш тартибини амалга оширишда уларни ҳужайрада ўзлаштирилишини назорат этувчи генлар полиморфизми ўргани ва мавжуд генотипларни ҳисобга олган ҳолда персонал даво схемаларини шакллантириш даркордир. Бу ўринда беморларни MDR1 гени кесимида генотиплаш амалий аҳамият касб этиб самарали ва ҳавфсиз фармакотерпия ўтказиш учун замин яратади.

Маълумки, персоналлаштиришган тиббиётга ўтиш ҳозирги замон ва келажак тиббиётининг муҳим талаблари қаторига киради. Бу ўринда фармакогенетик текширувларни қўллаш, жумладан дори воситалари метаболизмини назорат этувчи ва улар фармакокинетикаси ва фармакодинамикасини модификация қилувчи генлар билан бир қаторда, уларни ҳўжайрада ўзлаштирилишини (эфлюкс) назорат этувчи генлар бўйича генотиплаш ҳам ўз заруриятини исботламоқда. Турли ҳасталикларда, жумладан ПБХГда фармакогеном усуллардан фойдаланиш, сўзсиз самарасиз, юқори сарф-ҳаражатли, ножуя таъсирот ҳавфи юқори бўлган дори воситаларни четлаб ўтиш, конкрет бемор учун энг ҳавфсиз ва даво натижадорлиги юқори бўлган дори воситаларини персонал танлаш ва дозалаш тартибини ишлаб чиқиш имконини беради. Б у эса ўз навбатида ўрганилаётган касаллик консерватив даво самарадорлигига таъсир ўтказиб, унинг жарроҳлик ёндашувларига нисбатан устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулосалар:

1.ПБХГ касаллигини Простамед ва Пермиксон билан даволаш самараси билан MDR1 гени T3435C ва G2677T полиморфизмлари генотип вариантлари орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, Пермиксон препарати MDR1 гени T3435C полиморфизми TT генотипида, Простамед препарати эса унинг CC генотипида энг яхши натижа намоён этади. MDR1 гени G2677T полиморфизмида қўлланган препаратлар самарадорлиги кўпроқ GT генотипи билан боғлиқликдир. Шунингдек, медикаментоз даво самарадорлиги муайъян генотипларда ўз ишончлилигини ҳам йўқотади.

2. ПБХГ касаллигини Простамед ва Пермиксон билан даволаш самарадорлиги ўрганилаётган кўрсаткичлар турига ҳам боғлиқ бўлиб, турли генотиплар мавжуд беморларда турли даражада намоён бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мавлянов И.Р., Алижонов Н.Б., Рахматов А.Т., Мавлянов З.И. Оценка эффективности пермиксона и трианола у больных с ДГПЖ при применении короткими курсами. Инфекция, иммунитет и фармакология. 2006 г. № 1. С.47-49;

2. Миронова Ж.А., Трофимов В.И., Симакова М.А. и др. Ген множественной лекарственной устойчивости (MDR1)-маркер терапевтической резистентности и степени тяжести заболеваний. Российский аллергологический журнал. 2010; 3: 9–13;

3. Рохлина Ф.В., Новик Г.А., Калинина Н.М., Бычкова Н.В., Филиппова Ю.Н., Зарайский М.И. Влияние полиморфизма С3435Т гена MDR1на эффективность терапии ювенильного идиопатического артрита. Педиатрическая фармакология, 2013, том 10, №5, С.46-51;

4. Середенин С.Б. Лекции по фармакогенетики. М.: МИА, 2004, 303 с.;

5. Сычев Д.А, Игнатьев И.В., Раменская Г.В., Колхир С.В., Кукес В.Г. Значение полиморфизма гена MDR1, кодирующего гликопротеин –Р, для индивидуализации фармакотерапии. Клиническая фармакология и терапия, 2005, 14(1), С.1-5;

6. Annese V., Valvano M. R., Palmieri O. et al. World Multidrug resistance 1 gene in inflammatory bowel disease: A Meta-analysis. J Gastroenterol. 2006 June 21; 12 (23): 3636–3644;

7. Lazarowski A., Czornyj L., Lubienieki F., Girardi E., Vazquez S., D'Giano C. ABC Transporters during Epilepsy and Mechanisms Underlying Multidrug Resistance in Refractory Epilepsy – Epilepsia 2007, Vol. 48, pp. 40–9 (10);

8. McLeod H., Evans W. Pharmacogenomics: unlocking the human genome for better drug therapy. Annu. Rev. Pharmacol. Toxicol., 2001, 41, 101-121;

9. Meyer U. Pharmacogenomics and adverse drug reactions. Lancet,2000, 356, 1667-1671;

10. Pharmacogenomics. Ed. M.Rothstein Willy-liss, New Jersey, 2003, 368 p.;

11. Woodahl E.L., Yang Z., Bui T., Shen D.D., Ho R.J.Multidrug resistance gene G1199A polymorphism alters efflux transport activity of Pglycoprotein. J Pharmacol Exp Ther 2004; 310: 1199–207;

УЎК 616.366-002.1-053-036.1

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШ ВА ЎРТА ЁШЛИ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ХОЛЕЦИСТИТНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мадазимов М.М., Мамасолиев Н.С., Ботиров Ж.А, Усмонов Б.У.
Андижон давлат тиббиет институти, Ўзбекистон.

СОВРЕМЕННАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ ХОЛЕЦИСТИТА У НАСЕЛЕНИЯ МОЛОДОГО И СРЕДНЕГО ВОЗРАСТА УЗБЕКИСТАНА

Мадазимов М.М., Мамасолиев Н.С., Ботиров Ж.А., Усмонов Б.У.
Андижанский государственный медицинский институт, Узбекистан.

MODERN CHARACTERISTICS OF THE CLINICAL COURSE OF CHOLECYSTITIS IN THE YOUNG AND MIDDLE-AGED POPULATION OF UZBEKISTAN

Madazimov M.M., Mamasoliev N.S., Botirov J.A.,Usmonov B.U.
Andijan State Medical Institute, Uzbekistan.

Аннотация: *Муаллифлар ушбу адабиетлар шарҳини Ўзбекистоннинг ёш ва ўрта ёшли популяциясида холециститнинг клиник кечишининг замонавий хос жиҳатлари таҳлил килиб чикиб, мавзунинг долзарблиги ва зарурияглигини курсатиб беришган. Коморбидликни юқорилиги, клиник синдромларни худудий хослиги ва ёш хамда ўрта ёш гуруҳидаги аҳолида сурункали холециститнинг (СХ)нинг сезиларли фарқлар билан ифодаланиб кўриниши холециститлар учун етакчи жиҳатлар бўлиб тасдиқланади. Буларни ҳисобга олиб холецистит эпидемиологияси, профилактикаси ва фармакотерапиясининг замонавий холатини нафақат Андижон ёки Фарғона водийси минтақасида, балки Ўзбекистоннинг бошқа худудларида ҳам баҳолаш ёки мониторинг қилиб бориш, тадқиқот натижаларини прогнозлаш бўйиа, тиббий – иқтисодий самара келтиради.*

Калит сўзлар: *дислипидемия - ДЛП; сурункали холетсистит - СХ; гиперхолестеронемия - ҲСС; гипертриглисеридемия - ГТГ; қон босими - ҚБ; артериал гипертензия - АГ; систолик қон босими - СҚБ; диастолик қон босими - ДҚБ.*

Аннотация. *Авторы обзора литературы проанализировав распространения факторов риска холецистита в Узбекистане среди популяции молодого и среднего возраста и связанные с ними особенности сформированного механизма и профилактики заболевания, показали актуальность и востребованность темы. Можно сделать вывод, что факторы риска участвуют с «большим вкладом» в происхождение и развитие ХХ у населения молодого и среднего возраста. Их учёт резко снижает и, в определённой степени устраняет угрозу заболевания. Скрининговый контроль/ в профилактике без слов должен взять это во внимание.*

Ключевые слова: *дислипидемия- ДЛП; хронический холецистит- ХХ; гиперхолестеронемия- ГХС; гипертриглицеридемия - ГТГ; артериальное давление- АД; артериальная гипертония- АГ; систолическое артериальное давление - САД; диастолическое артериально давление- ДАД.*

Annotation. *The authors of this literature review have analyzed the modern features of the clinical course of cholecystitis in the young and middle-aged population of Uzbekistan, showing the relevance and necessity of the topic. The high comorbidity, regional characteristics of clinical syndromes, and significant differences in the appearance of chronic cholecystitis in the population of young and middle age groups are confirmed as leading aspects for cholecystitis. Taking these into account, evaluating or monitoring the modern state of epidemiology, prevention and pharmacotherapy of cholecystitis not only in the region of Andijan or Fergana Valley, but also in other regions of Uzbekistan, and forecasting the results of the research will have a medical and economic effect.*

Key words: *dyslipidemia - DLP; chronic cholecystitis - CX; hyperxolesteronemia - HXS; gypertriglyceridemia - GTG; blood pressure - BP; arterial hypertension - AG; systolic blood pressure - SBP; diastolic blood pressure - DBP.*

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Маълумки сурункали холецистит (СХ) кўпинча коморбидлик фонида ўтади ва унга боғлиқ ҳолда клиник манзарасини ўзгартиради. Бу жараёнда, турли минтақа ва аҳоли гуруҳларига хос хусусиятлар намоён бўлади. Тадқиқотларда шу мазмундаги натижалар келтирилган [1;2;3;9;10;11].

Тадқиқот объекти ва усуллари. Ушбу тадқиқот бир даврли эпидемиологик текширув ҳисобланади ва у 2682 нафардан иборат аҳоли популяциясида олинган натижаларни таҳлилига асосланган. Тадқиқотга Республикамизнинг 6 та вилояти – Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё аҳолиси жалб қилинди.

“Скрининг текширув гуруҳи (терапевт, кардиолог, умумий амалиёт шифокори, офтальмолог, хирург, профилактик тиббиёт бўйича мутахассислар)дан ташкил этилди ва илмий жамоа махсус эпидемиологик текширув учун тайёрланди (малакаси оширилди ва сертификат берилди)”[1]

Тадқиқотни ташкил қилиш тизими ва ғояси ЖССТ томонидан эпидемиологик текширувлар учун ишлаб чиқилган мезон ва талаблар бўйича шакллантирилди [WHO, 2018]. Ўзбекистоннинг водий ва воҳа худудларидаги 6 та бир вақтдаги эпидемиологик тадқиқот ташкил қилинди ва амалга оширилди.

Эпидемиологик тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказишни алоҳида тавсифлари таъминланди: скрининг гуруҳи ташкил этилди, сўровнома- анкеталар тайёрланди ва скрининг гуруҳи тадқиқот учун зарур ускуналар билан таништирилди. Эпидемиологик скринингга тайёргарлик ишлари олиб бориш босқичида, халқаро талаблардан

келиб чиқиб, ходимларни скринингга тайёрлаш ва ходимлар билан тренинг машғулотлар ўтказиш ишлари бажарилди. Популяция билан ишлаш тартиби яратилди ва популяцияни текшрув тартиби ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистоннинг ёш ва ўрта ёшли популяциясида коморбидликка боғлиқ ҳолда холециститнинг клиник кечишининг замонавий хос жиҳатлари. Эпидемиологик тадқиқотга асосланиб, Ўзбекистоннинг ёш ва ўрта ёш аҳоли популяциясида комплекс ўрганилмаган ва шунинг учун, комплекс илмий дастурни амалга ошириш давомида, Андижоннинг қишлоқ аҳолиси мисолида – ёш ва ўрта ёшли популяцияда коморбидликка боғлиқ ҳолда холециститнинг клиник кечишининг замонавий жиҳатлари ўрганилди ва аниқланди. Таҳлилий хулосалар чиқарилдики, СХ ёш популяцияда – 18,3% частота билан коморбидлик фонида ривожланади ва клиник ифодаланиб кечади. Тошсиз СХда колсорбид фон – 13,4% ва тошли СХда - 4,9% аниқланиш частотаси билан қайд қилинади.

Ўрта ёшли аҳоли популяциясида коморбид фонни аниқланиш частотаси – 11,8% ни ташкил этади, унинг -7,9%ни тошсиз ва 3,9%ни тошли тури ташкил этади (RR=1,545; 95% Cl=1,326 – 1,799; χ^2=32,024; P<0,01). “СХ стеатогепатит” коморбидлиги билан ёш популяцияда сурункали холецистит – 21,3% (тошсиз СХ – 21,3% ва тошли СХ – 0,00%дан) ва ўрта ёш популяциясида – 17,0% дан (тошсиз СХ – 12,8% ва тошли СХ – 4,3%) тарқалиш частоталарида қайд қилинди (RR=1,250; 95% Cl=0,541 – 2,887; χ^2=0,275; P>0,05).

Ёш аҳоли популяциясида “СХ вирусли жигар циррози” коморбидлиги 27,3% частотада аниқланади, 27,3% ва 0,00% дан унинг тошсиз ва тошли турлари қайд қилинади. Ўрта ёш популяциясида эса 13,6% тарқалиш частотаси тасдиқланади, 9,1% ва 5%дан тошсиз ҳамда тошли турлари қайд қилинади (RR=2,000; 95% Cl=0,571 – 7,006; χ^2=1,257; P>0,05).

“СХ+сурункали вирусли гепатит” коморбидлиги ёш популяцияда – 26,3% (тошсиз СХ – 20,4% ва тошли СХ – 5,8% дан) ва ўрта ёш популяцияда – 18,2% дан (тошсиз тури – 11,7% ва тошли тури – 6,6% дан) аниқланиш частотаси билан қайд қилинади (RR=1,440; 95% Cl=0,916 – 2,263; χ^2=2,552; P>0,05).

Текширилган ёш ва ўрта ёшли аҳоли популяциясида “СХ+ўткир юрак ишемик касаллиги” тарқалиш частотаси ёш популяцияда 17,1% (тошсиз тури СХни – 15,7% ва тошли СХ туриб билан -1,4% дан ва ўрта ёш популяцияда – 14,2% дан (СХ тошсиз тури билан – 8,6% ва тошли тури билан – 2,9%дан) аниқланади (RR=1,500; 95% Cl=0,653 – 3,443; χ^2=0,933; P>0,05).

“Сурункали юрак ишемик касаллиги ва СХ” коморбидлиги ёш аҳоли популяциясида – 23,4% тарқалиш частотаси билан қайд қилинади; 20,6% - тошсиз СХ ва 2,8% тошли тури билан кузатилади. Ўрта ёшли аҳоли популяциясида эса бундай коморбидлик – 14,2% частотада кузатилади, 11,0% - тошсиз ва 3,2% тошли СХга қўшилув тасдиқланади (RR=1,645; 95% Cl=1,097 – 2,466; χ^2=6,008; P<0,05).

СХнинг клиник кечишида гломеруляр касалликлр билан коморбидлик – 21,3% (ёш популяцияда, шундан 14,9% - ти тошсиз ва 6,3% ти тошли тури билан) ва 9,8% (ўрта ёш популяцияда; 6,0% тошсиз ва 3,8% тошли СХга коморбидлик) частоталарда қайд қилинади (RR=2,161; 95% Cl=1,454 – 3,212; χ2=15,661; P<0,001).

“Сурункали гастроэнтерологик касалликлар + СХ” коморбидлиги – ёш популяцияда – 17,2% (тошсиз СХ билан – 13,4% ва тошсиз СХ билан – 3,7%) ва 10,4%дан (тошсиз СХ билан – 9,0% ва тошли СХ билан – 1,5%) аниқланади (RR=1,643; 95% Cl=0,884 – 3,053; χ^2=2,540; P>0,05)

“Нейроциркулятор астения+СХ” коморбидлиги – ёш аҳоли гуруҳида 18,2% тарқалиш частотаси билан тасдиқланади (тошсиз СХ билан – 13,6% ва тошли СХ билан – 4,5%). Ўрта ёш популяциясида бундай қўшилув частотаси тошсиз ХС билан -9,1% ва тошсиз ХС билан -6,8%, жами 15,9% тарқалиш частотаси билан қайд қилинади (RR=1,143; 95% Cl=0,594 – 2,197; χ^2=0,161; P>0,05).

“Бўғим касалликлари +СХ” коморбидлигини аниқланиш частотаси ёш популяцияда – 24,0% (тошсиз тури билан – 17,7% ва тошли тури билан – 6,3%ни) ва ўрта ёш популяцияда – 15,6% (тошсиз тури – 13,5% ва тошли тури билан – 2,1%) аниқланиш частотаси билан қайд қилинади (RR=1,533; 95% Cl=0,854 – 2,754; χ^2=2,100; P>0,05).

СХда коморбидликни респиратор касалликлар – 19,4% (ёш популяцияда, 13,5% тошсиз ва 5,9% тошсиз тури билан) ва 13,8% дан (RR=1,408; 95% Cl=1,007 – 1,969; χ^2=4,066; P<0,05) ташкил қилиб (ўрта ёш популяцияда; тошсиз ХС билан – 9,0% ва тошиз ХС билан – 4,8%дан).

“СХ+ камқонлик” коморбидлиги ёш аҳоли популяциясида – 9,7% (тошсиз ХС билан – 4,3% ва тошли ХС билан – 5,3% дан) ва ўрта ёш популяцияда -7,2% (тошсиз ХС билан – 3,?% ва тошли ХС билан – 3,5% дан) частоталарда тасдиқланади (RR=1,343; 95% Cl=0,883 – 2,042; χ^2=1,918; P>0,05).

СХ учун хос клиник кўриниш бўлиб аксарият 11 та ўткир ва сурункали касалликларга қўшилиб кечиши тадқиқотда тасдиқланади.

Ўзбекистоннинг ёш ва ўрта ёшли популяциясида сурункали холециститни оғирлик даражаси ва асосий клиник синдромлари бўйича эпидемиологик тавсифи хусусиятлари. Сурункали холециститни ёш ва ўрта ёшли аҳоли популяциясида (Андижон мисолида) оғирлик даражаси (енгил кечиши касалликни йилда 1-2 марта қайталаниши; ўртача оғир кечиши – йилда 3 ва ундан ортиқ қайталаниши; оғир кечиши ойда 1-2 марта қайталаниши) бўйича юзага келишини эпидемиологик тавсифи хам тадқиқотда алоҳида ўрганилди.

Тасдиқландики, СХни ёш популяцияда енгил кечиши – 58,8% (тошсиз турида – 46,9% ва тошли турида – 11,8% дан) ва 56,7% дан (тошсиз турида – 41,0% ва тошли турида -15,7% дан) тарқалиш частоталарда кузатилади (RR=1,822; 95% Cl=1,524 – 2,178; χ^2=48,344; P<0,001).

Ўртача оғирликда СХни кечиши эса ёш популяцияда – 32,6% (тошсиз турида – 24,9% ва тошли турида – 7,7% дан) ва ўрта ёш популяцияда – 24,7% дан (тошсиз СХда – 17,4% ва тошли СХда – 7,3% дан) аниқланиш частотаси билан тасдиқланади (RR=2,318; 95% Cl=1,771 – 3,034; χ^2=46,082; P<0,001).

Оғир кечиш ёш популяцияда 8,6% (тошсиз турида – 2,9% ва тошли турида – 5,7% дан) ва ўрта ёш аҳолида –

15,5% (тошсиз СХда – 10,7% ва тошли СХда – 7,9% дан) тарқалиш частоталари билан кузатилади (RR=0,818; 95% Cl=0,570 – 1,174; χ^2=1,200; P>0,05).

Қайд этилдики СХ ёш ва ўрта ёшли аҳоли популяциясида асосан 6 та клиник синдромларни устуворлигида кечади ва асоратланиб ўтади (4.3-жадвалда кўрсатилган).

Қовурға ости оғирлиги синдроми 48,9% аниқланиш частотаси билан ёш аҳоли популяциясида (тошсиз СХда – 38,7% ва тошли СХда – 110,2% дан) аниқланади. Катта ёшдаги аҳолида бўлса ушбу синдромни аниқланиш частотаси – 59,0% га етади, жумладан, тошсиз СХда – 47,2% ва тошли СХ да – 11,8% дан суръатларда ифодаланади (RR=1,457; 95% Cl=1,219 –1,742; χ^2=17,860; P<0,001).

Ёш популяцияда СХни диспептик симптомларда ифодаланиб кечиши – 8,6%ни ташкил қилади (тошсиз турида – 6,7% ва тошли турида – 1,9% дан) ўрта ёш популяцияда эса диспептик синдром билан СХни кечиши – 7,3% ни (тошсиз турида – 5,1% ва тошли турида -2,2%ни) ташкил қилиб ифодаланади (RR=2,077; 95% Cl=1,265 – 3,409; χ^2=9,800; P<0,05).

Кардиалгик синдром ёш аҳоли популяциясида – 13,4% (тошсиз СХда – 8,9% ва тошли СХда – 4,5%) ва ўрта ёшли популяцияда – 3,4% (тошсиз СХда – 2,2% ва тошли СХда – 1,1% дан) кўрсаткичларда тарқалиш частотаси билан тасдиқланади (RR=7,000; 95% Cl=3,286 – 14,909; χ^2=54,000; P<0,001).

СХ аниқланган ёш популяцияда неврозсимон синдром – 13,4% (тошсиз СХда -8,3% ва тошли СХда – 5,1% дан) ва ўрта ёш популяцияда бўлса – 12,4% (тошсиз турида - 6,2% ва тошли турида -6,2% дан) частоталар билан аниқланади (RR=1,909; 95% Cl=1,303 – 2,798; χ^2=12,500; P<0,001).


Вегетатив дистоник ҳуружи кўринишли СХни кечишини аниқланиш частотаси ёш аҳоли популяциясида – 13,7%ни (тошсиз турида – 10,2% ва тошли турида – 3,5%ни ташкил этиб) ва ўрта ёш популяцияда – 16,9%ни (тошсиз турида – 7,3% ва тошли турида – 9,6% ни) ташкил қилади (RR=1,433; 95% Cl=1,025 – 2,003; χ^2=4,630; P<0,05).

СХ аллергик синдром билан ҳам кечади ва бундай кечиш ёш популяцияда – 1,9% ни (тошсиз ХСда – 1,9% ва тошли ХСда – 0,00%) ва ўрта ёшли популяцияда 1,1%ни (тошсиз турида – 1,1% ва тошли турида – 0,00%ни) ташкил этиб кузатилади (RR=3,000; 95% Cl=0,847 – 10,631; χ^2=4,000; P>0,05).

Исботландики, текширилган популяцияда асосан СХни тўрт туркум асоратлари қайд қилинади: перихолецистит, реактив панкреатит, сурункали дуоденит ва перидуоденит. Перихолецистит СХ билан ёш аҳоли популяциясида – 50,8% частотада тарқалиш билан тасдиқланади (тошсиз СХда – 40,6% ва тошли ХСда – 10,2% дан). Ўрта ёшлиларда перихолециститни аниқланиш частотаси – 49,4% ни (тошсиз ХС да – 37,6% ва тошли ХС да – 11,8%ни) ташкил қилади (RR=1,806; 95% Cl=1,492 – 2,188; χ^2=40,818; P<0,001).

Сурункали холециститни реактив панкреатит билан асоратланиб кечиши ёш популяцияда – 1,0% (тошсиз турида – 0,3% ва тошли турида – 0,6%) ва ўрта ёш популяцияда – 3,4% (тошсиз турида 1,1% ва тошли турида – 2,2%) тарқалиш частотаси билан кузатилади (RR=0,500; 95% Cl=0,178 – 1,405; χ^2=2,000; P>0,05).

Сурункали дуоденит ва перидуоденит билан асоратланиб кечиш СХ аниқланган ёш популяцияда – 6,4% ни (тошсиз СХ – 2,9% ва тошли холециститда – 3,5%) ва ўрта ёш популяцияда – 11,2% ни (тошсиз ХСда – 3,9% ва тошли ХСда – 7,3%) ташкил қилади (RR=1,000; 95% Cl=0,645 – 1,550; P>0,05).



1-расм. Ёш ва ўрта ёшли аҳолида сурункали холециститнинг асоратларига боғлиқ равишда тарқалиш частотаси.

Сурункали дуоденостеноз асорати СХ билан ёш популяцияда – 1,0% (тошсиз СХда – 0,00% ва тошли СХда – 1,0%) ва ўрта ёшли популяцияда – 1,1% (тошсиз СХда – 0,00% ва тошли СХда – 1,0%) аниқланиш частотаси билан қайд қилинади (RR=1,500; 95% Cl=0,413 – 5,450; χ^2=0,400; P>0,05).

Бошқа асоратлар (стеатоз ўт йўллари дискинезияси ва астенодепрессив синдром) СХ аниқланган ёш популяцияда – 4,5% (тошсиз турида – 1,9% ва тошли турида – 2,6% дан) ва ўрта ёш популяцияда – 5,6% (тошсиз турида – 2,2% ва тошли турида – 3,4% дан) аниқланиш частотаси билан тасдиқланади (RR=1,400; 95% Cl=0,782 – 2,505; χ^2=1,333; P>0,05). Ушбу олинган натижаларни Фарғона водийси ва Ўзбекистон ҳудудларига тавсия қилиш мумкин. Чунки, улар деярли жуда яқин умумий турмуш тарзи, хатар омиллари ва иқлимий – жўғрофий хусусиятлари билан тавсифланишади [Мамасолиев З.Н., 2023; Хакимова З.К., 2024].

Хулоса. Коморбидликни юқорилиги, клиник синдромларни ҳудудий хослиги ва ёш хамда ўрта ёш

гуруҳидаги аҳолида СХнинг сезиларли фарқлар билан ифодаланиб кўриниши холециститлар учун етакчи жиҳатлар бўлиб тасдиқланади. Буларни ҳисобга олиб холецистит эпидемиологияси, профилактикаси ва фармакотерапиясининг замонавий холатини нафақат Андижон ёки Фарғона водийси минтақасида, балки Ўзбекистоннинг бошқа худудларида ҳам баҳолаш ёки мониторинг қилиб бориш, тадқиқот натижаларини прогнозлаш бўйиа, тиббий – иқтисодий самара келтиради.

Шундай яқин хулосалар тадқиқотчилар томонидан, асосан клиник тадқиқотларда, қилинган [4;5;6].

Адабиётлар рўйхати:

1. Анисимова Е.В., Козлова И.В., Волков С.В. Хронический холецистит у пациентов с различным трофологическим статусом: механизмы возникновения и особенности течения //РЖГГК. 2014. - №3. – С. 36-40.
2. Гастроэнтерология и гепатология. Диагностика и лечение. Руководство для врачей //Под ред. А.В. Калинина, А.Ф.Логинова, А.И.Хазанова. – М.: МЕДпресс – информ. – 2011. – С.864.
3. Звячинцева Т.Д., Шаргород И.И. Клиника, диагностика и лечение хронического бескаменного холецистита //Новости медицины: и фармации // Гастроэнтерология. – 2013; 478: 32-5.
4. Корочанская Е.В., Дурлештер В.М., Габриэль С.А. и др. Особенности оказания медицинской помощи пациентам с болезнями органов пищеварения в Краснодарском крае в условиях пандемии короновирусной инфекции COVID – 19. Рос. журн. гастроэнтерол гепатол колопроктол. – 2022. - №2. – С. 12-16.
5. Костюченко Л.Н. Нарушения трофологического статуса и методы их коррекции у больных с заболеваниями органов пищеварения. Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология. 2002; 6:28-30.
6. Кукош М.В., Власов А.П. Острый холецистит. Москва: Наука. – 2009; С. 301 – 307.
7. Мамасолиев З.Н. Особенности распространенности, развития и профилактики глаукомы у пожилого и геронтического возраста //Автореф… дис. доктора мед. наук (DSc). – Андижан. 2023. – С. 55-56.
8. Хакимова З.К. Эпидемиология, факторы риска и инновационные аспекты профилактики заболеваний органа зрения у долгожителей в условиях Узбекистана //Автореф…дисс. доктора мед. наук (DsC). Андижан. – 2024. – С. 45-46.
9. Beuran M., Ivanov I., Venter M.D. Gallstone ileus – Clinical and therapeutic aspects //Journal of Medicine and Life. – 2010: 3(4): 365-370.
10. Fitzgibbons R., Tseng A., Wang H. Et al. Acute cholezystitis. Does the clinical diagnosis correlate with the pathological diagnosis? //Surg Endosc. 1996. – Vol. 10. – P. 1180-1182.
11. Knab L.M., Baller A.M., Mahvi P.M., Cholecystitis. Surg. Clin North Am. 2014; 94(2):455-68.

УЎК 616.366-002.1-053-036.1

ТУРЛИ ЁШГА МАНСУБ АҲОЛИ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ХОЛЕЦИСТИТ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИГА АЛОҚАДОР ЭПИДЕМИОЛОГИК ШАРОИТ ВА ВАЗИЯТЛАР ҲОЛАТИ ҲАМДА МУАММОЛАРИ (адабиётлар шарҳи)

Мамасолиев Н.С., Мадазимов М.М., Ботиров Ж.А., Қурбонова Р.Р.
Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХОЛЕЦИСТИТА И ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ, СОСТОЯНИЯ И ПРОБЛЕМЫ ЕЁ ПРОФИЛАКТИКИ У ПОПУЛЯЦИИ НАСЕЛЕНИЯ РАЗНОГО ВОЗРАСТА (обзор литературы)

Мамасолиев Н.С., Мадазимов М.М., Ботиров Ж.А., Курбонова Р.Р.
Андижанский государственный медицинский институт, Узбекистан.

EPIDEMIOLOGICAL CONDITIONS AND SITUATIONS AND PROBLEMS RELATED TO THE EPIDEMIOLOGY AND PREVENTION OF CHOLECYSTITIS IN THE POPULATION OF DIFFERENT AGES (literature review)

Mamasoliev N.S., Madazimov M.M., Botirov J.A., Kurbonova R.R.
Andijan State Medical Institute, Uzbekistan

Аннотация: *Муаллифлар ушбу адабиётлар шарҳини турли ёшга мансуб аҳоли популяциясида холецистит эпидемиологияси ва профилактикасига алоқадор эпидемиологик шароит ва вазиятлар холати хамда муаммоларини тахлил килиб чикиб, мавзунинг долзарблиги ва зарурияглигини кўрсатиб беришган. Хулоса қилиш мумкинки, зикр этилган ва келтирилган адабий шарҳларни барчаларида эпидемиологик ва профилактик хамда прогностик мохиятли тадқиқотларни давом эттириш, ривожлантириш ва уларнинг натижаларини амалий фаолиятга, холецистит мисолида киритиб бориш долзарб масала ва зарурият бўлиб қолганлиги кўзга ташланади.*

Калит сўзлар: *Ошқозон ичак аъзолари касалликлари – ОИАК; сурункали тошсиз холесистит – СТХ; билиар тизим – БТ.*

Аннотация. *Авторы обзора литературы проанализировав эпидемиологию холецистита и эпидемиологические условия, состояния и проблемы её профилактики у популяции населения разного возраста, раскрыли актуальность и востребованность темы. Можно сделать вывод, что продолжение, развитие и внедрение результатов исследования в практику, на примере холецистита,остаётся актуальным и востребованным вопросом.*

Ключевые слова: *заболевания органов желудочно-кишечного тракта– ЗЖКТ; хронический некаменный холецистит – ХНХ; билиарная система – БС.*

Annotation. *The authors of this literature review analyzed the epidemiological conditions and situations and problems related to the epidemiology and prevention of cholecystitis in the population of different ages, showing the relevance and necessity of the topic. It can be concluded that in all of the mentioned and presented literature reviews, it is evident that it is an urgent issue and necessity to continue and develop epidemiological, prophylactic and prognostic research and to apply their results to practical activities, in the case of cholecystitis.*

Key words: *Gastrointestinal diseases – GTD; chronic cholecystitis without stones – CCWS; biliary system – BS.*

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Холецистит йилдан йилга ўсиб бориш частотаси билан аниқланмоқда. Бу кўп омилларга боғлиқ ҳолда содир бўлмоқда ва шунинг учун, ушбу йўналишда тадқиқотларни, хусусан, эпидемиологик – профилактик мазмунли, амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Sandblam G. эт al. (2015) тадқиқотида ≥ 70 ёш холециститнинг номақбул асоратларини, масалан, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни, ҳавфини оширувчи хатар омил ҳисобланади [43]. Умуман, хар қандай холецистит бўйича қилинган операция, D.G.Watt ва ҳаммуаллифларнинг (2015) маълумотлари бўйича, масалан, шошилинч лапаратомия кекса беморларда асоратланишларни 58%га ва 30 кунлик ўлимни 22%га оширади [47].

Cocorullo G. et al (2016) кекса ёшдаги 159 та беморда холецистит билан операция қилингандан кейинги асоратларни таҳлил қилишиб шундай хулоса қилишганки, 12,5% ида ўлим ва 19,4%ида операциядан кейинги асоратлар келиб чиқади [25].

Ҳар қандай жарроҳлик амалиётини ўтказиш, кекса ва қариялардаги холецистит бўйича, операциядан кейинги ўлим суръатининг 2,2% дан 8,8% гача етиб ошиши мумкинлиги 1993 нафар 65 ёшдан ўтган беморларда [Италияда ўтказилган проспектив FRAILSEL тадқиқот] Costa G. et al (2020) томонларидан исботли кўрсатилган [26].

Шулардан келиб чиқиб, тадқиқотчилар якдил хулоса қилишган: > 70 ёш холецистоэктомиядан сўнги номақбул оқибат, континуумни келтириб чиқарувчи хатар омиллар ҳисобланади [35; 32; 38; 41; 42;].

Кекса, қария, геронт ва супергеронт ёшдаги аҳолида кўпинча коморбид ёндош касалликлар бўлади ва худди шулар сабаб бўлиб ҳар қандай оператив аралашувни ҳавфи бўлади ёки ҳавф кескинлашади. 80 ёшдан кейин деярли барчада ҳамроҳ қўшма касалликлар бўлади ва улар нафақат хирургик амалиёти талаб қиладиган, балки талаб қилмайдиган холециститнинг ҳам муқобил фармакотерапиясини танлови ва амалга оширилишини қийинлаштиради [35]. Масалан, Nikfarjam M. et al. (2014) маълумотларига кўра, холецистэктомия асоратларини 31%га ва лапароскопиядан бўладиган ҳавфни 21%га

оширади [41].

Шу боис, кўплаб тадқиқотчилар таъкидлашларича, кекса, қария ва геронт ёшдаги аҳолида шошилинч холецистэктомияни бажариш учун нисбий монелик бўлади. Бу ёшдагиларда бажарилган мета-шарҳ ва тизимли мавжуд адабиётларни таҳлиллари хам асосан шундай хулосага келишга асос бўлади [42; 32; 38].

Холецистит, Arthur J.D.R. et al. (2003) ва Mora – Guzman I. et al. et al. (2020) тадқиқотларида келтирилган натижаларга кўра эса айнан 90 ёшдан ошганларда (80%) ва 80-89 ёшлиларда (28% дан 42% гача етиб частоталарда) юқори даражалар билан аниқланади [23; 40] ва юқори ҳавфлар бўлганда операцияга зарурат ва эҳтиёж туғилади.

Шунинг учун айнан шу ёшдаги аҳолида ва умуман, бошқа ёшроқ аҳолида хам холециститни эрта ташхислаш ва профилактика қилиш масалалари жуда ўткирлашган мавзу бўлиб ҳисобланади ёки шу йўналишдаги эпидемиологик тадқиқотлар катта аҳамият касб этишади.

Ўзбекистон худудларида холециститни масалалари хирургия нуқтаи назардан кенг ўрганилганлиги адабиётлар таҳлилидан аён бўлади ва шундай фикрлар ватандош тадқиқотчилар томонидан ҳам билдирилган. Уларнинг деярли барчалари клиник тадқиқот маълумотлари ва уларда асосан ўткир холециститни хирургик даволашга бўлган замонавий қарашлар ўрганилган.

Д.Б.Туляганов ва ҳаммуаллифлар (2023) кенг адабиёт шарҳини келтириб асосли тарзда, масалан, шундай хулосани баён этишган, холециститэктомия ҳозирда ўткир холециститни батамон даволовчи ягона усул бўлиб, даволашнинг бошқа стратегияларига нисбатан операциядан кейинги узоқ муддатларда беморларда асоратлар миқдори камроқлиги, шифохонада даволаниш муддатларининг қисқароқлиги ва даволанишининг умумий ҳаражатлари билан жумладан, қари ва кекса ёшдаги беморларда ҳам, ажралиб туради [20].

Ошқозон ичак аъзолари касалликлари (ОИАК) бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни, хусусан, ўт йўллари ва жигар касалликларида, нохирургик йўлларини оптималлаштириш ҳозирги даврда муҳим масала бўлиб қолган. Айниқса нафақат ёшларда, ўрта ёшлиларда ва узоқ умр кўрувчилрда ушбу йўналиш муаммолашган. Чунки геронт аҳоли Ўзбекистонда кўпайган ва кўпайиб бормоқда (1.1-жадвал). Иккинчидан, масалан, холециститда хирургик даволаш стратегияларини геронт ёшдаги аҳолида ҳавфини камайтириш замонавий фанни устувор мавзуси бўлиб доимо келган ва келмоқда. ОИАКдан ўлим кўрсаткичларига ёш омили кучли таъсирини кўрсатади ва буни камайтиришда, фанга ва хусусан хирургия амалиётига профилактик йўналишни кенг жорий қилишиши мақсадга мувофиқ деб тавсия қилинади.

Короганская Е.В. ва ҳаммуаллифлар (2022) тасдиқлаб кўрсатишганки, айнан профилактик амалиёт хирургияга, жумладан ўт пуфаги ва ўт йўллари – хирургиясига, кенг жорий қилинмаганлги натижаси бўлиб ОИАК дан ўлим 2019-2021 йилларда Россияда ошган: жигар касаликларидан – 17,9%дан 22,0% гача ва ўт пуфаги ва ўт йўллари касалликларидан – 0,7% дан 0,9% гача ортган [13]. Узоқ умр кўрувчилар сонини ортиб бораётганлиги билан Ўзбекистонда ҳам геронто-профилактик йўналишга хирургияда, сўзсиз, зарурият ошган ёки бундан кейин ҳам ортиб боради деб хулоса қилиш мумкин бўлади.

Узоқ умр кўрувчи 100 ёшга тўлган аҳолини Ўзбекистон ҳудудларида тавсифи

Жадвал 1

№	Узоқ умр кўрувчилрни яшаш жойлари	Узоқ умр кўрувчилр сони	
		N	%
1	Сурхондарё қилоятида	71 нафар	13,9
2	Қашқадарё вилоятида	92 нафар	18,0
3	Андижон вилоятида	48 нафар	9,3
4	Фарғона вилоятида	45 нафар	8,8
5	Тошкент вилоятида	41 нафар	8,1
6	Самарқанд вилоятида	36 нафар	7,1
7	Бухоро вилоятида	35 нафар	6,8
8	Наманган вилоятида	33 нафар	6,4
9	Хоразм вилоятида	28 нафар	5,4
10	Тошкент шахрида	26 нафар	5,0
11	Жиззах вилоятида	16 нафар	3,1
12	Навои вилоятида	13 нафар	2,5
13	Қорақалпоғистонда	21 нафар	4,1
	Ўзбекистон бўйича:	514 нафар (110 нафари эркаклар – 21,4%; 404 нафари аёллар – 78,6%)	100,0%

Изоҳ: маълумотлар 2024 йил 01 январ холатига пенсия жамғармаси хатарига кўра олинган.


Ҳазм аъзолари касалликлари орасида сурункали холецистит нисбатан кенг тарқалган касаллик сифатида қайд этилади. Касаллик ҳар 1000 кишига 10,6 сида тўғри келиб кузатилади. Аёллар эркакларга қараганда 3-4 баробарга кўпроқ хасталанишади; айрим мамлакатларда холецистит билан беморларнинг ҳар тўртинчисида (20%), 65 ёшдан ўтганларда, тош аниқланади [12].

Касалликнинг хатар омиллари сифатида ёғли таомни истеъмол қилиш, стресслар, иммунли ва гормонал таъсиротлар, ўт пуфаги нуқсонлари, инфекциялар тасдиқланади. Алкогол ва парҳезни бузиш холециститни қайталантиради ва авжлантиради (ўнг қовурға ости оғриғи, диспептик симптомлар, иштаҳани йўқолиши, қорин дам бўлиши, ич қотиши, субфебрил ёки фебрил иситма тарзида), 20% холларда ўт санчиғи тарзида ифодаланиб кечади [5; 6].

Ҳозирги дунёда аҳолини ёш структураси уни қариши томон ўзгариб бормоқда. Мутахассисларнинг баҳо беришларича, 2025 йилга бориб 15 ёшгача бўлган болалар сони 40 процентга камаяди ва кексалар сони икки баробарга ортади. Шунинг учун кекса, қария ва геронт – супергеронт ёшдаги аҳолида аксарият келиб чиқадиган касалликларни, жумладан, холециститни эрта прогнозлаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш мавзулари ҳозирдан ҳам янада долзарблашади. Ҳозиргача ҳам бу мавзудаги эпидемиологик ишларни етарлича эмаслиги ёки қониқармаслиги тадқиқотчилар томонидан, адабиётлар таҳлили бўйича, кўрсатилади [31; 34; 39].

Ёш ўтиши билан гепатобилиар тизим ўзгаришларга учраб боради. Хусусан, жигар ҳажми кичраяди, ундаги қон оқими пасаяди, функциялари ва

регенератив хусусиятлари ўзгаради. Бу ўзгаришлар, қатор касалликларини ва холециститнинг кечишини модификацияланишига олиб келиш ҳавфини оширади (1.1-расмда келтирилган).



1-расм. Кекса ёшдаги аҳолида жигар касалликларининг модификациясини механизмлари (Tajiri K. ва б.қ.; 2013).

Шуни таъкидлаш керакки, холецистэктомия ўт йўлларини шикастланишига олиб келади: холестэктомиядан сўнг "кичик" ва "катта" асоратланишлар келиб чиқади ёки шундай ҳавф доимо сақланиб қолади. "Катта" асоратлар жуда ҳавфли бўлиб хаттоки ҳаёт учун ҳавф солади. "Кичик" асоратлар ҳавфи камроқ бўлсада, аммо О.И.Охотников ва ҳаммуаллифлар (2017) тақдим этишган маълумотларга кўра ташқи ўт оқимини бузилишига олиб келиб септик асоратланишлар ҳавфини оширади [19].

Бошқа тадқиқотчилар ҳам бу натижани тасдиқловчи маълумотларни келтиришган: шу каби асоратлар – 0,17 – 0,97% частоталарда улар томонидан тасдиқланган [15;24;27;30;37;44;45].

Умуман холецистит эпидемиологиясига оид маълумотларда икки хил хулоса қилинганлиги ва уларга ойдинлик киритиш зарурати келиб чиққанлиги адабиётлар шарҳидан аён бўлади. Аксарият клиник тадқиқотлар натижаларига кўра сурункали тошсиз холецистит кам учрайдиган касалликлар қаторида тилга олинади. Охирги йиллардаги эпидемиологик йўналишли текширувларда бўлса бу хулосага зид фикр билдирилган: сурункали тошсиз холецистит (СТХ) кам учрайдиган касаллик эмас, мавжуд клиник маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳазм аъзолари касалликлари таркибида СТХ кўп учрайдиган касаллик бўлиб ҳисобланади. Лекин унинг эпидемиологияси ва клиник кечишига оид кўплаб масалалари ҳозиргача ечилмай қолмоқда ва муҳокама қилишни талаб қилади, деб салохияти тадқиқотларда хулоса қилинади [21].

Хусусан, Гончарик И.И., Малая Т.В. (2011) ва Заягинцева Т.Д., Шаргород И.И. (2013) тадқиқотлари тасдиқлаб берганки, СТХ аҳоли орасида 5% тарқалиш частотаси билан аниқланади ва холелитиазни ва билиар сладж (лойқа)ни олди холат сифатида у қабул қилинади [7;8].

М.Д.Ардатская (2012), Е.В.Анисимова ва хаммуалл. (2012) кўрсатган натижаларга кўра, СТХ ўт йўлларининг барча касалликлари ичида 8-30%ни ташкил қилиб учради. СТХ билан касалланиш йилига хар 1000 та аҳолига 6-7 тани ташкил этади. Аёллар, айниқса ёш аёллар, эркакларга қараганда 3-4 баробарга кўп касалланишади [2;3].

Vitton V. et al. (2012), Brayman – Mintzer et al. (2014) ва Durkalski V. et al. (2010) тадқиқотларида муҳим натижалар кўрсатилган, қайсиларга холецистит муаммосини хал қилишда муҳим ахамият касб этувчи назариёт ва амалиёт бўлиб нохирургик консерватив ва профилактик стратегия эканлигини тасдиқлашади: 1) оператив аралашув холецистит масаласида хозиргача ўткирлигича қолмоқда, лекин асоратланишлари ҳавфини кўплиги (айниқса кекса ёшдаги аҳолида) эътиборни тортади; 2) СТК кўпрок терапевтларнинг гастроэнтерологик амалиётида учрасада лекин барибир охирги йилларда хирурглар ишида хам СТКга дуч келиш холатлари кўпайган; 3) ушбу касаллик бир неча этиологик омиллар оқибатида келиб чиқади, ва доимо ҳам консерватив даво ижобий натижага олиб келмайди ёки шу сабабларга кўра профилактик ёндошувга ўткир зарурият бўлади ва ноиложлик ҳаётий зарурати, хирургияга тузилади [29; 33; 46;].

Анисимов Е.В. ва хаммуалл. (2014) маълумотларига кўра холециститнинг барча ёшдаги аҳолида келиб чиқиши ва кечиши асосан аҳолининг трофологик холатини хусусиятлари билан хам боғлиқ бўлиб белгиланади. Лекин бу мавзу хам эпидемиологик тадқиқотларнинг эътиборидан аксарият четда қолган. Ушбу тадқиқотчиларнинг клиник ишларида хулоса берилишича,танавазниетишмовчилигибиланбеморларда тошсиз холецистит ва ўт пуфаги дисфункциясини клиник ифодаланиши кучлирок кўринишда ифодаланади ва абдоминал оғриқ синдроми устуворлик қилади. Бундан

ташқари тана вазни етишмовчилиги билан мижозлардаги тана пуфаги касаллигида чекловчи овқатланиш харажати хам устуворлик қилади. Тана вазни етишмовчилиги бўлган беморларда холецистит учун специфик клиник ифодаланиши шуки, беморларнинг гастробиоптатларида прояллиғланишли хусусиятига эга бўлган цитокинларни ишлаб чиқарилиши ортади [2].

Цимерман Я.С. (2012) , Ильченко А.А. (2011) ва Ивашкин В.Т. (2002) каби гастроэнтерология соҳасида катта ютуқларга эришган тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам билиар тизим (БТ) касалликлари кенг кўламда ўрганилган.

Уларнинг илмий маълумотларидан ҳам исботли кўринадики, хазм аъзолари таркибида БТ касалликлари, хусусан, холецистит нисбатан кўп учрашади [9;10].

Яковенко Э.П., Григорьев П.Я. (2001), Drossman D.A. (2006) ва Leushner U. (1999) тадқиқотларида БТ касалликлари ва, холециститни хусусан, мехнатга лаёқатли аҳоли орасида айниқса юқори частоталарда аниқланиши, уларнинг ҳаёт учун ҳавфи асоратланишлари борлиги ва бундан ташқари юқори кўп сарф харажатлар талаб қиладиган касалликларга айланиб қолинганлиги тасдиқланади. Хулоса қилишадики, хозирги даврда БТ касалликлари ва уни таркибида холециститлар хам нафақат гастроэнтерологияни долзарб муаммосигина бўлиб қолмасдан, ва яна умуман олганда тиббиётнинг муҳим ижтимоий – иқтисодий муаммоси хам хисобланадилар [22; 28; 36].

Максимов В.А. (1998; 2009) шархий маълумотларида ишончли ва исботли тасдиқлайдики, охирги йилларда ўт пуфаги касаликларида ва хусусан, холециститни этиологиясини, ташхисотини ва даволашини ўрганишда муваффақиятларга эришилгнлигига қарамасдан, ушбу касалликлар ҳамон, айниқса эпидемиологияси ва профилактикаси соҳаси бўйича, тадқиқотчиларнинг эътиборлари марказида бўлиб қолмоқда [16; 17].

Костюченко Л.Н. (2002) трофологик етишмовчиликни хазм аъзолари касалликларини мумкин бўлган хатар омили сифатида ўрганган ва уни кўплаб касалликларни, жумладан, ўт пуфаги касалликларини хам, клиник кечишини оғирлаштириши ва беморни ҳаёт тарзи сифатини ёмонлантириши хамда касаллик оқибатини жиддийлаштириши ҳавфи юқорилиги кўрсатган [14].

Буклис Э.Р. (2004), Кассиль В.Г. (1990) Манцорес Х.С. (2000) ва Анисимова Е.В. ва б.қ. (2014) тадқиқотларида хам ушбу илмий хулосалар тасдиқланган ва бундан ташқари исботланганки, трофологик етишмовчиликни триггери омиллари бўлиб сурункали колорийли етишмовчилик ва энергетик номувофиқлик хисобланади. Номувофиқлик яна овқат қабул қилишни етарлича эмаслигига, малъабсорбция ва метаболик бузилишлар хам тўғридан тўғри таълуқли бўлади [2;4;11;18].

Хулоса. Хулоса қилиш мумкинки, зикр этилган ва келтирилган адабий шарҳларни барчаларида эпидемиологик ва профилактик хамда прогностик мохиятли тадқиқотларни давом эттириш, ривожлантириш ва уларнинг натижаларини амалий фаолиятга, холецистит мисолида, киритиб бориш долзарб масала ва зарурият бўлиб қолганлиги кўзга ташланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Анисимова Е.В., Козлова И.В., Волков С.В. Тактика ведения пациентов хроническим холециститом на фоне ожирения //Медицинская наука и образование Урала. – 2013; 1(73): 7-9.

2. Анисимова Е.В., Козлова И.В., Волков С.В. Хронический холецистит у пациентов с различным трофологическим статусом: механизмы возникновения и особенности течения //РЖГГК. 2014. - №3. – С. 36-40.

3. Ардатская М.Д. Функциональные расстройства билиарного тракта: проблемы диагностики и лечения // Фарматека. – 2012. №2. – С. 71-72.

4. Буклис Э.Р. Трофологическая недостаточность при болезнях органов пищеварения. Клинические перспективы гастроэнтерологии, гепатологии. 2004; 2: 10-3.

5. Гастроэнтерология и гепатология. Диагностика и лечение. Руководство для врачей //Под ред. А.В. Калинина, А.Ф.Логинова, А.И.Хазанова. – М.: МЕДпресс – информ. – 2011. – С.864.

6. Гастроэнтерология. Национальное руководство: краткое издание //Под ред. В.Т.Ивашкина, Т.Л.Лапиной. – М: ГЭОТАР – Медиа. – 2014. – С. 480.

7. Гончарик И.И., Малая Т.В. Хронический бескаменный холецистит //Здравоохранение. – 2011. - №9. – С. 36-39.

8. Звячинцева Т.Д., Шаргород И.И. Клиника, диагностика и лечение хронического бескаменного холецистита // Новости медицины: и фармации // Гастроэнтерология. – 2013; 478: 32-5.

9. Ивашкин В.Т. Профилактика и лечения хронических забелеваний верхних отделов желудочно-кишечного тракта. М.: МЕД – прессинформ: 2002:5-20.

10. Ильченко А.А. Болезни желчного пузыря и желчных путей. Руководство для врачей. М.: МИА; 2011: 6-5.

11. Кассиль В.Г. Пищевое поведение в онтогенезе. М. Наука; 1990: 132-141.

12. Качковский М.А., Мамасолиев Н.С., Щукин Ю.В. Внутренние болезни. – Ташкент. – 2017. – С. 255.

13. Корочанская Е.В., Дурлештер В.М., Габриэль С.А. и др. Особенности оказания медицинской помощи пациентам с болезнями органов пищеварения в Краснодарском крае в условиях пандемии короновирусной инфекции COVID – 19. Рос. журн. гастроэнтерол гепатол колопроктол. – 2022. - №2. – С. 12-16.

14. Костюченко Л.Н. Нарушения трофологического статуса и методы их коррекции у больных с заболеваниями органов пищеварения. Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология. 2002; 6:28-30.

15. Кузнецов Н.А., Соколов А.А., Бронтвейн А.Т., Артемкин Э.Н. Диагностика и лечение ранних билиарных осложнений после холецистэктомии //Хирургия. – 2011; 3:3-4.

16. Максимов В.А. Функциональные расстройства и острые неинфекционные заболевания органов пищеварения. М., 2009.

17. Максимов В.А., Чернышев А.Л., Тарасов К.М. Дуоденальное исследование. М.: 1998.

18. Манцорос Х.С. Современные представления о роли лептина в развитии ожирения и связанных с

ним заболеваний человека. Международный журнал медицинской практики. 2000; 9: 57-64.

19. Охотников О.И., Яковлева М.В., Григорьев С.Н. Рентгенохирургия «малых» повреждений желчных протоков при холецистэктомии //Анналы хирургической гепатологии. – 2017. – Том 22. №1. - С. 64-69.

20. Туляганов Д.Б., Атаджанов Ш.К., Хакимов О.С., Шукуров Б.И. Хирургия острого калькулезного холецистита у больных пожилого и старческого возраста //Вестник экстренной медицины. – 2023. – Том 16. - № 1 – С. 63-70.

21. Хацко В.В., Митрошин А.Н., Потанов В.В., Зенин О.К. и др. Способ лечения гипотонической формы дискинезии желчевыводящих путей у больных хроническим бескаменным холециститом //Клин. мед. – 2018; 96(3). – С. 248-250.

22. Яковенко Э.П., Григорьев П.Я. Хронические заболевания вмепеченочных желчевыводящих путей. Диагностика и лечение. Методическое пособие для врачей. М.: Медпрактика; 2001: 30.

23. Arthur J.D.R., Edwards P.R., Chagla L.S. Management of galistone disease in the elderly //Annals of the Royal College Surgeons of England. – 2003; 85(2):91-94.

24. Barbaand A.R., Kakaei F., Daryani A., Fakhrce M.B. Relaparoscopy in minor bile leakage after laparoscopic cholecystectomy: an alternative approach? //Surg. Laparosc. Endosc. Percutan. tech. 2011; 21(4): 288-290. Doi:10.1097/SLE. 06013e 31822a2373. PMID: 21857482.

25. Cocorullo G., Falco N., Tutino R., Fortana T. Et al. Open versus laparoscopic approach in the treatment of abdominal emergencies in elderly population //Giornale di Chirurgia. – 2016. – 37(3):108.

26. Costa G., Fransvea P., Podda M. et al. The use of emergency laparoscopy for acute abdomen in the elderly: the FRALLESEL Italian Multicenter Prospective Cohort Study. Updates in Surgery. – 2020; 72(2): S. 513-521.

27. Doumenc B., Boutros M., Degremont R. Et al. Biliary leakage from gallbladder bed after cholecystectomy: Luschka duct or hepaticocholecytic duct? //Morphologies. – 2016; 100(328): 36-38. Doi: 10.1016/j.morpho.2015. 08.003. PMID: 26404734.

28. Drossman D.A. The Functional Gastrointestinal Disorders and the Rome III Process. Gastroenterology. 2006; 130(5):1377-88.

29. Durkalski V., Stewart W., Mac Dougall P., Mauldin P., Romagnudo J., Brauman – Minzter O. Et al. Measuring episodic abdominal pain and disability in suspected sphincter of Oddi dysfunction. World J. Gastroenterol. 2010; 16(35):4416-19.

30. Erlinger S. Gallstones in obesity and weight loss // Eur J Gastroenterol Hepatol. – 2000; 12(12):1347-50.

31. Gerontology competencies: Construction, consensus and contribution. Fassbinder J. Gerontol Geriatr Educ. 2019 Oct – Dec; 40(4): 407. doi:10.1080/02701960.20 19.1671735.

32. Gurusamy K.S., Rossi M., Davidson B.R. Percutaneous cholecystostomy for high – risk surgical patients with acute calculous cholecystitis. Cochrane Database of Sustematic Reviews. – 2013; 8: CD 007088.

33. Knab L.M., Baller A.M., Mahvi P.M., Cholecystitis. Surg. Clin North Am. 2014; 94(2):455-68.

34. Lamberg P., Lambegr T., Trochet C. et al. In advanced practice nurse in gerontology, a trial to be transformed // Soins Gerontol. – 2020; 25(143):27. doi: 10.1016/j.Sger. 2020.03.011.

35. Lee S.I., Na B.G., Voo V.S., Mun S.P. et al. Clinical outcome for laparoscopic cholecystectomy in extremely elderly patients //Annals of surgical treatment and research. – 2015; 88(3): 145-149.

36. Leuschner U. Praxisratgeber gallenwegserk-rankungen. Bremen; 1999. 130.

37. Lo Nigro C., Geraci G., Schuto A., Li Volsi F. Et al. Bile leaks after videolaparoscopy cholecystectomy: duct of Luchka. Endoscopic treatment in a single centre and brief literature review on current management //Ann. Ital. Chir. 2012; 83(4): 303-312. PMID: 23012272.

38. Loozen C.S., van Ramsherst B., van Santvoort H.C. et al. Early cholecystectomy for acute cholecystitis in the elderly population: a systematic review and metaanalysis // Digestive surgery. – 2017; 34(5): 371-375.

39. Mamatov S.M., Arstanbekova M.A., Imanalieva F.E. et al. Gerontol. – 2020; 33(2): 391-394.

40. Mora – Guzman I., Di Martino M., Bonito A.C. et al. Conservative management of gallstone disease in the elderly population: outcomes and recurrence //Scandinavian Journal of Surgery. – 2020; 109(3): 205-208.

41. Nikfarjam M., Veo D., Perini M., Fink M.A. et al. Outcomes of cholecystostomy for treatment of acute cholecystitis in octogenarians //ANZ journal of Surgery. – 2014; 84(12): 943-945.

42. Population – based cohort study of variation in the use of emergency chlecstectomy for benign galibiadder diseases //Jurnal of British surgery. – 2016; 103(12): 1716-1724.

43. Sandblom G., Videhult P., Crona Guterstam V. Et al. Mortality atter a cholecystectomy: population – based study //HPB. – 2015; 17(3): 240-241.

44. Shai Kh I.A., Thomas H., Joda K., Amin A.I. et al. Postcholecystectomy cystic duct stump leak: a preventable morbidity //J. Dig. Dis. –2009; 10(3): 207-2010.

45. Shawhan R.R., Porta C.R., Bingham J.R., McVay D.P. Et al. Biliary ieak rates after cholecystectomy and intraoperative cholangiogram in surgical residency // Mil. Med. – 2015; 180(5): 565-566. Doi: 10.7205/Mil. MED-D-14-00426. Tajiri K., Shimizu V. Liver Physiology and liver diseases in the elderly //Worid J. Gastroenterol. – 2013. – Vol. 19. – №46 – P. 8460-8464. Doi: 10.3748/Wig. V19.i46.8459.

46. Vitton V., Ezzedine S., Gonzales J.M., Gasmi M., Grimaud J.C., Barther M. Medical treatment for sphincter of oddi dysfunction: conitreplace endoscopic sphineterotomy? World J. Gastroenterol. 2012; 18(14):1610-3.

47. Watt D.C., Wilson M. S.J., Shapter O.C., Patil P. 30-Day and 1-year mortality in emergency general surgery laparatomies: an area of concern and need for improvement? //European journal of Trauma and Emergency Surgery. – 2015; 41 (4): 369-371.

УДК: 616.411-003.972

ИЗУЧЕНИЕ ЧАСТОТЫ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ХРОМОСОМНЫХ НАРУШЕНИЙ И ЕГО ВЗАИМОСВЯЗЬ С ДРАЙВЕРНЫМИ СОМАТИЧЕСКИМИ МУТАЦИЯМИ У БОЛЬНЫХ С ОСТРЫМ МИЕЛОИДНЫМ ЛЕЙКОЗОМ

Мусашайхова Ш.М. [1], Бобоев К.Т. [2], Тешабоев М.Г. [1], Мусашайхов У.Х. [1]
[1] - Андижанский государственный медицинский институт.
[2] - Республиканский специализированный научно - практический медицинский центр гематологии МЗ РУз.

ЎТКИР МИЕЛОИД ЛЕЙКОЗ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ХРОМОСОМА АНОМАЛИЯЛАРИНИНГ УЧИРАШ ЧАСТОТАСИНИ ВА УНИНГ ДРАЙВЕР СОМАТИК МУТАЦИЯЛАР БИЛАН АЛОҚАСИНИ ЎРГАНИШ

Мусашайхова Ш.М. [1], Бобоев К.Т. [2], Тешабоев М.Г. [1], Мусашайхов У.Х. [1]
[1] - Андижон Давлат Тиббиёт Институти.
[2] - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт маркази.

TO STUDY THE FREQUENCY DISTRIBUTION OF CHROMOSOMAL ABNORMALITIES AND ITS RELATIONSHIP WITH DRIVER SOMATIC MUTATIONS IN PATIENTS WITH ACUTE MYELOID LEUKEMIA

Musashaykhova Sh.M.[1], Boboev K.T.[2], Teshaboev M.G.[1], Musashaykhov U.X.[1]
[1]- Andijan State Medical Institute.
[2] - Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Hematology of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan.

Аннотация. *Материалом для молекулярно_ генетического исследования служила периферическая кровь 145 больных с ОМЛ находившихся в стационарным лечение в Республиканском специализированном научно - практическом медицинском центре гематологии МЗ РУз. Клинико-лабораторное исследования выполнялись в Республиканском специализированном научно - практическом медицинском центре гематологии МЗ РУз. Результаты оценки уровня и частоты распределения мутации BRAF показало, при наличии данной мутации риск развития хромосомных нарушений значимо в 7.1 раза выше по сравнению с пациентами без мутации данного гена (χ2=3.9; OR=7.1; p=0.05; 95%CI:1–50.81). Статистическую обработку результатов выполняли с помощью стандартного пакета прикладных программ OpenEpi V.9.2.*
Ключевые слова: *мутация, генетический маркер BRAF, геморрагия, тромбоцитопения, бластные клетки.*

Аннотация. *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказида стационар даволанаётган ЎМЛ билан касалланган 145 беморнинг периферик қони молекуляр генетик тадқиқотлар учун материал бўлиб хизмат қилди. Клиник ва лаборатор тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилди. BRAF мутациясининг тарқалиш даражаси ва частотасини баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, бу мутация мавжуд бўлганда, хромосома аномалияларини ривожланиш хавфи ушбу ген мутациясиз беморларга нисбатан 7,1 марта юқори (χ2=3.9; OR=7.1; p=0.05; 95%CI:1–50.81). Натижаларни статистик қайта ишлаш standart OpenEpi V.9.2. дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилди.*
Калит сўзлар: *мутация, генетик маркер BRAF, геморрагия, тромбоцитопения, бласт ҳужайралари.*

Annotation. *The peripheral blood of 145 patients with AML who were in inpatient treatment at the Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Hematology of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan served as the material for molecular genetic research. Clinical and laboratory studies were performed at the Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Hematology of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan. The results of the assessment of the level and frequency of distribution of the BRAF mutation showed that in the presence of this mutation, the risk of developing chromosomal abnormalities is significantly 7.1 times higher compared with patients without a mutation of this gene (χ2=3.9; OR=7.1; p=0.05; 95%CI:1-50.81). Statistical processing of the results was performed using the standard OpenEpi V.9.2 application software package.*
Key words: *mutation, genetic marker BRAF, hemorrhage, thrombocytopenia, blast cells.*

Актуальность проблемы. Острый миелобластный лейкоз (ОМЛ) — колониальное злокачественное заболевание, характеризующееся неэффективным гемопоэзом. Большинство больных ОМЛ имеют различные цитогенетические и молекулярно-генетические повреждения, которые сочетаются с определенными биологическими и клиническими особенностями заболевания [3,7,8]. Примерно у 50–60 % больных de novo и у 80–95% больных вторичными ОМЛ обнаруживаются хромосомные изменения. Следует отметить, что структурные цитогенетические аберрации являются наиболее частыми маркерами и встречаются примерно в 40 % случаев ОМЛ de novo. Достаточно большая группа больных с нормальным кариотипом (НК-ОМЛ), формально относящаяся к категории промежуточного риска, является крайне гетерогенной в отношении прогноза течения заболевания. В действующие прогностические классификации

ОМЛ включены сегодня только некоторые мутации, характеризующиеся известным прогностическим значением, в частности t (8;21), NPM1 и BRAF [6,9,10].

Классический анализ кариотипа позволяет выявить изменения хромосом примерно у половины больных ОМЛ. Многие хромосомные аберрации являются независимыми прогностическими факторами и включены в современную классификацию ОМЛ, опубликованную Всемирной организацией здравоохранения (ВОЗ) [5].

Больные с нормальным кариотипом (НК), согласно международной классификации, относятся к промежуточной группе риска. Однако хорошо известно, что клиническая картина и прогноз заболевания в этой группе больных бывают очень разными. Идентификация мутаций у больных с НК позволяет не только выделить категории больных с определенным прогнозом, но и понять молекулярный патогенез заболевания. Более 85 % больных НК-ОМЛ имеют мутации генома [1,4]. Некоторые из этих мутаций не только дополняют прогностическую информацию, но и являются потенциальной основой для развития новых возможностей таргетной терапии. Хотя уже сегодня некоторые мутации включены в действующую классификацию ВОЗ и рекомендации европейских экспертов, необходимо более детальное изучение молекулярной архитектоники лейкоза [2, 11].

Маълум вақт давомида риоя қилишнинг аниқ қисмлари ва уларнинг предикторлари аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, даволаш режасига риоя қилмайдиган беморлар учун йўналтирилган муолажалар ўтказишда фойдали бўлиши мумкин [4].

Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликлар липопротеин билан ижобий боғлиқ. Липопротеин протромбик таъсирга эгалиги сабабли, иккиёқлама антитромбоцитар терапия липопротеин даражаси юқори бўлган беморларда тери орқали жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан кейинги даврда юракдаги ишемик етишмовчиликларни камайтиришга ёрдам беради. Ушбу тадқиқот узоқ давом этувчи иккиёқлама антитромбоцитар терапия (> 1 йил)нинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш учун ўтказилди. Юрак ишемик касаллиги билан оғриган 3025 нафар липопротеин даражаси юқори бўлган беморларнинг ҳолати баҳоланди. Ушбу беморларда иккиёқлама антитромбоцитар терапиядан кейинги 1 йил давомида юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликлар кузатилмаган. Улардан 913 нафар беморлар иккиёқлама антитромбоцитар терапияни ≤ 1 йил ва 2 112 нафар беморлар иккиёқлама антитромбоцитар терапияни >1 йил давомида қабул қилишган. Бирламчи сўнгги нуқта юрак қон-томир тизимидаги ва цереброваскуляр етишмовчиликлар миокард инфаркти ёки инсультдан кейинги ўлим ҳолатлари сабабларининг йиғиндиси сифатида қайд этилди.

Иккиёқлама антитромбоцитар терапияни > 1 йил давомида қабул қилган беморлар 2,4 йил кузатилгандан кейин уларда иккиёқлама антитромбоцитар терапияни ≤ 1 йил давомида қабул қилган беморларга нисбатан ўлим ҳолатлари паст даражада эканлиги аниқланди (0,2 қарши 2,3 фоиз; HR 0,078, 95 фоиз CI 0,027–0,227). Бундан ташқари, иккиёқлама антитромбоцитар терапияни > 1 йил давомида қабул қилган беморларда юрак хуружи оқибатидаги ўлим ҳолатлари камроқ эканлиги ва иккиёқлама антитромбоцитар терапияни ≤ 1 йил давомида қабул қилган беморларга нисбатан стент тромбози камроқ учраши аниқланди (P < 0,05). Клиник жиҳатдан муҳим бўлган қон кетишлар борасида икки гуруҳ ўртасида ҳеч қандай тафовутлар аниқланмади. Худди шундай натижалар Кокс кўп ўлчамли таҳлилида кузатилган.

Липопротеин концентрацияси юқори бўлган беморларда тери орқали жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан кейинги даврда юракдаги ишемик етишмовчиликлар камайгани маълум бўлди. Липопротеин даражаси тери орқали жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан кейинги даврда иккиёқлама антитромбоцитар терапияни аниқлаш учун муҳим омил бўлиши мумкин [5].

Тадқиқотларда дилтиазем дори воситасининг юрак қон-томир тизимига таъсири ва юрагида турғун ишемик касаллиги ва юқори қон босими бўлган беморларнинг жисмоний юкламаларни кўтара олишини ўрганишдан иборатдир. 2016 йилдан 2018 йилга қадар ушбу тадқиқотга 80 нафар юрагида турғун ишемик касаллиги ва юқори қон босими бўлган беморлар киритилган. Бундай беморлар тасодифий равишда икки гуруҳга ажратилган. Дилтиазем гуруҳи (Дил, 90 мг, ичиш учун) ва назорат гуруҳи. Жигар ва буйрак фаолияти, юрак ритмининг,

артериал босим ўзгарувчанлиги ва велосипеддаги жисмоний юклама бошланғич давр ва 6 ойдан сўнг текширилди. Шунингдек, юрак қон-томир тизимидаги ўзгаришларга баҳо берилди (стенокардия ва миокард инфаркти натижасида қайтадан касалхонага ётиш ва ўлим ҳолати). Бошланғич даврда бу икки гуруҳ ўртасидаги фарқ катта бўлмади ($P > 0,05$). 6 ойлик даволанишдан сўнг иккала гуруҳдаги беморларда ҳам юрак ритмининг, артериал босим ўзгарувчанлиги ва велосипеддаги жисмоний юкламага чидамлилик даволанишга қадар бўлган кўрсаткичлардан яхшироқ эканлиги маълум бўлди ($P < 0,05$). Аммо дилтиазем гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан юрак уриши частотаси ва диастолик артериал босим пасайганлиги ҳамда депрессив сегмент ST ($P < 0,001$) яхшилангани намоён бўлди, шунингдек, жисмоний юкламага чидамлилик ҳам назорат гуруҳига нисбатан яхшиланган маълум бўлди. Дилтиазем юрагида турғун ишемик касаллиги ва юқори қон босими бўлган беморларда жисмоний юкламага чидамлиликни ошириши маълум бўлди [6].

Аспирин энг кенг қўлланувчи дори воситаларидан бири ҳисобланади. Бир неча касалликларни даволашда ишлатилишига қарамай, атеросклероз билан оғриган беморларда такрорий ишемик етишмовчиликни олдини олиш учун янада кенгроқ қўлланади. Унинг таъсир механизми тромбоксан А2 ишлаб чиқарилишини чегаралаш орқали тромбоцитлар фаоллигини пасайтиришдан иборат бўлиб, бошқа антитромбоцитар воситаларга қарам эмас. Қобиқсиз оддий аспирин тезкор сўрилишнитаъминлашучунўткирҳолатлардаишлатилган ҳолда, қобиқли аспирин сурункали ҳолатларда қўлланади ва, асосан, Шимолий Америкада юрак қон-томир етишмовчилигининг иккиламчи профилактикасида ишлатилади. Аспирин дори препаратларига бўлган эҳтиёж оддий аспиринни қабул қилганда ошқозон-ичак тизимидаги нохуш ҳолатларни ўз ичига олади, энтерал қобиқли дори дори препаратлари бундай нохуш ҳолатларни бартараф этолмайди, шунингдек, беқарор сўрилиши биотаъсирчанликни пасайтиради. Ушбу кузатувлар энг мақбул хавфсизлик ва самарадорликка эга бўлган аспирин дори препаратларини ишлаб чиқиш зарурлигини намойиш қилди. Фосфолипид аспирин комплекси (PL-ASA) янги дори препаратлари бўлиб, шундай эҳтиёжни қондириш учун ишлаб чиқилган [7].

Аммо кўпчилик беморлар дори воситаларини сотиб олишда муаммоларга дуч келадилар, шу сабабли дори воситалари ҳақида қўшимча маълумотлар берилиши кенг кўламда амалга оширилиши, бунинг учун фармацевтлар жалб қилиниши зарурлиги таъкидланди [8].

Фармацевтика бозори – маркетингнинг ижтимоий-иқтисодий асоси сифатида тадқиқотлар объектидир.

Тадбиркорлик маъносида маркетинг тушунчаси остида ташкилотнинг кутилган натижаларини (ижтимоий, молиявий-иқтисодий – ташкилотнинг бозор нархи, сотув ҳажми, бозор улуши, даромад) олишга йўналтирилган ишлаб чиқариш, сотиш фаолияти тушунилади [9].

Соғлиқни сақлаш тизимида шифокор ва бемор орасидаги муносабат доимий эволюцион ривожланишдадир. Ўзбекистондаги замонавий ижтимоий-иқтисодий қайта қурилишлар шароитида анъанавий муносабатлар либерал характерга эга бўлиб бормоқда, ва бозор структурасига хос иқтисодий жараёнлар билан бойиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида янги мутахассис – менеджер шаклланишига бўлган эҳтиёж юзага келди. Менеджер тиббиёт соҳасидаги иқтисодиёт, тадбиркорлик, молиялаштириш, рақобатбардош технологиялар яратиш борасидаги билимларга эга бўлиши керак. Замон талабига кўра, шаклланган менеджер фаолиятида маркетинг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Маркетингнинг асосий тушунчаларига “истеъмолчи”, “ишлаб чиқарувчи”, “маҳсулот”, “бозор”, “эҳтиёж”, “талаб”, “алмашинув” киради ва маҳсулотни бозорга ўтказиш – маркетингнинг энг муҳим масаласидир.

Соғлиқни сақлаш тизимида маркетинг ривожланишида қуйидагилар асосий роль ўйнади [10]. Бозор ҳажми деганда нарх ва натурал қийматларга боғлиқ бозор ҳажми тушунилади. Бозор ҳажми кўпгина омилларга боғлиқ ва маълум бир вақт оралиғи учун ҳисоблаб чиқилади [11].

Истеъмолчи психологиясининг ўзгариши соғлиқни сақлаш тизимидаги реформаларга ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, Европа ва Америкада давлат реформалари соғлиқни сақлаш тизимида давлат қатнашишини қисқартиришга қаратилган. Бунда саломатликдаги ҳам морал, ҳам материал жавобгарлик улуши инсоннинг ўзига юклатилади. Соғлиқни сақлаш тизими ўз олдиги жамоавий ва шахсий эҳтиёжларни қондириш каби йўналишни олган экан, унинг муваффақиятли фаолияти учун жамоат ва инсонлар эҳтиёжлари, улардаги юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар, прогноз қилиниши зарурдир.

Замонавий шароитларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни қайта ташкиллаштириш ва трансформациялашда дори воситалари билан таъминлаш алоҳида эътибор талаб қилади.

Тамойиллар муҳим рол тутади: тиббий муассасалар; бозор сегментацияси; ишлаб чиқариш ва сотиш; инновация; стратегик режалаштириш; маркетингни режалаштириш.

Тиббий хизматлар ва маҳсулотлар бозоридаги маркетингнинг асосий мақсади бўлиб демографик, ижтимоий, иқтисодий, валеологик параметрлар ҳисобга олинган ҳолда тиббий бозорни ҳар томонлама ўрганиш, фуқароларнинг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ҳисобланади.

Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналиши бўлиб маркетинг муҳитини таҳлил қилиш ҳисобланади. Маркетинг муҳитини текшириш деганда макромуҳит (микромуҳитга таъсир кўрсатадиган бош ташқи омиллар) ва микромуҳит (тадқиқот объекти билан боғлиқ омиллар) каби структура тузилишларини таҳлил қилиш тушунилади. Макромуҳит ва микромуҳитларни баҳолашга қаратилган услубларнинг бири бу SWOT-таҳлилдир

SWOT-таҳлил – бу стратегик режалаштириш услуби ҳисобланиб, ташкилотга таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларни баҳолаш учун ишлатилади. Бу моделга мувофиқ равишда барча омиллар тўртта категорияга ажратилган: Strengths (кучли жиҳатлар), Weaknesses (кучсиз жиҳатлар), Opportunities (имкониятлар) ва Threats (хавфлар). Шундай қилиб, SWOT-таҳлил, биринчидан фирманинг ички кучли ва кучсиз томонларини, иккинчидан, улар орасидаги боғлиқликни аниқлашга қаратилган.

Ташқи омиллар деганда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда давлат иқтисодиётидаги ўзгаришлар инобатга олиниши тушунилади. Тармоқ ичи омилларига эса соғлиқни сақлаш тизими, ҳар бир тиббий муассаса, ишчи, тиббий хизматлар истеъмолчиси ҳисобланган бемордаги жиддий ўзгаришлар тушунилади.

Маркетинг таҳлили тиббий муассаса томонидан маълум бир вақт оралиғи ва маълум бир нарх негизида кўрсата оладиган тиббий хизмат ҳажмини аниқлаш имконини беради. Рақобатларнинг кучли ва кучсиз томонларини ўрганиш пуллик тиббий хизмат бозоридаги маълум бир улушини эгаллаш учун муҳим шароит ҳисобланади [13].

Маркетинг муҳитни текшириш макромуҳит (микромуҳитга таъсир қилувчи асосий ташқи омиллар) ва микромуҳит (текширилаётган объект ва беморларга хизмат кўрсатиш имкониятлари билан зич боғлиқ бўлган омиллар)ни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Соғлиқни сақлаш тизимида маркетинг концепцияси шундан иборатки, бунда тиббий хизмат ишлаб чиқарувчиларнинг мақсади бўлиб бозор эҳтиёжи ва талабларини аниқлаш ва беморлар (потенциал истеъмолчилар) эҳтиёжларини анчагина самарали усуллар ёрдамида қондириш ҳисобланади. Айнан ижтимоий-этик маркетинг концепцияси ҳам жамият, ҳам алоҳида индивидуумнинг саломатлиги сифатини ошириш учун хизмат қилади [14].

Мақсадга йўналтирилган маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун истеъмолчиларни таҳлил қилиш, талабларни шакллантириш ва сотиш жараёнини стимуллаштириш каби хусусиятларни инобатга олиниши лозим. Барча дори воситалари учун уларнинг функционал рақобатбардошлиги катта аҳамиятга эга. Дори воситаларининг функционал хоссаларига терапевтик фаоллиги, ножўя таъсирларни келтириб чиқариши, қарши кўрсатмалар, дозаси, ўрами ва бошқа параметрлар киради [15].

Замонавий маркетингнинг асосий функциялари сифатида қуйидагилар белгиланган: аналитик (ташкилотнинг ички ва ташқи маркетинг муҳитини, истеъмолчиларни текшириш, бозорни, шунингдек, товар ва хизматларни таҳлил қилиш); ишлаб чиқариш (ташкилотнинг сифати ва рақобатбардошлилигини бошқариш, шунигдек янги товар ва маҳсулотлар, хизматларни ишлаб чиқиш); сотиш (товарни ўтказиш тизимини ташкиллаштириш, талабни шакллантириш ва сотишни стимуллаштириш); бошқариш ва назорат (стратегик ва оператив режалаштиришни ташкиллаштириш, маълумотлар базасини яратиш, коммуникация тизимини ташкиллаштириш, маркетинг назоратини таъминлаш, вазиятни таҳлили, қайтар боғланишлар).

Функциялар мажмуи маркетинг жараёнини белгилайди ва ташкилотнинг муваффақиятли ишлашини таъминлайди [16].

Маркетинг таҳлилида аниқ мақсадли бозорларни шарҳлаш муҳим роль ўйнайди. Бозор сегментациясини амалга ошириш деганда беморлар гуруҳлари, тиббий хизматлар, рақобатчилар, шахсий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда пуллик хизматлар бозорини кўриб чиқиш тушунилади.

Фармацевтика соҳасида кучли рақобат мавжудлиги ҳисобга олинса, оригинал дори препаратлари аналогларини ўтказишда асосий йўналиш дори препаратларининг уникал хоссаларига эмас, балки уларнинг паст нархига қаратилади [17].

Даврий тадқиқотлар фармацевтика фирма фаолиятининг вақти-вақти билан текширилиб турилиши лозим бўлган параметрларига тааллуқли. Улар бир ойда бир мартадан, то бир неча йилда бир мартагача ўтказилиши мумкин ва компаниянинг ривожланиши динамикаси ва ташқи муҳит ўзгаришларига боғлиқ. Узоқ вақт олиб борилган тадқиқотлар негизида, одатда, фирма учун доимий қизиқиш уйғотадиган кўрсаткичлар таҳлил қилинади [18].

Дори воситаларига бўлган талабга таъсир қилувчи омиллар қаторига қуйидагилар киради. Биринчи навбатда – нарх, у барча тиббий хизмат миқдорининг ҳал қилувчи детерминанти ҳисобланади. Лекин сотиб олинишига таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд.

Бозор муносабатлари механизмида таклиф ҳам маълум бир аҳамиятга эга. Таклиф – бу ишлаб чиқарувчининг (соғлиқни сақлаш тизимида – тиббий хизматкорлар) ўз хизматларини сотишга бўлган хоҳиши. Таклиф миқдор жиҳатдан таклифнинг қиймати ва ҳажмига боғлиқ. Таклиф қиймати ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этила оладиган тиббий товарлар ва хизматлар миқдори билан тавсифланади.

Ўзбекистонда қон босими ошишида беморларда дори воситаларининг фармакоиқтисодий тадқиқотлари гипертоник дори воситалари, ревматизм касаллиги дори воситалари ассортиментининг таҳлили ва унда қўлланадиган дори воситалари ва дори воситаларининг фармакоиқтисодий изланишлар, маркетинг тадқиқотларининг назарий ҳамда услубий муаммолари, юрак ишемик касаллигида қўлланиладиган дори воситалари нархлари, ревматоид артрит, беморларнинг дори воситалари билан таъминланишида фармацевтика маркетингининг тадқиқотлари, юрак-қон томир касаллигида қўлланадиган дори воситалари, истеъмоли бўйича дори воситаларининг назарий таҳлил қилинган[10-19].

Адабиётлар шарҳи бўйича соғлиқни сақлаш тизимида энг долзарб муаммолардан бири бўлган, юрак ишемик касаллигини даволаш жараёнини ва дори воситалари билан таъминлашни тўғри ташкилда юқоридаги таҳлиллар асосида тадқиқотлар ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса. Маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотларда юрак ишемик касаллигида қўлланиладиган дори воситалари истеъмолининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинди. Юрак ишемик касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг фармакологик гуруҳига тегишли ҳалқаро номлари бўйича даволаш жараёнида фойдаланиши келтирилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алимова Х.Р., Суюнов Н.Д. Юрак ишемик касаллигида қўлланиладиган дори воситалари нархларининг қиёсий таҳлили // Toshkent farmatsevtika institutining 85 yilligiga bag'ishlangan "Farmatsevtika sohasining bugungi holati: muammolar va istiqbollar" mavzusidagi III xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari. – ‹‹Ibn-Sino››. – Toshkent, 2022. – 82–83-b.

2. Алимова Х.Р. Юрак ишемик касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг маркетинг таҳлили // 70910702 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2023. 94-б.

3. Андреева Н.С., Реброва О.Ю., Зорин Н.А. и др. Системы оценки достоверности научных доказательств и убедительности рекомендаций: сравнительная характеристика и перспективы унификации. Медицинские технологии. Оценка и выбор. – 2012. – № 4. – С. 10–24.

4. Багиев Г.Л., Тарасевич В. М., Анн Х. Маркетинг: Учебник для вузов. 3-е изд. – СПб.: – Питер, 2007. – 736-с.

5. Белялов Ф.И. Карпов. Депрессия, тревога и стресс у пациентов с ишемической болезнью сердца // Терапевтический архив. – 2017, – № 8. – С. 104–107.

6. Кухарчук, В. В., Ежов, М. В., Сергиенко, И. В., Арабидзе, Г. Г., Бубнова, М. Г., Балахонова, Т. В., & Якушин, С. С. (2020). Диагностика и коррекция нарушений липидного обмена с целью профилактики и лечения атеросклероза. Российские рекомендации, VII пересмотр //Атеросклероз и дислипидемии. – 2020. – №. 1. – С. 7-40.

7. Маркетинг: общий курс: учеб. пособие // Под ред. Н. Я. Калюжновой, А. Я. Якобсона. – 2-е изд., испр. – Москва, Омега-Л, 2010. – 476 с.

8. Полотов А.Т., Суюнов Н.Д. Маркетинговый анализ рынка лекарственных препаратов, применяемых при гипертонической болезни в Кыргызской Республике // Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан Ташкентский фармацевтический институт Общественный фонд Ибн Сино Сборник материалов VI международной научно-практической конференции на тему Абу Али Ибн Сино и инновации в современной фармацевтике Ташкент – 2023. – С. 385.

9. Сусеков А.В. и др. Диагностика и коррекция нарушений липидного обмена с целью профилактики и лечения атеросклероза. Российские рекомендации, VI пересмотр. – Москва, 2017. 44 с.

10. Суюнов Н. Д. Беморларнинг дори воситалари билан таъминланишида фармацевтика маркетингининг назарий асослари ва тадқиқотлар таҳлили // Монография. «Эффект-Д», Тошкент, 2021. – 370-б.

11. Суюнов Н. Д. Фармацевтик маркетинг фанидан Ўқув-услубий мажмуа // 5А510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш магистратура мутахассислиги учун Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2018. 405-б.

12. Суюнов Н. Д. Фармацевтика бозоридаги маркетинг тадқиқотларининг назарий ҳамда услубий муаммолари // Farmatsevtika jurnali. – Тошкент, 2006. – № 4. 3–9-б.

13. Суюнов Н. Д., Икрамова Г. М., Исломова Ш. С. Ревматизм касалликларида қўлланиладиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий изланишлар бўйича назарий таҳлили // Тиббиёт ва спорт. Medicine and sport. – Тошкент, 2023. – № 2. 43–48-б.

14. Суюнов Н. Д., Машарипова Р. Р., Хасанов Ф. О. Ревматизм касалликлари ва унда қўлланиладиган дори воситаларининг назарий таҳлили // Тиббиёт ва спорт. Medicine and sport. – Тошкент, 2023. – № 2. 62–68-б.

15. Суюнов Н. Д., Мирталипова Т.Д. Исследование активации цитокинов при ревматоидном артрите и возможности коррекции выявленных нарушений с помощью препарата «Хондроксида» // Профессор Маннон Азизович Азизов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Талабалар илмий жамиятининг анъанавий 70-илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2013. – С. 41–42.

16. Суюнов Н. Д., Талипова Д. А., Ражабова Д. Х., Урунова И. И. Ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситаларининг фармакоиқтисодий таҳлили // O`zbekiston farmasevtik xabarnomasi. – Тошкент, 2019. – № 2. 37–45-б.

17. Суюнов Н.Д., Рузиев К. Р. Қон босими ошиши билан оғриган беморларда дори воситаларининг фармакоиқтисодий тадқиқотлари // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2020. – № 4. 10–15-б.

18. Суюнов Н.Д., Талипова Д.А., Абдухаликова Н.У. Ревматизм касаллигида қўлланадиган дори воситалари ассортиментининг таҳлили // Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институти. Ибн Сино Жамоат фонди Абу Али ибн Синонинг фармация ривожига қўшган ҳиссаси ва замонавий фармацевтиканинг долзарб муаммолари илмий-амалий конференция мақолалари тўплами – Тошкент, 2018. – Б. 71–73.

19. Суюнов Н.Д., Талипова Д.А., Абдухаликова Н.У. Юрак-қон томир касаллигида қўлланадиган дори воситалари истеъмолининг таҳлили // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2018. – № 1. – Б. 9–13.

20. Brent L. Rollins, Matthew Perri Pharmaceutical marketing. Jones Bart & Bartlett Publishers. – 2013. – 284 p.

21. Colchicine for Secondary Prevention of Coronary Artery Disease: A Meta-Analysis of Randomised Controlled Trials. doi: 10.1016/j.hlc.2021.09.017. Online ahead of print. doi: 10.1097/MD.0000000000028041.

22. Dominick J. Angiolillo, Jayne Prats, Efthymios N. Deliargyris, David J Schneider, James Scheiman, Carey Kimmelstiel, Ph Gabriel Steg, Mark Alberts, Todd Rosengart, Roxana Mehran, Deepak L. Bhatt // Pharmacokinetic and Pharmacodynamic Profile of a Novel Phospholipid Aspirin Formulation. doi: 10.1007/s40262-021-01090-2. Online ahead of print.

23. Kongyong Cui, Hao-Yu Wang, Dong Yin, Chenggang Zhu, Weihua Song, Hongjian Wang, Lei Jia, Dong Zhang, Chenxi Song, Lei Feng, Kefei Dou. Benefit and Risk of Prolonged Dual Antiplatelet Therapy After Percutaneous Coronary Intervention With Drug-Eluting Stents in Patients With Elevated Lipoprotein (a) Concentrations. eCollection 2021. doi: 10.3389/fcvm.2021.807925.

24. Librero J., Sanfélix-Gimeno G., Peiró S. Medication Adherence Patterns after Hospitalization for Coronary Heart Disease. // A Population-Based Study Using Electronic Records and Group-Based Trajectory Models. PLoS One. – 2016, Aug 23. – № 11 (8). – P. 0161381. doi: 10.1371/journal.pone.0161381. Collection 2016.

25. Peng X., D-F Peng, Tang S-Y. Effect of diltiazem on exercise tolerance in patients with stable coronary artery disease and hypertension // Journal of Physiology & Pharmacology. – 2021. – Т. 72. – №. 4.

26. Zhao, S., Zhao, H., Wang, L., Du, S., & Qin, Y. (2015). Education is critical for medication adherence in patients with coronary heart disease // Acta cardiologica. – 2015. – Т. 70. – №. 2. – С. 197–204.

27. www. Markiting

28. www. Markiting.comru.

УДК: 615.22: 616.12.

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ВА УНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Суюнов Н.Д., Алимова Х. Р., Элмурадов Д.Т.
Тошкент фармацевтика институти, Ўзбекистон.

ИШЕМИЧЕСКАЯ БОЛЕЗНЬ СЕРДЦА, ЛЕЧЕНИЕ И ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ ПРИ НЕМ ЛЕКАРСТВЕННЫЕ СРЕДСТВА

Суюнов Н.Д., Алимова Х. Р., Элмурадов Д.Т.
Ташкентский фармацевтический институт, Узбекистан.

CORONARY HEART DISEASE, TREATMENT AND MEDICATIONS USED FOR IT

Suyunov N.D., Alimova Kh. R., Elmuradov D.T..
Tashkent Pharmaceutical Institute, Uzbekistan.

Аннотация. *Жаҳонда юрак-қон томир касалликларининг эпидемиологиясига кўра, ушбу касалликлар дунёдаги зўравонликсиз ўлимнинг асосий сабабидир. Улар орасида юрак ишемик касаллиги етакчи ўринни эгаллаб, 2020 йилда бутун дунё бўйлаб 126 миллион кишига таъсир қилди, бу барча ўлимнинг 16 фоизни ташкил қилади. Юрак ишемик касаллиги умумий ўлимнинг асосий сабаби бўлиб, касалликнинг тарқалиши инсонлар ёшига боғлиқ ҳолда ортиб боради. Кўпинча юрак ишемик касаллиги ўрта ва кекса ёшдаги эркакларда ва аёлларда постменопауза даврида вужудга келади. Стабил стенокардия юрак ишемик касаллигининг бошланғич ҳолда намоён бўлиш шакли ҳисобланиб, тахминан ярмидан кўпроқ қисмини ташкил қилади. Адабиётлар таҳлилида юрак ишемик касаллиги бўйича ўткир коронар синдромида стент ўрнатиш жараёнлари бўйича натижалар, касалликда инсульт хавфи ошиши, миокард инфаркти, монотерапия гуруҳи ва аралаш мураккаб даволаш, мета-таҳлил ва даволаш натижалари ёритилган. Таҳлилларда юрак ишемик касаллиги, ўткир ишемик касаллик, коронар жарроҳлик ўтказишда беморлар учун клиник амалиёт дастурлари берилган. Юрак ишемик касаллиги билан бирга келган касалликлар бўйича даволаш натижалари таҳлил қилинди.*

Калит сўзлар: дори воситалари, юрак ишемик касаллиги, даволаш, қўлланиладиган, таҳлил.

Аннотация. Согласно данным статистики, сердечно сосудистые заболевания являются основной причиной ненасильственной смерти населения в разных странах. Среди сердечно сосудистых заболеваний ведущее место занимает ишемическая болезнь сердца, от которой в 2020 г. в мире умерли 126 (16 %) миллионов человек. Ишемическая болезнь сердца – основная причина общей смертности, причем ее распространенность увеличивается с возрастом. Чаще всего ишемическая болезнь сердца возникает в постменопаузе у мужчин и женщин среднего и пожилого возраста. Стабильная стенокардия, которая является одной из форм проявления ишемической болезни сердца, встречается примерно более чем в половине случаев. Проанализированы результаты установки стентов при остром коронарном синдроме у пациентов с ишемической болезнью сердца, определен повышенный риск инсульта при этом заболевании, инфаркта миокарда, описаны способы групповой монотерапии и смешанного комплексного лечения, выполнен мета-анализ результатов лечения. Приведены программы клинической практики для пациентов с ишемической болезнью сердца, острой ишемической болезнью сердца, при проведении коронарных операций. Проанализированы результаты лечения заболеваний, сопровождающих ишемическую болезнь сердца.

Ключевые слова: лекарственное средство, ишемическая болезнь сердца, лечение, анализ.

Annotation. According to statistics, cardiovascular diseases are the main cause of nonviolent death of the population in different countries. Among cardiovascular diseases, the leading place is occupied by coronary heart disease, from which 126 (16%) million people died in the world in 2020. Coronary heart disease is the main cause of overall mortality, and its prevalence increases with age. Most often, coronary heart disease occurs in postmenopausal men and women of middle and elderly age. Stable angina pectoris, which is one of the forms of manifestation of coronary heart disease, occurs in about more than half of cases. The results of stent placement in acute coronary syndrome in patients with coronary artery disease were analyzed, an increased risk of stroke in this disease and myocardial infarction was determined, methods of group mono therapy and mixed complex treatment were described, and a meta-analysis of treatment results was performed. Clinical practice programs for patients with coronary heart disease, acute coronary heart disease, during coronary operations are presented. The results of treatment of diseases accompanying coronary heart disease are analyzed.

Keywords: medicines, coronary heart disease, treatment, analysis.

Юрак ишемик касаллиги ва унда қўлланиладиган дори воситалари бўйича илмий изланишлар таҳлили. Юрак ишемик касаллиги бўйича халқаро илмий изланишларда тадқиқотчилар томонидан қуйидаги натижалар олинган:

Ретроспектив тадқиқотда “Ўткир коронар синдром” ташҳиси бўлган беморлар киритилган бўлиб, тери орқали жарроҳлик амалиёти муваффақиятли равишда ўтказилган ва такрорий коронар ангиография Мэйчжоу Халқ касалхонасининг юрак қон-томир касалликлари марказида 2016 йил 1 январдан 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда ўтказилган. Клиник ва ангиографик омиллар стент ичи рестенози (+) ва стент ичи рестенози (–) гуруҳлардаги беморларда қиёсланди. Ўзгарувчан графиклар ва юрак ишемик касаллиги ўртасидаги боғлиқлик кўп ўлчамли логистик регрессион модель ёрдамида баҳоланди [1].

Тадқиқотда 341 нафар “Ўткир коронар синдром”

ташҳиси бўлган беморлар киритилган бўлиб, уларда камида биттадан стент ўрнатилган. Кузатув даври 34,2 ± 17,2 ойни ташкил этди. Бу даврда 62 нафар (18,2 фоиз) беморда юрак ишемик касаллиги содир бўлди, юрак ишемик касаллигининг содир бўлиш вақти 32,8 ойни ташкил этди. Чап бўлма асосий коронар артерияси, чап бўлма олд қуйи коронар артерияси, чап бўлма айлана коронар артерияси ва ўнг бўлма коронар артерияси учун юрак ишемик касаллиги частотаси 6 фоиз, 20,9 фоиз, 19,4 фоиз и 14,4 фоизни ташкил этди. Стент ичи рестенози инсулинга резистентлик (+) ва стент ичи рестенози (–) гуруҳлардаги беморларда чап қоринча чиқармаси фракцияси, стентлар сони, стентлар тури, статинлар билан даволаш, антитромбоцитар терапия турлича бўлгани маълум бўлди. Кўп ўлчамли логистик таҳлил стент ичи рестенози билан оғриган беморларда чап қоринча чиқармаси фракцияси ва стентлар сони боғлиқлигини кўрсатди.

Стент ичи рестенози юрагига тери орқали жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилгандан кейин юрак ишемик касаллиги билан оғриган ва стент ўрнатилган беморларда муаммо бўлиб турибди, стент ичи рестенози стент ичи рестенози пайдо бўлиш хавфли омиллари турличадир. Ушбу тадқиқотнинг мақсади Жанубий Хитойдаги юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда стент ичи рестенози пайдо бўлиши частотасини ўрганишдир.

Тадқиқотларда Жанубий Хитойда стент ичи рестенози тарқалиши ва хавф омилларини намоён қилди. Ушбу маълумотлар чап қоринча бўлмачаси фракцияси ва стентлар сони юрак ишемик касаллиги билан боғлиқ бўлган мустақил хавф омиллари эканлиги маълум бўлди [2].

Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда инсульт хавфи ошиши мумкин. Мақсадимиз турғун юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда ишемик ва геморрагик инсультнинг ўзига хос хавф омилларини ўрганишдир. Турғун юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморлар Тайванда юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликларни ўрганиш учун истиқболли равишда рўйхатдан ўтказилган. Барча беморларда коронар жарроҳлик муолажаси ўтказилган ва улар тадқиқотга киритилгунга қадар 1 ойдан кам бўлмаган даврда турғун ҳолатда бўлган. Ишемик инсульт пайдо бўлиш частотаси телефон орқали ва касалхонадаги ёзувларда аниқланган ва тасдиқланган. 1 428 бемордан (ёши 63,07 ± 11,4 йил; 1207 нафар эркаклар) стандарт тиббий даволанишда бўлишган ва 4 йилдан кам бўлмаган даврда мунтазам кўрикдан ўтиб туришган. Кўп ўлчамли логистик регрессион таҳлиллар шуни кўрсатдики, қон зардобидаги миелопероксидазанинг бошланғич даражаси 1,89,95 фоиз. Беморларнинг ёши ва ангиотензин рецепторлари блокаторларини қўллаш бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мияга қон қуйилишига сабаб бўлиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишемик инсульт келтириб чиқариши мумкин. Беморларнинг ёши ва ангиотензин рецепторлари блокаторларини қўллаш мияга қон қуйилиши билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Миелопероксидазанинг бошланғич даражаси ва статинларни қўллаш бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишемик инсультнинг яқин келажакда пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Келажакдаги тадқиқотлар инсультнинг турлари пайдо бўлиш хавфи механизмларини ўрганиш учун зарурдир [3].

Миокард инфаркти ёки тери орқали жарроҳлик амалиёти ва юрак бўлмачалари фибрилляциясидан кейин 1 йил ўтгандан сўнг ҳам турғун юрак ишемик касаллиги бўлган беморларни узоқ вақт кузатиб бориш мавҳум эканлиги маълум бўлди. Ҳозирги кундаги кўрсатмалар оғиз орқали ўтказиладиган антикоагуляция ўтказишни тавсия қилади, аммо бу тавсиялар заиф, натижаларининг сифати пастдир. Яқинда иккита янги тасодифий назорат тадқиқотлари ўтказилди. Беморларни даволаш натижаларига таъсир қилувчи тадқиқотларни баҳолаш учун янгиланган мета-таҳлил ўтказилди [4].

Оғиз орқали ўтказиладиган антикоагуляция билан таққослаш учун оғиз орқали ўтказиладиган антикоагуляция билан биргаликда бир марталик антитромбоцитар терапия ўтказиш мақсадида тасодифий назорат тадқиқотлари ва обсервацион тадқиқотларда эълон қилинган тизимли кузатув ва мета-таҳлил ўтказишдир.

Электрон қидирув 3 та маълумотлар базасида келтирилган терминлар ёрдамида ўтказилди. Унга релевант тадқиқотлар ҳам киритилди. Илмий маълумотларни олиш ва уларни таҳлил қилиш бўйича таъминлаш дастури (Statistical software for data science – STATA) тизими орқали амалга оширилди [5].

Статистика жамламаси даволашнинг иккала йўналишидаги бирламчи ва иккиламчи натижалар учун тўпланган ва ҳисобланган.

Таҳлилда 8 та тадқиқот 10 120 нафар бемор билан ўтказилди. 5238 нафар беморда аралаш мураккаб даволаш, 4 883 нафар беморда эса фақатгина оғиз орқали ўтказиладиган антикоагуляция ўтказилди. Бирламчи натижа бўйича юрак етишмовчилигидаги асосий нохуш ҳолатларда статистикани муҳим фарқлари аниқланмади. Иккиламчи натижаларда ҳам муҳим ўзгаришлар сезилмади, яъни: барча сабаблар бўйича ўлим ҳолатлари ва юрак етишмовчилиги бўйича ўлим ҳолатлари. Аммо бу икки гуруҳ ўртасида статистиканинг муҳим фарқлари миокард инфаркти частотасида бўлди. Монотерапия гуруҳида миокард инфаркти частотаси юқори бўлди ва аралаш мураккаб даволаш ўтказилган гуруҳда қон кетиш частотаси юқори бўлгани маълум бўлди.

Монотерапия гуруҳи ва аралаш мураккаб даволаш ўтказилган гуруҳ таққосланганда юрак етишмовчилигидаги асосий нохуш ҳолатларнинг пасайиши аниқланмади. Монотерапия гуруҳида миокард инфарктининг частотаси юқори бўлди ва аралаш мураккаб даволаш ўтказилган гуруҳда қон кетиш частотаси юқори бўлгани маълум бўлди. Миокард инфаркти монотерапия гуруҳида аралаш мураккаб даволаш ўтказилган гуруҳга нисбатан кўпроқ учраган бўлсада, тасодифий назорат таҳлилларида қайд этилмади [6].

Колхицин иккиламчи юрак қон-томир касалликлари профилактикаси учун яллиғланишга қарши дори воситаси сифатида юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда кенг қўлланади. Ушбу мета-таҳлил колхицин дори воситасининг юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда қўллашнинг самараси ва хавфсизлигини баҳолаш учун ўтказилди.

Юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда колхицинга тасодифан боғланган ва плацебо билан солиштирилганда (ёки колхицин қўлланмаган ҳолда) асосий нохушлик чақирувчи юрак қон-томир тизимидаги

етишмовчиликларни таққословчи тасодифий назорат тадқиқотлари ўтказилди. Клиник натижалар учун тасодифий таъсир билан хавфлар нисбати ҳисобга олинди.

Мета-таҳлилда 7 та тасодифий назорат тадқиқотлари гуруҳидан 12 071 нафар бемор иштирок этди. Плацебо билан солиштирилганда ёки колхицин қўлланмаган ҳолда колхицин ўта паст частотали асосий нохушлик чақирувчи юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликларни (хавфлар нисбати 0,64, 95 фоиз, 0,51–0,80 $p < 0,01$) намоён қилди. Колхицин гуруҳида асосий нохушлик чақирувчи юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликларнинг камайиши статистика муҳим бўлган частоталарини пасайиши ва ишемик миокард, коронар реваскуляризация ва инсульт билан боғлиқдир. Аммо юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликлар натижасидаги ўлим ҳолатларида статистика муҳим бўлган фарқлари аниқланмади. Барча сабаблар натижасидаги ўлим ҳолатлари, юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликларга боғлиқ бўлмаган ўлим ҳолатлари, ошқозон-ичак тизимидаги етишмовчиликлар, инфекциялар ва саратон колхицин ва тасодифий назорат тадқиқотлари гуруҳлари ўртасида фарқланмади.

Колхицин етарли даражада самарали ва хавфсиз дори воситаси бўлиб, юрак қон-томир тизимидаги етишмовчиликларнинг иккиламчи профилактикасида муваффақиятли қўлланиши мумкин [8].

Юрак ишемик касаллигининг паталогияси, симптомлари ва эпидемиологияси. Юрак ишемик касаллиги бўйича тадқиқотларда қуйидаги натижалар олинган. Бошланғич тиббий-санитар ёрдамни қўллаб-қувватлаш ташаббуслари зарур профилактика хизматини кўрсатишни таъминлашда катта аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотлар мақсади ўткир ишемик синдром билан оғриган беморларни шифохонадан чиққандан сўнг, 6 ой давомида тиббий ёрдам сўраб қилган мурожаатларини ўрганиш ва бу мурожаатлар сони яшаш тарзи, клиник муолажалар ва дори воситаларини қабул қилиш билан боғлиқлигини аниқлашдир.

Ўткир ишемик касалликни даволашда қўшма миллий регистрида тўпланган маълумотларнинг ретроспектив гуруҳ таҳлили ўтказилди ва клиник кўрсаткичлар, дори воситалари, кардиореабилитация қабул қилиш сони билан ўткир ишемик синдром билан оғриган беморларни шифохонадан чиққандан сўнг 6 ой давомида тиббий ёрдам сўраб қилган мурожаатлари сони таққосланди.

Ўткир ишемик синдром билан оғриган беморлар терапевтга 6 ой давомида ўртача 4,4 марта (± 3,8), кардиологга 1,2 марта (± 0,9) мурожаат қилганлар. Умумий амалиёт шифокорига 6 ой давомида мурожаат қилган беморларда кардиологик реабилитация, овқатланиш тартиби учун кўрсатмалар ва кардиопротектор дори воситаларини тавия этиш кўрсаткичлари баланд бўлгани қайд этилган [9].

Тадқиқотларда Хитойдаги клиник шифохонадаги давлатга қарашли поликлиникада ўтказилди. Асосий натижа беморларни даволаш кўрсатмаларига аниқ риоя қилишлари шарт эканлиги бўлди. Бундан ташқари, беморлар учун дори воситалари ҳақида маълумот олиш дорихона ходимлари томонидан берилиши тўғри-нотўғрилиги ўрганилди. Анкета тўлдирган 159 нафар, тахминан 38,4 фоиз беморларда, дори воситаларини қўллаш, уларнинг ножўя таъсирлари ҳақидаги маълумотларга эга эмаслиги билан боғлиқлиги маълум бўлди.

Тестлар шуни кўрсатдики, иштирокчиларнинг катта қисмида наркотобеъликни даволаш ҳақида етарли билимлари йўқлиги маълум бўлди. 22 нафар иштирокчи асосий манба сифатида фармацевтларни белгилашди. Натижада 95 фоиз иштирокчилар тиббий билимларини ошириш истагини билдирдилар [10].

Таълим дастурида 18 ёшдан катта бўлган 19 316 нафар беморларни даволашда тери орқали ўтказилган коронар жарроҳликдан кейинги босқи кузатувда иштирок этишди. Тери орқали коронар жарроҳлик ўтказилганлигига қарамасдан, 20,5 фоиз беморлар (кўпроқ ёш ва маълумоти паст эркаклар) сигарет чекиши, 35,7 фоиз беморлар (кўпроқ ёши катта, маълумоти паст, ортиқча вазнли ва кичик шаҳарларда яшовчи эркаклар) коронар жарроҳликдан кейин жисмоний ҳаракатларнинг чекланиши фойдали, деб ҳисоблаши, 85 фоиз беморлар (асосан, ёш, олий маълумотли, ортиқча вазнли ва йирик шаҳарлардан келган аёллар) юрак-қон томир тизимига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи маҳсулотларни билиш зарурлигини таъкидлаши маълум бўлди. 8 фоиз беморлар (кўпроқ ёш ва маълумоти паст ва кичик шаҳарлардан келган эркаклар) тери орқали ўтказилган коронар жарроҳликдан кейин қон босимини умуман назорат қилмайдилар, 44 фоиз (кўпроқ маълумоти паст беморлар) дори воситаларини қабул қилишни унутган ёки дори воситалари тугаган [11].

Коронар жарроҳлик ўтказилгандан кейинги беморлар учун клиник амалиётга алоҳида дастурлар киритиш лозим. Бундай беморлар юрак-қон томир ишининг бузилиши борасида энг юқори хавф даражасида туради. Бундай таълим дастурлари барча коронар жарроҳлик ўтказилган, асосан кичик шаҳарлардан келган беморлар учун мўлжалланган. Тадқиқотдаги камчилик беморларни ўткир ишемик касаллик синдроми ва турғун ишемик касаллик гуруҳларига ажратилмаганидадир. Коронар жарроҳлик ўтказилгандан кейин беморлар қанча вақт мобайнида тадқиқотлар гуруҳига киритилганлари хақида ҳам маълумот йўқ [12].

Сурункали ўпка обструктив касаллиги ва юрак ишемик касаллиги кўп ҳолларда бир-бирига мос келади. Катта ёшдаги беморлар касалланишининг 62 фоиз ушбу касалликка тўғри келади. Сурункали ўпка обструктив касаллигининг давомий кечиши юрак қон-томир тизимидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Сурункали ўпка обструктив касаллиги билан оғриган 50 ёшдан катта бўлган беморларнинг 50 фоиз ўпка гипертензиясидан азият чекадилар [13]. Сурункали ўпка обструктив касаллиги ва юрак ишемик касаллиги бир-бирига ёндош касаллик сифатида ҳам учрайди.

Ультратовуш асбобларининг пайдо бўлиши билан сурункали ўпка обструктив касаллиги билан оғриган беморларни касалликнинг турли босқичларида функционал текшириш имконияти пайдо бўлди. Ўткир ўпка гипертензияси юракнинг ўнг қоринчаси фаолияти бузилишига олиб келади. Ушбу натижалар тўқима допплери технологиясидан фойдаланган ҳолда касалликнинг эрта босқичида аниқланади [14].

Юрак ишемик касаллигини даволаш молекуляр

даражадаги ишемия ва гипоксия шароитида миокардда энергия ҳосил қилувчи жараёнларни тартибга солиш имкониятида акс этади. Шу сабабли юрак ишемик касаллигини даволаш учун янги авлод кардиопротектори – Тиотриазолин (“Тиотриазолин”, “Артериум” корпорацияси, Украина) самарадорлигини қиёсий баҳолаш долзарб ҳисобланади [15].

Тадқиқотда юрак ишемик касаллиги турларининг тарқалиши ва ≥ 55 ёшдаги эркак ва аёлларда касалликни прогнозлашнинг аҳамиятини ўрганишдир [16].

Таҳлилларда 1875 нафар бемор иштирок этди. Барча беморлар ижтимоий-демографик кўрсаткичлар, анамнез, “Роуз” сўровномаси, хулқ-атвор одатлари каби стандарт сўровномадан ўтказилди [17].

Тадқиқотда Ғарбий Сибирь шаҳарларида эркаклар ўртасида юрак ишемик касаллиги Электрокардиография аломатларининг тарқалишини қиёсий жиҳатдан ўрганиш ҳисобланган. Тадқиқотда 25 дан 64 ёшгача бўлган эркаклар иштирок этишди. Эпидемиологияда қабул қилинган стандарт усуллардан фойдаланилди. Аниқланишича, юрак ишемик касаллиги Электрокардиография аломатлари катта шаҳарларнинг 25 дан 64 ёшгача бўлган эркак аҳолисида учрар экан [18].

Юрак ишемик касаллигини жарроҳлик йўли билан даволашнинг энг самарали йўли бу коронар шунтлаш ҳисобланади. Коронар шунтлашдан кейин беморларнинг турмуш сифати яхшиланишига қарамай, баъзи беморларда нейропсихологик ақлий ўзгаришлар пайдо бўлади, улар 12–79 фоизни ташкил этади. Шу сабабли, беморлардаги неврологик муаммолар кардиохирургиянинг долзарб муаммоларидан бирилигича қолмоқда. Ақлий ўзгаришларнинг ривожланишига беморларнинг ёши, жарроҳликдан аввалги ҳолати сабаб бўлмоқда [19].

Миокард ишемияси миокарддаги кислород муҳтожлиги билан коронар қон айланиш имкониятларининг боғлиқлигидир. Кўп ҳолларда ушбу касаллик миокарддаги кислородга бўлган муҳтожлик ва коронар қон айланиши етишмовчилигидан келиб чиқади. Миокарддаги кислородга бўлган муҳтожликни белгиловчи кўрсаткич, бу юрак мушагининг қисқариш частотаси ва миокарднинг қисқарувчанлигидир [20].

Тадқиқотда ўткир ва сурункали юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларнинг гемостаз тизимидаги ўзгаришлар характерини аниқлашдан иборат бўлиб, биринчи гуруҳда 46 нафар II, III функционал синфдаги турғун стенокардия билан оғриган, иккинчи гуруҳда – 42 нафар ўткир коронар синдроми бўлган беморлар ва назорат гуруҳида 28 нафар соғлом кишилар тадқиқ қилинди [21].

Тадқиқотда юрак ишемик касаллиги билан боғлиқ бўлган сурункали ўпка обструктив касаллигининг кучайишини прогнозлаш имкониятлари ўрганилади. Бунда қон плазмасидаги тизимли яллиғланиш кўрсаткичлари баҳоланади. Тадқиқотда юрак ишемик касаллиги билан боғлиқ бўлган сурункали ўпка обструктив касаллиги билан оғриган 88 нафар беморларда клиник-лаборатория таҳлиллари ўтказилди [22].

Қандли диабет билан оғриган беморлардаги атеросклероз касаллигининг турлича кечиши кардиологларни эндокринологлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ундайди. Авваллари кардиологлар қандли диабетни атеросклероз билан оғриган беморлардаги ёндош касаллик сифатида қабул қилишган. Вақт ўтиши билан ушбу касалликларнинг биргаликда мавжуд бўлиш частотаси улар ўртасидаги муҳим патогенетик боғлиқликда равшанлиги аниқланди [23].

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларга кўра, ваҳима психологик стресс сифатида юрак ишемик касаллигининг хавф омили ҳисобланади. Юрак қон-томир касалликлари ривожланишига шахсий ваҳимадорликнинг таъсирини ўрганиш мамлакатда ушбу соҳада тадқиқотлар ўтказилмаганлиги сабабли жуда муҳим муаммо бўлиб турибди. Шу сабабли ушбу тадқиқотнинг мақсади шахсий ваҳимадорликнинг миокард инфаркти ва инсульт ривожланишига таъсирини ўрганишдан иборатдир [24].

Қарор қабул қилиш учун ёрдамчи воситалар сифатида юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларнинг шахсий хулоса чиқаришларида истиқболли амалий натижалар таклиф қилинади ва қабул қилиниши зарур бўлган дори воситаларини танлашда ёрдам кўрсатилади. Аммо, даволаш тартибига риоя қилишга таъсир ўтказувчи омиллар ҳақида маълумот кам [25].

Тадқиқотда 160 бемор (81 нафар беморда интервенция ўтказилган, 79 нафар бемор назоратда) иштирок этишди. Ёрдам гуруҳида юрак ишемик касаллигининг самарали профилактика стратегияси кенг қўлланилди. Тадқиқот гуруҳлари қиёсланганда юрак ишемик касаллигининг профилактика стратегияси беморлар ва тиббий ёрдам ходимлари ўртасидаги муносабат яхши эканлигини кўрсатди. 99 фоиз иштирокчилар тиббий ёрдам тушунишга осон, 93 фоиз иштирокчилар тиббий ёрдам қўллашга осон, деган фикр билдирдилар.

Юрак ишемик касаллигининг профилактикасида қарор қабул қилишнинг ёрдамчи воситалари муҳим ўрин тутиши, беморлар ва тиббий ёрдам ходимлари ўртасидаги муҳокамаларни кенгайтириш мумкин [26].

Германиянинг Кёльн шаҳрида 6 ой давомида “Саломатлик кундалиги”ни ҳар ҳафтада 104 нафар ўткир ишемик синдром билан шифохонага ётқизилган беморлар тўлдириб боришган. Беморларнинг ўртача ёши 62 ёшни, 104 бемордан 76 нафари эркаклар (73 фоиз)ни ташкил этди. Шифохонадаги ва ундан кейинги даволашда фарқлар борлиги маълум бўлди. Буюрилган кундалик дозалар ва дори воситалари аннотациясидаги кўрсатмалар тақкосланди.

Тадқиқотда иштирок этиш, шунингдек, кундалик амалиётда қўлланадиган парваришлаш дастурларида иштирок этишга таъсир кўрсатадиган нотўғри тушунчалар чекланган. Ушбу тадқиқотда гендер тарафкашлиги, иккиламчи профилактика дастурига киритилиши, холестерин даражасини бошқариш имконияти бўлган эркаклар рўйхатга киритилиши мумкинлиги маълум бўлди. Харажатларни тўлаб бериш беморнинг талабларга қай даражада амал қилишига боғлиқ бўлиб, беморни парваришловчи ходимларни рағбатлантириши мумкин, гарчи бемор танловининг сабаби номаълум. Шу сабабли бундай аралашувлардан бош тортган беморларнинг ҳисобини юритиш зарурати таъкидланган[27].

Шифокорнинг даволаш бўйича кўрсатмаларига амал қилмаслик юрак қон-томир етишмовчилиги бўлган беморларда тиббий ёрдам учун сарфланадиган харажатлар ҳажмининг ошиши ва нохуш натижалар келиб чиқишига сабаб бўлишига олиб келмоқда.

Беморнинг бундай ҳолатлари ўзи учун қандай асоратлар келтириб чиқаришига баҳо бера олиши, шифохонадан ташқаридаги юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморнинг шифокор кўрсатмаларига риоя қилиши номаълум.

1015 нафар шифохонадан ташқарида даволанаётган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда юрак қон-томир касалликлари хавфи истиқболли баҳоланди. Беморларга бир савол берилди.

Юрак қон-томир касалликлари (юрак ишемик касаллиги, миокард инфаркти ёки инсульт) 3,9 йил давомида беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида олиб борилган ёзув қайдномаларида келтирилган. Юрак қон-томир касалликлари хавфини аниқлаш мақсадида даволаш бўйича кўрсатмаларга амал қилмаслик билан боғлиқ бўлган Кокс таҳлиллари ўтказилди.

1015 нафар бемордан 83 нафари (8,2 фоиз) даволаш тартибига риоя қилмаганлари маълум бўлди, 146 нафарида (14,4 фоиз) қон-томир касалликлари билан оғриш ҳолатлари кузатилди. Дастурда иштирок этмаган беморлар 3,9 йил давомида олиб борилган кузатувлар натижасида юрак қон-томир касалликлари билан оғришга мойил эканлиги маълум бўлди (13,8 фоизга нисбатан 22,9 фоиз ; P = 0,03). Даволаш бўйича кўрсатмаларга амал қилмаслик юрак қон-томир етишмовчилиги бўлган беморларда нохуш прогностик омилларни келтириб чиқарди.

Шифохонадан ташқарида даволанаётган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда даволаш бўйича кўрсатмаларга амал қилмаслик билан боғлиқ бўлган юрак қон-томир касалликлари хавфи икки баравар юқори эканлиги маълум бўлди [28].

Юрак ишемик касаллигини даволашда қўлланадиган дори воситаларининг истеъмоли бўйича илмий изланишларнинг назарий муаммолари ёритилган.

Юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларнинг амбулатор ва стационар шароитда даволаш, касалликда қўлланиладиган дори воситаларини маркетинг жиҳатдан ўрганишга ва тадқиқотларга ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса.

Маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотларида – юрак ишемик касаллиги, даволаш жараёни ва унда қўлланиладиган дори воситалари истеъмолининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига асосланиб, юрак ишемик касаллиги ва унда қўлланиладиган дори воситалари билан даволаш бўйича изланишларни олиб бориш таҳлил қилинди.

Адабиётлар таҳлилида юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларни дори воситалари билан даволаш бўйича тадқиқотлар назарий таҳлил қилинди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абрамович С.Г. Немедикаментозное лечение и профилактика ишемической болезни сердца: проблемы и перспективы // Сибирский медицинский журнал (Иркутск). – 2005. – Т. 58. – №. 8. – С. 91–97.

2. Акимова Е. В., Гафаров В.В., Трубачева И.А., Кузнецов В.А., Гакова Е.И., Перминова О.А. Ишемическая болезнь сердца в сибири: межпопуляционные различия // Сибирский медицинский журнал. – 2011, Том. 26. – № 3. – Выпуск 1. – С. 153–157.

3. Акчурин Р.С., Власова Э.Е., Мершин К.В. Сахарный диабет и хирургическое лечение ишемической болезни сердца // Вестник РАМН. – 2012. № 1 – С. 15–19.

4. Алимова Х.Р. Юрак ишемик касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг маркетинг таҳлили // 70910702 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2023. 94-б.

5. Бойцов С.А., Воевода М. И. и др. Коррекция гипертриглицеридемии с целью снижения остаточного риска при заболеваниях, вызванных атеросклерозом // Заключение Совета экспертов. Российский кардиологический журнал. 2019; (9): 44–51. doi:10.15829/1560-4071-2019-9-44-51.

6. Геншат С. Г., Елена А. Ч. Особенности системы гемостаза у пациентов с ишемической болезнью сердца // Казанский медицинский журнал. Теоретическая и клиническая медицина. – 2012. Том 93. – № 1. – С. 3–7.

7. Горелик И.Л., Калманова Е.Н., Айсанов З.Р., Чучалин А.Г. Функционально структурные изменения сердца при хронической обструктивной болезни легких в сочетании с ишемической болезнью сердца // Пульмонология. – № 1, – 2010. – С. 100–105.

8. Ерёмина О.В., Петрова М.М., Прокопенко С.В., Исаева Н.В., Каскаева Д.С. Когнитивные нарушения у пациентов с ишемической болезнью сердца // Бюллетень сибирской медицины. – 2014. Том. 13. – № 6. – С. 48–56.

9. Карпов Ю.А., Кухарчук В.В., Лякишев А. и др. Диагностика и лечение хронической ишемической болезни сердца. Практические рекомендации // Кардиологический вестник. – 2015. – № 3. – С. 3–33.

10. Каюмова М.М., Акимова Е.В., Гафаров В.В., Каюмов Р.Х., Акимов А.М., Кузнецов В.А. Жизненное истощение: взаимосвязь с распространенностью ишемической болезни сердца // Российский кардиологический журнал. – 2014. – №8 (112). – С. 68–72.

11. Колосов В.П., Павленко В.И. Прогнозирование частоты обострения хронической обструктивной болезни легких, сочетанной с ишемической болезнью сердца // Бюллетень. Выпуск 45, 2012. – С. 35–37.

12. Меркулов Е.В., Терещенко А.С., и др. Измерение фракционного резерва кровотока для выбора тактики лечения пациентов с многососудистым и многоуровневым поражением коронарного русла // Атеросклероз и дислипидемии. – С. – 2014. – № 2 (15). – С. 17–22.

